



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛТЕТ**

”ИҚТИСОДИЁТ“ КАФЕДРАСИ

МАСТУРА АЛЛАЯРОВА

**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ
ИНФРАТУЗИЛМАСИ” фанидан**

Ўкув услугий мажмуа



ГУЛИСТОН - 2014

М.К. Аллаярова. "Кишлоқ хұжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти" фанидан ўқув-услубий мажмуа. - Гулистан. 2014. 208 бет.

Ўқув - услугбий мажмуа 5230100-иқтисодиёт таълим йұналиши бүйіча ўқиёттан бакалаврларға ихтисослық фанлар доирасыда ўқитишига мүлжалланган бўлиб, унда "Кишлоқ хұжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти" фани предмети ва методлари, унинг кишлоқ хұжалигидаги тақрор ишлаб чиқариш жараёнини узлуксизлигини таъминланишига оид маълумотлар келтирилган.

Ўқув - услугбий мажмуа педагогология талабларига мос равища тайёрланиб, унда ўқув мақсадлари, мавзуда кўриб чиқладиган муаммолар, назорат саволлари ва мустақил иш топшириклари келтирилган. Ўқув - услугбий мажмуада ўқув дастур, ишчи дастур таълим технологияси, амалий машғулотлар учун масалалар тўплами, назорат турлари учун топшириклар варианtlари, 200 тадан иборат тест саволлари, фандан умумий назорат саволлари, тақдимот материаллари, глоссарий, фойдаланган адабиётлар рўйхати, таянс конспект, ўқув материаллари ва хорижий адабиётлар ўз ифодасини топган.

Ўқув – методик мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги қошидаги Олий ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаши томонидан («_____» _____ 20 йил, 1-баённома) нашрға тавсия қилинган.

Масъул мухаррир:

Тақризчилар: Иқт. фанлари номзоди, доц. О.Т. Сатторқұлов
Иқт. фанлари номзоди, доц. О.Р. Райимбердиева

Allayarova M. K. Training aid on Economy of the infrastructure of agriculture.- Gulistan, 2014. 208 p.

The training aid is prepared on the base of Economy of the infrastructure of agriculture course program, the branch of education is 5230100 - economic.

The manual is about economic activities of infrastructure spheres of serving to agricultural production and their external economic relations.

The manual is designed for bachelor, master students of higher educational establishments majoring in economics as well as for professors, teachers and scientific researchers.

Аллаярова М.К. Учебно-методический комплекс по курсу «Экономика инфраструктуры сельского хозяйства». - Гулистан 2014.208 стр.

Учебно - методический комплекс подготовлен на основании программы курса «Экономика инфраструктуры сельского хозяйства» по специальности 5230100-экономика. Освещены основные стороны развития инфраструктуры сельского хозяйства, его место и значение в развитие экономики страны

Учебно-методический комплекс предназначен для студентов, магистров и аспирантов экономического направления.

АННОТАЦИЯ

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши барча тармоқларнинг ўзаро узвий боғлиқликда ривожланишини талаб қиласди. Ўзбекистонда ялпи миллий маҳсулотнинг аксарият қисми агросаноат мажмуаси тармоқларида ишлаб чиқарилаётганлиги уларнинг ўзаро боғлиқлик доирасини янада кенгайтириш заруратини келтириб чиқаради.

Бозор иқтисодиётида агросаноат мажмуи самарадорлигининг асосий мезони якуний маҳсулот қиймати ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида етиширилган маҳсулот нобудгарчилигини пасайтиришда, тармоқларни етук кадрлар билан таъминлашда, уларнинг меҳнат қобилиятини тиклашда, шунингдек, АСМ тармоқларининг ўзаро узвий боғлиқлигини таъминлашда инфратузилманинг аҳамияти катта. У ўзаро боғлиқ икки таркибий қисмдан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва ижтимоий инфратузилмани ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқаришга хизмат қилиб, маълум маънода унинг таркибий бўғини ҳисобланса, ижтимоий инфратузилма АСМни кадрлар билан таъминлашга, ходимларнинг соғлиғини сақлашга, турмуш даражаларини оширишга хизмат қиласди.

Ижтимоий инфратузилма ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига бевосита таъсир кўрсатади. Инфратузилманинг ривожланиши иқтисодиётнинг реал сектори билан бевосита боғлиқ.

АСМ тузилмаси шундай мураккаб вазифалар тизимидан иборат. Ундаги барча унсурлар бир-бири билан шу қадар узвий боғланганки, улардан бирининг ривожланишда орқада қолиши, бошқаларида самарадорлик пасайиб кетишига сабаб бўлади.

Шу боисдан ҳам республика АСМнинг яхлит ривожланишини таъминлаш ўта муҳим. Ушбу ўқув услубий мажмуа инфратузилманинг моҳияти, унинг таркиби, вазифалари ва ривожланиш тамойиллари билан боғлиқ масалалар моҳиятини очиб беришга мўлжалланган.

Ўқув услубий мажмуа “Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти” фанидан бўйича тўлиқ маълумотларни қамраб олган бўлиб 15та таркибдан иборат. ЎУМнинг асосий қисми фан бўйича ўқув дастур, ишчи ўқув дастур, таълим технологияси, амалий машғулотлар учун масалалар тўплами, назорат турлари учун топшириклар варианtlари, 200 тадан иборат тест саволлари, фандан умумий назорат саволлари, тақдимот материаллари, глоссарий, фойдаланган адабиётлар рўйхати, таянс конспект, ўқув материаллари ва хорижий адабиётлардан ташкил топган.

Талаба учун зарур бўлган барча материаллар тўлалигича баён этилган.

МАЪЛУМОТНОМА

Аллаёрова Мастура Қудратуллаевна



У 2006 йилнинг 2 сентябридан буён:

Гулистон давлат университети «Умумий иқтисодиёт» кафедраси катта ўқитувчisi лавозимида ишлайди.

Туғилган йили:
05.10.1967 йил

Туғилган жойи:
Сирдарё вилояти

Миллати:
ўзбек

Партияйилиги:
йўқ

Маълумоти:
олий

Тамомлаган:
1989 йил, Москва Давлат
Университети (кундузги)

Маълумоти бўйича мутахассислиги:

иқтисодчи, иқтисодиёт
назариясидан ўқитувчи

Илмий даражаси:
йўқ

Илмий унвони:
йўқ

Қайси чет ва МДҲ давлатлари тилларини билади (тўлиқ кўрсатилиши лозим):
рус (мукаммал) ва инглиз (луғат ёрдамида) тиллари.

Давлат мукофотлари билан тақдирланганми:
йўқ

Халқ депутатлари, республика, вилоят, шаҳар ва туман кенгаши депутатими ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ кўрсатилиши лозим):
йўқ

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

- 1984-1989 йй. - Москва давлат университети талабаси
- 1989-1990 йй. - Тошкент давлат педагогика институти “Сиёсий иқтисод” кафедраси ўқитувчisi
- 1990-1992 йй. - Сирдарё давлат педагогика институти “Сиёсий иқтисод” кафедраси ўқитувчisi

- 1992-1998 йй.- Гулистан давлат университети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси ўқитувчisi, катта ўқитувчisi
- 1998-2006 йй. - Гулистан давлат университети «Иқтисодиёт» кафедраси катта ўқитувчisi
- 2006 й .х.в. - Гулистан давлат университети «Умумий иқтисодиёт» кафедраси катта ўқитувчisi.

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ИҚТИСОДИЁТИ ФАНИ БҮЙИЧА МАСЛАХАТ ВА ТАВСИЯЛАР

Билим олиш жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар: дарсни юқори илмий-педагогик даражада ташкил этилиши, муаммоли машғулотлар ўтказиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа кўлланмалардан фойдаланиш, тингловчиларни мустақил фикрлашга ундейдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, ижодкорликка йўналтириш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди. Таълим самарадорлигини орттиришда фанлар бўйича таълим технологиясини ишлаб чиқишининг концепцияси аниқ белгиланиш ва унга амал қилиши ижобий натижа беради. Фанни ўқитишининг мақсади ва таълим бериш технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндашувлар куйидагилардан иборат.

Фаннинг мақсади. 5340100-иқтисодиёт таълим йўналишида таҳсил олаётган талабаларга мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар бевосита миллий иқтисодиётнинг тармоқ хўжалигини ривожланишига боғлиқ эканлиги билан таниширишдир.

Фанни ўқитишининг вазифалари. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг моҳияти, таркиби, туркумланиши, агросаноат мажмуасида моддий-техника таъминотининг ташкилий ва иқтисодий омиллари, транспорт хизматини ташкил этиш, электр энергиясидан фойдаланишни ташкил этиш, тайрлов тизими ва унинг ташкилий-иқтисодий асослари тўғрисида тушунчалар беришдир.

Шахсга йўналтирилган таълим. Ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутади. Таълимни лойиҳалаштирилаётганда келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиши мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда ёндошишга эътибор қаратишни амалга оширади. Ҳар бир талабанинг шахс сифатида касбий такомиллашувини таъминлайди. Таълимнинг марказига билим олувчи қўйилади.

Тизимли ёндошув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараёнининг мантикийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги билим олиш ва касб эгаллашнинг мукаммал бўлишига ҳисса қўшади.

Фаолиятга йўналтирилган ёндошув. Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятини жадаллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида барча қобилият ва имкониятларни, ташаббускорликни очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди. Эгалланган билимларнинг қўникма ва малакага айланиши, амалиётда татбиқ этилишига шароит яратади.

Диалогик ёндошув. Бу ёндошув ўқув жараёни иштирокчиларининг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруритини билдиради. Ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги таълимий фаолият юритишига замин яратади.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиши. Демократлилик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради. Таълим жараёнида “субъект-субъект” муносабатлари таркиб топади.

Муаммли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни таъминлайди. Муаммоли савол, вазифа, топшириқ ва вазиятлар яратиш ва уларга ечим топиш жараёнида онгли, ижодий, мустақил фикрлашга ўргатилади.

Ахборотни тақдим қилишининг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш - ҳозирги ахборот коммуникация технология васиталари кучли ривожланган шароитда улардан тўғри ва самарали фойдаланиш, ахборотларни танлаш, саралаш, саклаш, қайта ифодалаш қўникмалари ҳосил қилинади. Бу жараёнда компьютер саводхонлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқитишининг методлари ва техникиси. Маъруза муаммовий усул, кейстади, пинборд, лойиҳа ва амалий ишлаш усуллари. Интерфаол усулларни мавзунинг мазмунига мос ҳолда танлаш ва улардан самарали фойдаланишга ўргатади.

Ўқитиши воситалари: ўқитишининг анъанавий воситалари билан бир қаторда – компьютер ва ахборот технология воситалари кенг қўламда татбиқ этилади.

Коммуникация усуллари: тингловчилар билан оператив икки ёқлама (тескари) алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатларнинг йўлга қўйилиши.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



**Талабаларнинг фанлардан қолдирган
дарсларини қайта ўзлаштириши тўғрисида
НИЗОМ**

Гулистан-2013

**Талабаларнинг фанлардан қолдирган дарсларини
қайта ўзлаштириши тўғрисида**

НИЗОМ

1. Умумий ҳолатлар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июнодаги “ОТМга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқищдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 118-сонли Қарорининг 30-банди, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим Вазирлигининг 1999 йил 29 мартағи 99-сонли “Олий ўқув юртларида ўқув ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги буйруғи, “Олий ўқув юртининг факултети тўғрисида Низом”, 2010 йил 25 августдаги 333-сонли буйруқ билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2010 йил 26 августда 1981-1 сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом”нинг 2, 23, 24, 25, 26, 33, 34-бандлари, “Талаба мустақил ишини ташкил қилиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги намунавий Низом” ҳамда 2010 йил 29 августдаги “ОТМнинг кафедра ва деканатлари иш юритувида бўлган асосий хужжатларни соддалаштириш тўғрисида”ги 340-сонли буйруғи талаблари асосида талабаларнинг сабабсиз дарс қолдиришлари олдини олиш ва фанлардан қолдирган дарсларини қайта ўзлаштириши тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг мақсади талабаларда касбий малакаларни мустаҳкамлаш жараёнида фанлардан билим олиш самарадорлигини янада ошириш ҳамда ўқув ва меҳнат интизомини яхшилашга қаратилган.

3. Мазкур Низом:

- фан ўқитувчиси, гурух мураббийси, кафедра мудири ва факултет деканининг талабалар томонидан ўқув фанларидан сабабсиз дарс қолдирилишини камайтириш ва қайта ўзлаштиришни ташкил қилиш бўйича хукуқ ва масъулиятларини белгилаш;
- қайта ўзлаштиришнинг ўз вақтида бўлишини таъминлаш;
- фанлардан қолдирилган дарсларни қайта ўзлаштиришда ҳозирги кунгача шакланиб қолган эски (семестр якунида қайта ўзлаштириш каби) салбий услублардан воз кечиш, талаба ва фан ўқитувчисининг мазкур жараёнга масъулият билан ёндашиши ҳамда қайта ўзлаштириш жараёнида илғор инновацион услугуб ва тажрибаларидан фойдаланиш каби асосий вазифаларнинг бажарилишини кўзда тутади.

II. Фанлардан қолдирилган дарсларнинг қайта

ўзлаштирилишини қайд қилиш тартиби

4. Ўқув фанларидан қолдирилган дарслар Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2010 йил 29 августдаги 340-сонли буйруғи асосида юритиладиган академик гурух журналига “й” ёки “нб” белгиларини қўйиш орқали қайд қилинади. Узрли сабаб билан қолдирилган дарс доирага олинади (одатда қора ёки кўк сиёҳда). Сабабнинг узрлилиги деканат маълумотномаси асосида белгиланади.

5. "Үқитувчи журнали" ва "Гурух журнали"даги "й" ёки "нб" белгилари қайта топширилган дарс мавзуси мөс санада қизил сиёҳ билан (иккинчи) доиралар олинади.

6. Үқув фанларидан қолдирилган дарслар ва уларни қайта ўзлаштириш "Үқитувчи журнали" ва "Гурух журнали"да бир хил күринишда қайд қилинади. Бу борадаги маълумотларнинг аниқлигига ўқитувчи масъулдир.

7. Дарсдан сўнг фан ўқитувчиси кафедрада юритиладиган маҳсус журналга дарс қолдирилган талабалар ва фан мавзуси бўйича тегишли маълумотларни ўрнатилган тартибда қайд этади ва бу тўғрисида талабани огоҳлантиради.

Қайта ўзлаштиришдан сўнг ўқитувчи томонидан талабанинг дафтарига ва кафедрада жорий қилинган маҳсус журналга дарснинг қайта ўзлаштирилганлиги қайд қилинади.

8. Қолдирилган дарсларни тўлиқ ўзлаштирган талабалар фанни ўзлаштириш бўйича юқори баллга даъвогарлик қила олмайди.

III. Қолдирилган дарсларни қайта топшириш ва қабул қилиш тартиби

9. Қолдирилган дарсларни (маъруза, амалий, семинар, лаборатория) қайта топшириш учун талаба мавзу бўйича ўқув материалини тегишли турдаги машғулот дафтарига тайёрлаб келади ва ўқитувчининг қисқа сухбатидан ўтади.

10. Қолдирилган лаборатория машғулотларини қайта топшириш учун талаба ўқитувчига коллоквиумни топшириб, лаборант назорати остида ишни бажаради ва хисоботни расмийлаштириб ўқитувчига топширади.

11. Қайта топширишлар Вазирликнинг 340-сонли буйруғи иловасининг 11-шакли ("Рейтинг қайдномаси") бўйича белгиланган **3 та муддат** ичида қабул қилинади. Муддат ўтганидан сўнг деканат руҳсати билан қабул қилинади.

12. Қолдирилган дарсларни қабул қилиш, рейтинг кўрсаткичларини баҳолаш юкламаси хисобидан амалга оширилади.

13. Қайта топширишни ўз вақтида бажармаган ва фанни ўзлаштирган талабага семестр якунида қолдирилган дарсларини қайта топширишига руҳсат берилмайди.

14. Қолдирилган дарсларни узрли сабаб билан (касаллик маълумотномаси **ТМК** тасдиғи билан ёки касаллик тарихидан қўчирма) ўзлаштира олмаган талабаларга ўрнатилган тартибда деканат томонидан қайта топшириш ташкил этилади.

IV. Дарсларнинг қолдирилишини камайтириш ва қайта ўзлаштирилишини ташкил қилиш бўйича белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар

16. Талаба фанлардан қолдирилган дарсларга ва уларни белгиланган муддатларда ўзлаштиришга шахсан жавобгар хисобланади.

17. Дарсдаги давомат ҳамда қолдирилган дарсларнинг ўзлаштирилиши учун фан ўқитувчиси ҳамда гурух мураббийси масъул хисобланади.

18. Гурух мураббийси гурух талабаларининг фанлардан қолдирилган дарслари сабаблари ва уларни қайта ўзлаштирилиши ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши, гурухнинг ҳар бир мажлисида ва ахборот таълим-тарбия соатида талабаларнинг давомати ҳамда фанлардан қайта ўзлаштиришларни муҳокама қилиб, тегишли чоралар қўриши ва сабабсиз дарс қолдирилмаслигини ҳамда фанлардан қолдирилган дарсларни ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаши зарур.

19. Кафедра мудири қайта топширишларни қабул қилиш жадвалига мувофиқ профессор-ўқитувчилар фаолиятининг ташкил этилишини назорат қилади ва фанлар бўйича қайта ўзлаштириш натижаларини ҳар ойда бир марта кафедра мажлисларида муҳокамадан ўтказиб, дарс қолдирилган талабалар ва уларнинг қайта топширишлари натижалари юзасидан деканатга маълумотнома тақдим этади.

20. Талабаларнинг давомати учун масъулият Вазирлик томонидан тасдиқланган "Олий ўқув юртининг факултети тўғрисида Низом"нинг 6-бандига асосан факултет декани зиммасига юклатилади. Декан сабабсиз кўп дарс қолдирган талабалар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиши, фан ўқитувчилари ва гурух мураббийларининг фаолиятини узлуксиз назорат қилиб бориши ва талабаларнинг сабабсиз дарс қолдирмаслиги учун кескин чоралар кўриши лозим.

Фан ўқитувчиси тақдим этган билдиришномага мувофиқ 3 маротабадан кўп дарс қолдирган ёки кўпол тарзда университет ички тартиб-қоидаларини бузиб, дарсга халакит берган талабанинг дарс қолдириш сабаблари ўрганилиб, чора кўрилганидан кейин факультет деканининг рухсати билан талаба дарсга киритилади.

21. Талабаларнинг ўқув фанларидан дарс қолдириш ҳолати бўйича факультет деканлари томонидан тақдим этилган маълумотлар маъмурият йиғилишларида муҳокама қилиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

23. Ушбу Низомга ўзгартириш киритиш университет Илмий Кенгаши қарори асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2009 йил 14 авгуустдаги 286-сонли буйруги билан тасдиқланган "Талабаларнинг фанлардан қолдирган дарсларини қайта ўзлаштириши тўғрисида НИЗОМ"и асосида тайёрланган "Гулистон давлат университети талабаларининг фанлардан қолдирган дарсларини қайта ўзлаштириши тўғрисида Низом" Гулистон давлат университетининг 2013 йил 25 январдаги Илмий Кенгашининг 5-сонли мажлисисида муҳокама этилиб, университетнинг 2013 йил январдаги 5-сонли буйруги билан қайта тасдиқланган.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим
Вазирлиги**

Гулистон Давлат университети



**Талабаларнинг фанлардан мустақил
ишларини ташкил этиш, назорат қилиш
ва баҳолаш тартиби тўғрисида
Низом**

Гулистон-2013 йил

**Гулистон давлат университетида талабалар мустақил
ишиларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш
тартиби тўғрисида Низом**

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001-йил 16-августдаги "Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ти 343-сон қарори, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2005-йил 21-февралдаги "Талабалар мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги намунавий низом тўғрисида"ти 34-сонли буйруғи, 2009 йил 14 августдаги 286-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома" асосида талабалар томонидан фанларни ўзлаштириш сифатини яхшилаш ҳамда талабаларда мустақил фикрлаш, ахборот манбаларидан олинган маълумотларни таҳлил этиш, хulosалаш, татбиқ этишга йўналтирилган кўникма ва малакаларни ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, талабаларнинг мустақил ишиларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

1.2. Фанлардан мустақил ишлар намунавий ва ишли ўқув режалари асосида муайян фанни тўла ўзлаштириш учун белгиланган ўқув ишлари ҳажмининг бир қисми сифатида, ўқитувчи назорати остида талабанинг фан учун тутган умумий дафтарига (маъруза, амалий, семинар, лаборатория) фанлар кесимида келтирилган мустақил таълим мавзулари мустақил тарзда бажарилади. Мустақил иш мавзуларини бажаришда асосан фаннинг ишли дастурида келтирилган асосий, кўшимча адабиётлардан, университет АРМи манбаларидан ҳамда Интернет тармоғида мавжуд материаллардан, кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган ЎУМ, ўқув-услубий қўлланма ва кўрсатма, маъруза матнлари, шунингдек бошқа манбалардан фойдаланилади.

1.3. Талабаларнинг мустақил ишларни бажариш бўйича тўплаган рейтинг баллари ўқув семестри давомида ҳар бир фан бўйича аудитория ўқув ишларига берилган рейтинг баллари билан биргаликда академик гурухларнинг рейтинг қайдномасида қайд этилади.

II. Талабалар мустақил ишининг мақсад ва вазифалари

2.1. Талаба мустақил ишининг асосий мақсади - талабаларда, фан ўқитувчисининг раҳбарлиги ва назорати остида, муайян фан бўйича маъруза, амалий (семинар) ва лаборатория машғулотларидан берилган ўқув топшириқларини мустақил равишда бажариш жараёнида зарур билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришдан иборат.

2.2. Талаба мустақил ишининг вазифалари:

- фанлардан маъруза (амалий лаборатория) машғулотларида берилган билимларни мустақил тарзда пухта, мукаммал ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- тавсия этилган адабиётларни университет АРМида ва интернет сайтларидан топиш, мавзуларни ўрганиш жараёнида керакли маълумотларни излаб йиғиш, қулаги

усуллари ва воситаларини аниқлаш;

- ўқув ва илмий адабиётлар, илмий, илмий-методик журналлар ҳамда меъёрий хужжатлар билан ишлаш, электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банкидан фойдалана олиш ва зарур маълумотларни тўплаш ҳамда таҳлил қилиш;
- интернет тармоғининг тавсия этилган сайтларидан мақсадли фойдаланишга ўргатиш;
- ўқув машғулотларида берилган топшириқларнинг рационал ечимини топиш ва таҳлил этиш;
- фанлардан мустақил иш топшириқларни, ҳисоб чизма ишларини, курс иши ва курс лойихаларини бажаришда тизимли ва ижодий ёндошишга ўргатиш;
- мустақил иш топшириқларини бажариш жараённида ишлаб чиқилган ечим, лойиха ёки ғояларни асослаш ва мутахассислар жамоасида ҳимоя қилиш;
- фан бўйича талабанинг мустақил фикрлаш, билим, кўникма ва тасаввур оламини ҳамда муаммоларни мустақил ҳал қила олиш қобилиятини шакллантиришдан иборат.

III. Талаба мустақил ишининг ташкилий шакллари

3.1. Талаба мустақил ишини ташкил этишда муайян фан(курс)нинг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги шакллардан фойдаланилади:

- Ўқув-услубий мажмуалар асосида маъруза мавзулари материалларини мустақил ўзлаштириш;
- семинар ва амалий машғулотлар бўйича уйга берилган топшириқларни бажариш;
- лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш ҳамда ҳисботлар тайёрлаш;
- Техникавий, табиий фанлар бўйича ҳисоб-график ишларни бажариш;
- курс иши (ложиҳаси)ни мустақил бажариш;
- илмий мақола, Республика ва халқаро миқёсидаги анжуманларга маъруза тезисларини тайёрлаш.

Фаннинг хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда, кафедра йиғилиши қарорига кўра фанлардан талаба мустақил ишларини ташкил этишда бошқа шакллардан ҳам фойдаланилиши мумкин.

3.2. Ўқув фанлари бўйича намунавий ва ишли дастурларда талаба мустақил ишининг шакли, мазмуни ва ҳажми ҳамда баҳолаш мезони кўрсатилади;

3.3. Кафедралар томонидан талаба мустақил иши учун ажратилган вақт бюджетига мос равишда ҳар бир фан бўйича мустақил ишнинг ташкилий шакллари, топшириқлар ишлаб чиқилади ва кафедра йиғилишида мухокама этилиб, факультет ўқув-услубий кенгашида тасдиқланади. Кафедранинг рейтинг ойнасида ҳар бир фан бўйича мустақил таълим мавзулари таништириш учун эълон қилинади.

3.4. Кафедра томонидан мустақил ишларни бажариш бўйича фанлардан талабаларга зарурый методик кўлланма, кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

IV. Фанлардан ўқув машғулотлари бўйича топшириқлари

4.1. Фанлар бўйича маъруза (амалий, семинар, лаборатория) машғулотларидан мустақил иш топшириқлари кафедраларнинг етакчи профессор-ўқитувчилари (профессор, доцентлар), фан ўқитувчиси билан биргаликда ишлаб чиқилади, кафедра йиғилишида мухокамадан ўтказилади ва тегиши қарор билан тасдиқланади.

4.2. Фанлардан мустақил иш топшириқлари фан бўйича ишчи дастурга мос холда мавзулар келтирилади ва мустақил иш топшириқларини бажариш муддатлари кўрсатилади.

4.3. Фаннинг ишчи ўқув дастурига киритилган ва маъруза шаклида ўрганиши белгиланган мавзуларни тўлалигича мустақил иш сифатида бажарилишига рухсат этилмайди.

4.4. Амалий, (семинар) машғулотлар бўйича аудиторияда бажарилган топшириқларга мазмунан ўхшащ, мураккаблиги мос келувчи топшириқлар мустақил тарзда уйда ишашга тавсия этилади.

4.5. Лаборатория ишида назарий тайёрғалик кўриш, натижалар олиш, тахлил этиш ҳамда ўлчаш хатоликларини аниклаш мустақил иш топшириғи хисобланади, лекин лаборатория иши бажарилиб, тўла топширгандан сўнг хисобга олинади.

4.6. Кафедралар томонидан фанлардан мустақил иш топшириқларини бажариш учун зарур бўлган ўқув адабиётлари, методик адабиётлар, методик тавсиялар, кўрсатмалар, интернет сайтлари ва ҳ.к.лар аниқ кўрсатилади. Мустақил ишларни бажариш жараёнида фан ўқитувчиси томонидан талабаларнинг талаблари асосида консультациялар ўюширилади.

4.7. Талабалар томонидан курс иши (лойиха) ларини тайёрлаш жараёнида зарур ҳолларда марказий АҚМ, АРМлардан коллежлар, лицейларнинг АРМларидан, интернет тармоқларидан фойдаланишга амалий имкониятлар яратиб берилади.

V. Талабалар томонидан мустақил ишларни расмийлаштириш топшириш тартиби

5.1. Фанлардан мустақил ишлар бўйича тайёрланган материаллар талабанинг фан бўйича тутган маъруза ва амалий (семинар) машғулотлари дафтарига ёзилади, ўқитувчи томонидан кўриб чиқилади ва кисқа оғзаки сўров орқали баҳоланади.

Лаборатория машғулотларида мустақил иш топшириқларини бажариш натижалари ҳам лаборатория дафтарига ёзилади. Талаба ҳар бир лаборатория иши бўйича коллоквиум топширганидан сўнг лаборатория ишини бажаришга рухсат этилади ва ишни тўла топширгандан сўнг баҳоланади.

5.2. Хисоб-чизма ишларини ҳамда курс иши ёки курс лойихаси ишларини мустақил бажариш натижалари белгиланган тартибда ёзилади ва химоя қилинади, баҳоланади.

5.3. Кафедралар томонидан фанлардан маъруза, амалий (семинар) ва лаборатория машғулотлари бўйича мустақил иш топшириш графиги семестр боштанишида кафедранинг рейтинглар ойнасига осиб қўйилади.

5.4. Фанлардан ўқув машғулотлари кесимида мустақил иш топшириқларини график асосида машғулот дафтарига қайт этиб бажариш ва муддатида топшириш масъулияти талабага, назорати фан ўқитувчиси зиммасига юклатилади. Белгиланган муддатда топширилмаган мустақил иш топшириқлари факультет деканатининг рухсатномаси асосида ЖНдан кейинги ЖНга қадар, ОНдан кейинги ОНга қадар муддатларда топширишга рухсат этилади.

VI. Талабалар мустақил ишларини бажарилишини назорат қилиш ва баҳолаш

6.1. Фанлардан талабалар мустақил ишларининг бажарилиши фан ўқитувчиси томонидан назорат қилинади. Фан ўқитувчиси мустақил иш топшириқларини муддатида бажармаган ва топширмаган талабалар тўғрисида кафедра йиғилишида ахборот беради. Кафедранинг йиғилиш карорига асосан деканатларга ўзлаштирмаган талабалар тўғрисида маълумот берилади.

6.2. Фанлардан талабалар мустақил ишларининг бажарилиши кафедра йигилишларида ҳар ойда бир марта, факультет кенгашида семестр давомида камидан уч марта муҳокама этилади.

6.3. Фанлардан талабаларнинг мустақил ишлари ўқув режада фан бўйича ажратилган соатлар ҳисобидан ишлаб чиқилган рейтинг ишланмага кўра рейтинг жадвалида қайд этилган бўлиб, ЖН ва ОН учун ажратилган балларга қўшиб баҳоланади.

6.4. Фанлардан ЖН ва ОН ҳамда мустақил иштопширикларини бажариш бўйича тўплланган баллари кафедранинг рейтинг ойнасида ёритиб борилади.

6.5. Фанлардан талабалар мустақил ишларини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари кафедралар томонидан ишлаб чиқилади ва тегишли тартибда тасдиқланади.

Мустақил ишларни баҳолаш мезонлари талабаларга ўқув семестри бошланишида эълон қилинади.

Ҳар бир мустақил ишнинг мавзусига баллар ажратиш, фаннинг рейтинг ишланмасига асосланилган ҳолда фан ўқитувчиси томонидан ишлаб чиқилади ҳамда кафедра йигилишида муҳокама этилиб, кафедра мудири томонидан тасдиқлашга тавсия этилади.

Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2005 йил 21 февралдаги “Талабалар мустақил ишини ташкил этиши, назорат қилиши ва баҳолаш тартиби хақидаги намунавий низом тўғрисида”ги 34-сонли буйргуги, 2009 йил 14 августдаги 286-сонли буйргуги билан тасдиқланган “Талабалар мустақил ишини ташкил этиши ва назорат қилиши бўйича йўриқнома”си асосида тузатишлар киритилган “Гулистан давлат университети талабаларининг мустақил ишларини ташкил этиши, назорат қилиши ва баҳолаш тартиби тўғрисида Низом” Гулистан давлат университетининг 2013 йил 25 январдаги Илмий Кенгашиning 5-сонли мајслисида муҳокама этилиб, университетининг 2013 йил ___ январдаги ___-сонли буйргуги билан қайта тасдиқланган.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Гулистон Давлат университети



**Олий таълим муассасаларида талабалар билимини
назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими
тўғрисида**

НИЗОМ

Гулистон-2013

**Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат
қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида
*НИЗОМ***

(Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2009 йил 11 июнданги 204-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2009 йил 10 июля 1981-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Топширикқа мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги буйруғи билан Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2010 йил 26 августда 1981-1-сон билан давлат рўйхатидан қайта ўтказилган.)

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимини тартибга солади.

Ушбу низом қўидаги 6 та бўлимдан иборат:

- I. Умумий қоидалар
- II. Назорат турлари ва уни амалга ошириш тартиби
- III. Баҳолаш тартиби ва мезонлари
- IV. Назорат турларини ўтказиш муддати
- V. Рейтинг натижаларини қайд қилиш ва таҳлил этиш тартиби
- VI. Якуний қоидалар
-

I. Умумий қоидаларга киритилган ўзгартиришлар

2-банд:

а) талабалар билимини холис ва адолатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини вактида маълум қилиш;
 б) ўқув жараёнининг ташкилий ишларини компютерлаштиришга шароит яратиш.
 в). Фанлар бўйича талабалар билимини семестрда баҳолаб бориш рейтинг назорати жадваллари ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади. [4--Reyting_Adliydan_2-09-2010.doc](#)

II. Назорат турлари ва уни амалга ошириш тартиби

Назорат турлари, уни ўтказиш тартиби ва мезонлари кафедра мудири тавсияси билан олий таълим муассасасининг (факультет) ўқув-услубий кенгашида мухокама қилинади ва тасдиқланади ҳамда **ҳар бир фаннинг ииҷи ўқув дастурида** машғулот турлари билан биргаликда кўрсатилади.

Рейтинг назорати жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек жорий ва оралиқ назоратларнинг саралаш баллари ҳакидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Оралиқ назорат – семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фанинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тутгаллангандан кейин талабанинг билим ва амалий қўнишка даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назоратнинг сони (**бир семестрда мартадан кўп ўтказилмаслиги лозим**) ва шакли (**ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо**) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиқсан холда белгиланади;

Якуний назорат – семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. **Якуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган “Ёзма иши” шаклида ўтказилади.**

Оралиқ назоратни ўтказиши жараёни кафедра мудири томонидан тузилган комиссия иштирокида даврий равища ўрганиб борилади ва уни **ўтказиши тартиблари бузилган ҳолларда, оралиқ назорат натижалари бекор қилинади** ҳамда оралиқ назорат **қайта ўтказилади**.

Олий таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан **ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигига** тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиши жараёни даврий равища ўрганиб борилади ва уни **ўтказиши тартиблари бузилган ҳолларда, якуний назорат натижалари бекор қилинади** ҳамда якуний назорат **қайта ўтказилади**.

III. Баҳолаш тартиби ва мезонлари

Талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишининг **рейтинг тизими асосида** талабанинг ҳар бир фан бўйича **ўзлаштириши даражаси баллар** орқали ифодаланади

- Ҳар бир фан бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириши кўрсаткичи 100 баллик тизимда бутун *сонлар* билан баҳоланади;
- Ушбу 100 балл назорат турлари бўйича қуидагича тақсимланади:
- якуний назоратга – балл;
- жорий ва оралиқ назоратларга –балл (фаннинг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда 70 балл кафедра томонидан жорий ва оралиқ назоратларга тақсимланади).

Талабанинг рейтинг дафтарчасига алоҳида қайд қилинадиган **курс иши** (лойихаси, ҳисоб-график ишлари), **малакавий амалиёт**, фан (фанлараро) бўйича **якуний давлат аттестацияси, битирув малакавий иши** ва магистратура талабаларининг илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлари, магистрлик диссертацияси бўйича ўзлаштириш даражаси – 100 баллик тизимда баҳоланади.

Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичини назорат қилишда қуидаги намунавий мезонлар тавсия этилади:

- а) 86-100 балл* учун талабанинг билим даражаси қуидагиларга жавоб бериши лозим:

- хулоса ва қарор қабул қилиш;
- ижодий фикрлай олиш;
- мустақил мушоҳада юрита олиш;
- олган билимларини амалда кўллай олиш;
- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

- б) 71-85 балл* учун талабанинг билим даражаси қуидагиларга жавоб бериши лозим:

- **мустақил мушоҳада юрита олиш;**
- **олган билимларини амалда кўллай олиш;**
- **моҳиятини тушуниш;**
- **билиш, айтиб бериш;**
- **тасаввурга эга бўлиш.**

- в) 55 -70 балл* учун талабанинг билим даражаси қуидагиларга жавоб бериши лозим:

- **моҳиятини тушуниш;**

- *билиш, айтиб берии;*
- *тасаввурга эга бўлиш.*

г) қуидаги ҳолларда талабанинг билим даражаси **0-54 балл**

билин

баҳоланиши мумкин:

- *аниқ тасаввурга эга бўлмаслик;*
- *бўлмаслик.*

Намунавий мезонлар асосида муайян фандан жорий ва оралиқ назоратлар бўйича *аниқ мезонлар* ишлаб чиқилиб, кафедра мудири томонидан *тасдиқланади* ва талабаларга эълон қилинади.

Намунавий мезонларга мувофиқ мутахассислик фанлар бўйича таянч олий таълим муассасалари томонидан *якуний назорат учун баҳолаш мезонлари* ишлаб чиқилиб, олий таълим муассасаси *Илмий-услубий кенгашин томонидан тасдиқланади* ва турдош олий таълим муассасаларига етказилади.

Талабаларнинг ўқув фани бўйича *мустақил иши* жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жарабёнида тегишли топшириқларни бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиқсан ҳолда баҳоланади.

Талабанинг фан бўйича бир семестрдаги рейтингти қуидагича аникланади:

$$Rf = \frac{V \bullet O'}{100}$$

бу ерда:

V – семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юкламаси (соатларда);

O' – фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

Фан бўйича жорий ва оралиқ назоратларга ажратилган умумий балнинг *сарагали балл* ҳисобланиб, ушбу фоиздан кам балл тўплаган талабалар якуний назоратга *кирмаслигига йўл* кўйилади.

Жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича *55 ва ундан юқори бални* тўплаган талаба фанни ўзлаштирган деб ҳисобланади ва *ушбу фан бўйича* якуний назоратга *кирмаслигига йўл* кўйилади.

Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган *умумий бали* ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ *тўплаган баллари йигиндисига* тенг.

IV. Назорат турларини ўтказиш муддати

Оралиқ ва якуний назорат турлари *календарь* тематик режага мувофиқ *деканат* томонидан тузилган *рейтинг назорат жадваллари* асосида ўтказилади. Якуний назорат семестрнинг охирги *2 ҳафтаси* мобайнида ўтказилади.

Талаба фан бўйича *курс лойиҳаси (иши)ни* ушбу фан бўйича тўплаган баллари *умумлаштирилишига қадар* топшириши шарт.

Жорий ва оралиқ назоратларда саралаш баллидан *кам балл тўплаган* ва *узрли* сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага *қайта топшириши* учун, *навбатдаги шу назорат туригача*, сўнгги жорий ва оралиқ назоратлар учун *якуний назоратгача* бўлган муддат берилади.

Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда *жорий, оралиқ ва якуний* назоратларни топшира олмаган талабаларга *факультет декани фармойиши* асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг *2 ҳафта* муддатда топширишга рухсат берилади

Талабанинг семестрда жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича тўпланган баллари ушбу назорат турлари *умумий балининг 55 фоизидан* кам бўлса ёки семестр якунида *жорий, оралиқ ва якуний* назорат турлари бўйича тўпланган баллари йигиндиси *55 балдан* кам бўлса, у академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга *семестр тугаганидан кейин* қайта ўзлаштириш учун *бир ой* муддат берилади. Шу муддат давомида *фанни ўзлаштира олмаган* талаба, факультет *декани* тавсиясига кўра белгиланган тартибда *ректорнинг буйргуи* билан талабалар сафидан *четлаштирилади*.

Талаба назорат натижаларидан *норози* бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб мобайнида факультет *деканига* ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай холда факультет деканининг *тақдимномасига* кўра *ректор буйргуи* билан З (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда *апелляция* комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, *шу куннинг* ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида *белгиланган муддатларда* ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши *факультет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими* ҳамда *ички назорат ва мониторинг бўлими* томонидан назорат қилинади.

VI. Якуний қоидалар

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази тест баҳолари ва рейтинг балларининг холислигини текширишни ташкил этади ва назорат қиласиди.

Ушбу Низомда белгиланган масалалар бўйича келиб чиқсан низолар қонун хужжатлари асосида ҳал қилинади.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компанияси, Давлат солиқ кўмитаси ва Навоий кон-металлургия комбинати билан келишилган.

Рейтинг баҳолаш тизими

Рейтинг назорати жадвали

Назорат тури	Рейтинг баҳолашлар			Жами	Саралаш бали
	1	2	3		
ЖН (40 %) шу жумладан	7	15	18	40	22
ОН (30 б.)	4	13	13	30	17
ЯН (30 б.)	-	-	30	30	17
Жами:	11	28	61	100	55

КУЗГИ СЕМЕСТР

№			Сентябр			Октябр			Ноябр			Декабр			Январ			ЖАМИ																				
			1	3-8	2	10-15	3	17-22	4	24-29	5	2-6	6	8-13	7	15-20	8	22-27	9	29-3	10	5-10	11	12-17	12	19-24	13	26-1	14	3-7	15	10-15	16	17	24-27	18	4	5
1	ЖН 40%	Амалиёт			2				2				3						3								4											18
			Мустақ ил таълим		1				2				4					5								5											22	
2	ОН 30%	Маъруз а											7														7										14	
			Мустақ ил Таълим						4				3					3								3											16	
3	ЯН - 30%																																				30	
	Жами				11								28						31																	30		
	Жами ГП бўйича				11								39						70																	100		

Баҳо	5	4	3	2
Рейтинг	86-100	71-85	55-70	< 55
Фанни ўзлаштириш кўрсатгичлари	108-126	89-107	69-88	<69

Эслатма: 8- семестрда ўқитиладиган “Кишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти” фанининг ўкув ҳажми 124 соатни ташкил этганлиги сабабли фан коэффиценти 1,24 бўлади. Фан бўйича ўзлаштиришни аниқлашда талаба тўплаган бали 1,24 га кўпайтирилади ва бутунгача яхлитлаб олинади.

4.2. ЖНни баҳолаш мезонлари

“Кишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти” фани бўйича жорий баҳолаш талабанинг семинар машғулотларида ўзлаштиришини аниқлаш учун қўлланилади. ЖН ҳар бир семинар машғулотларида сўров ўтказиш, савол ва жавоб, тақдимот ишлари топширикларини бажариш ва ҳимоя қилиш каби шаклларда амалга оширилади. Талабага ЖН да бутун баллар қўйилади.

**Талабанинг амалий машғулотларни ўзлаштириш даражаси
қўйидаги
мезон асосида аниқланади**

Баҳолаш кўрсат- кичи	Баҳолаш мезонлари	рейтинг бали
Аъло, 86-100%	Етарли назарий билимга эга. Топшириқларни мустақил бажарган. Берилган саволларга тўлиқ жавоб беради. Саволнинг моҳиятига тўлиқ тушунади. Аудиторияда фаол. Ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қиласи. Топшириқларни намунали расмийлаштирган.	4
Яхши, 71-85%	Етарли назарий билимга эга. Топшириқларни бажарган. Берилган саволларга етарли жавоб беради. Масаланинг моҳиятини тушунади. Ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қиласи.	3
Қониқарли ' 55-70%	Топшириқларни ечишга ҳаракат қиласи. Берилган саволларга жавоб беришга ҳаракат қиласи. Саволнинг моҳиятини чала тушунган. Ўқув тартиб интизомига риоя қиласи.	2
Қониқарсиз 0-54%	Талаба амалий машғулот дарси мавзусига назарий тайёрланиб келмаса, мавзу бўйича масала, мисол ва саволларига жавоб бера олмаса, дарсга суст қатнашса билим даражаси қониқарсиз баҳоланади	1

4.3. ОННИ Баҳолаш

Оралиқ назорат “Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти” фанининг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими бўйича, тегишли амалий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг ёзма равища амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг тегишли саволларни билиши ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади. Ўқув йилининг 1-семестрида 2-та ОН ўтказиш режалаштирилган бўлиб 14 балдан иборат. ОН назорат ишлари ёзма иш ва тест усусида ўтказилиши назарда тутилган, ёзма иш ва тест соволлари ишчи ўқув дастур асосида тайёрланади. ОН га ажратилган баллдан 55% дан паст балл тўплаган талаба ўзлаштирмаган ҳисобланади. ОН ни ўзлаштирмаган талабаларга қайта топшириш имконияти берилади. ОН бўйича олинадиган тестлар кафедра мудири раҳбарлигига ташкил этилади ва кафедрада ўқув йилининг охиригача сақланади.

4.4. ЯННИ Баҳолаш

Якуний назорат “Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти” фанининг барча мавзуларини қамраб олган амалий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг ёзма равища амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари, яъни билим даражаси ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади. ЯН назорат ишлари ёзма усулида хам ўтказилиши назарда тутилган, ёзма иш соволлари

ишли ўқув дастури асосида тайёрланади. ОН ва ЖНларга ажратилган баллдан 55% дан паст балл тўплаган талаба ўзлаштиргаган ҳисобланади ва ЯНга киритилмайди. ЯНни ўзлаштиргаган талабаларга қайта топшириш имконияти берилади. ЯН бўйича олинадиган ёзма иш варианtlари кафедра мудири раҳбарлигида тузилади ва деканатларга топширилади.

Тест усулида ЯН ни баҳолаш мезонлари:

ЯН баҳолаш тест синов ёки ёзма шаклларда ўтказилади. Бунда талабалар 30 та тест саволига жавоб берадилар (тест саволининг ҳар бири 1 баллик тизимида баҳоланади) ёки ёзма ишда белгиланган 6 та саволга жавоб ёзади. Агар талаба ЯН да 16,5 балл кам тўпласа, у ҳолда талаба қайта ЯНтопширади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОИЙ – ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛТЕТ

“Иқтисодиёт” кафедраси

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Гул ДУ ректори
Проф. А.Эминов**

«__» ____ 2013 й.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ИҚТИСОДИЁТИ

фани бўйича

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Таълим йўналиши:	5340100 иқтисодиёт
Умумий ўқув соати	– 124
Шу жумладан:	
Маъруза	– 24
Амалиёт машғулотлари	– 32
Мустақил таълим соати	– 68

ГУЛИСТОН – 2013

Фаннинг ишчи ўқув дастури намунавий ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чи қилди.

Тузувчилар: М.Қ.Аллаярова–Гул ДУ “Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси _____ (имзо)

О.Сатторқұлов – Гул ДУ “Иқтисодиёт” кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент _____ (имзо)

Тақризчи: О.Райимбердиева – Гул ДУ и.ф.н
доцент _____ имзо)

Фаннинг ишчи ўқув дастури “___” ____ даги ___ - сонли мажлисида күриб қиқилиб, факультет Илмий-услубий Кенгашыда күриб чишиш учун тавсия қилинди.

Кафедра мудири:

О.Т.Сатторқұлов

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Ижтимоий-иқтисодий” факультети Илмий-услубий Кенгашининг 2013 йил “___” ____ даги “___” - сонли мажлисида тасдиқланды.

Факультет Илмий-услубий

Кенгashi раиси:

проф. А.Маматов

Келишилди:

Ўқув ишлари бўйича проректор

доц. Н.Баракаев

КИРИШ

Олий таълим тизимида юксак малакали, ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга, келажакда касбий ва ҳаётйи муаммоларни мустақил ҳал қила оладиган, кадрларни тайёрлашда таълим жараёнини замонавий ўқув-методик мажмуалар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти фанидан Ўқув-методик мажмуа (ЎММ) – давлат таълим стандарти ва фан дастурида белгиланган талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўнкима, малака ва компетенцияларни шакллантиришни, ўқув жараёнини комплекс лойиҳалаш асосида кафолатланган натижаларни олишни, мустақил билим олиш ва ўрганишни ҳамда назоратни амалга оширишни таъминлайдиган, талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув –услубий манбалар, дидактик воситалар ва материаллар, электрон таълим ресурслари, ўқитиш технологияси, баҳолаш методлари ва мезонларини ўз ичига олади.

1. Фаннинг мақсади ва вазифалари

1.1.Фаннинг мақсади – Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси фанининг ушбу ўқув ишчи дастури Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиқсан ҳолда Давлат стандартлари бўйича бакалаврият даражасидаги малакали иқтисодчи-мутахассислар тайёрлашни мақсад қилиб қўяди.

1.2.Фаннинг вазифалари - Қўйилган мақсаддан келиб чиқсан ҳолда фанни ўқитиш орқали қўйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилади:

- талабаларни қишлоқ хўжалигида инфратузилманинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш;
- муўобил МТПлар, ёқилғи мойлаш материалларини қўйиш материаллари қўйиш шахобчалари, мини банклар, минерал ўғитлар билан таъминлаш шахобчалари тўғрисида маълумот бериш;
- қишлоқ инфратузилмасини иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш босқичларида янада такомиллаштириш.

1.3.Фан якунида талабалар – Қишлоқ инфратузилмаси иқтисодиёти фани бўйича талабалар билимига қўйиладиган асосий талаб ҳар бир мавзудаги муаммоларни ўзлаштириш ва улар бўйича мустақил фикр юритиш даражаси билан белгиланади. Бу дарслик ва ўқув қўлланмалар характердаги адабиётларни ўзлаштириш билан бирга Президентимиз И.А.Каримов асарларини, Республика Олий Мажлис томонидан иқтисодиётга тегишли бўлган қабул қилинган қонунларни ва бошқа меъёрий хужжатларни ўрганишни ҳам тақозо этади

1.4.Фанни ўрганишда талабалар - Қишлоқ инфратузилмаси иқтисодиёти фанини ўрганишда АСМ иқтисодиёти, Пул муомаласи, молия ва кредит ва бошқа иқтисодий фанлардан олган билимларга сұянағылар.

1.1. Фаннинг ўқув режасидаги фанлар билан боғлиқлиги

Қишлоқ инфратузилмаси иқтисодиёти фанини чуқур ўзлаштириш, назарий ва амалий масалалар ечимини түлиқ ниҳоясига етказиши учун қатор иқтисодий фанларга асосланади, чунончы: Иқтисодиёт назарияси, Ўзбекистон миллий иқтисодиёти, Макроиктисодиёт, АСМ иқтисодиёти, Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти фанининг замонавий концепцияси фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Қишлоқ инфратузилмаси иқтисодиёти фанида фаннинг предметини ёритиш фаннинг, ўрганишнинг аҳамиятини очиб бериш, қишлоқ хўжалигида инфратузилма тармоқларининг ўрни ва ролини ёритиб берилган.

Қишлоқ инфратузилмаси иқтисодиёти фани хизмат кўрсатиш соҳасининг моддий соҳанинг узлуксизлигини таъминлаб бериш учун шартшароит яратиб беришини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ишлаб чиқаришнинг якуний натижаси бўлган ялпи миллий маҳсулотга таъсирини ёритиб беради.

1.2. Фанни ўқитишида педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш

Талабаларнинг ибтидоий жамият тарихи фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишининг илғор усуулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фаннинг ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар, жадваллардан фойдаланилади.

Дастурда берилган мавзулар, маъруза, семинар шаклда олиб борилади. Шунингдек, фаннинг долзарб масалалари, мустақил иш сифатида талабаларга ўзлаштириш учун берилади. Фан замонавий педагог технологиянинг “Бумеранг”, ФСМУ, Кластер, Инсерт, Ақлий ҳужум ва бошқа интерфаол усууллар ва тақдимотлардан фойдаланилади.

1.3. Фандан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатларнинг тақсимоти

Т/р	Фаннинг бўлими ва мавзуси, маъруза мазмуни	Соатлар			
		Жами	Маъруза	Амалий машғулот	ТМИ
1.	Ўзбекистонда агросаноат мажмуасининг ривожланиши ва инфратузилма.	4	2	4	-
2.	Инфратузилманинг моҳияти, таркиби ва туркумланиши	4	2	2	-
3.	Қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги алоқаларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий шароитлари	4	2	2	-
4.	АСМ да моддий техника таъминотининг ташкилий ва иқтисодий омиллари.	4	2	2	-
5.	АСМ да моддий техника таъминотининг ташкилий ва иқтисодий омиллари.	4	2	2	-
6.	Электр энергиясидан фойдаланишни ташкил қилиш	4	2	2	-
	ОН				34
7.	АСМда транспорт хизматини ташкил қилиш	6	2	4	-
8.	Ижтимоий инфратузилманинг мазмуни ва тушунчаси.	6	2	2	-
9.	Қишлоқларда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш	6	2	4	-
10.	Соғлиқни сақлашни ташкил қилиш.	6	2	2	-
11	Соғлиқни сақлашни ташкил қилиш.	4	2	2	-
12	Тайёров тизими ва унинг ташкилий-иктисодий асослари	4	2	4	-
	ОН				34
	ЯН				
	Жами	124	24	32	68

2. Ўқув материаллари мазмуни

2.1. Маъруза машғулотлари мазмуни (жами 24 соат)

2.1.1. Ўзбекистонда агросаноат мажмуасининг ривожланиши ва инфратузилма (2 соат).

Агросаноат соҳалари. АСМда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари. Қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари. АСМда самарадорликни ошириш муаммолари. “Қишлоқ

хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти” фанининг предмети ва вазифалари, тадқиқот усуллари.

(А,5-20; К,101-111)

2.1.2. Инфратузилманинг моҳияти, таркиби ва туркумланиши (2 соат)

Қишлоқ хўжалигидаги инфратузилманинг моҳияти ва аҳамияти. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иқтисодий моҳияти. Ижтимоий инфратузилманинг қишлоқ хўжалиги ривожланишидаги аҳамияти.

(А,21-32;)

В. Баҳолар, соликлар, молия тизимларини режалаштириш ва ҳақ тўлаш

Г. Бошқарув аппарати

127. Кооператив корхоналарига қайсисини киритиш мумкин?

А.*Кооператив хўжаликларини

Б. Агрофирмаларни

В. Бирлашмалар, дехқон хўжаликларини

Г. Фермер хўжаликларини

128. Ижара хўжаликларини иқтисодий негизини нима ташкил этади?

А. *Ижара мулки, унга бўлган эгалик

Б. Давлат мулки, унга бўлган эгалик

В. Кооператив мулк, унга бўлган эгалик

Г. Ер майдони

129. Бозор иқтисодиётига ўтаётган даврда янгитдан барпо этилган хўжаликлар?

А. *Ижара, дехқон хўжаликлири, майда, кўшма корхоналар

Б. Совхозлар, бирлашмалар, заводлар

В. Колхозлар

Г. Агрофирмалар

130. Бозор иқтисодиётига ўтаётган даврда янгитдан шаклланган мулк турлари?

А. *Ижара, хусусий, маҳалла ва бошқа мулклар

Б. Давлат мулки

В. Кооператив мулк

Г. Умумхалқ мулк

131. Ижара ҳақида тушунча.

А. *Ижара-шартнома асосида хўжаликни мустақил юритиш мақсадида асосий воситаларни ижарачига зарур бўлган

микдорда ҳақ тўлаш эвазига муддатли эгалик қилиш, ундан фойдаланиш

Б. Ижара-ижарачи ишлаб чиқариш воситаларини маълум ишларни бажариш мақсадида олиш

В. Ишлаб чиқариш воситаларини хўжалик юритиш мақсадида сотиб олиш

Г. Шартнома асосида маълум муддатга олиш

132. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг таркиби.

А. *Трактор парклари, ижтимоий объектлар

Б. Қишлоқ хўжалиги, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш тармоқлари

В. Асосий воситаларни ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги

Г. Қишлоқ хўжалиги

133. Ижтимоий инфратузилма таркиби.

А. *Уй-жой, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт, маориф, маданият, савдо, транспорт

Б. Жисмоний тарбия, маориф, маданият

В. Уй-жой, қурилиш, транспорт

Г. Савдо ва транспорт

134. Корхонани иқтисодий самарадорлик даражасини қайси кўрсаткич ифодалайди?

А. *Даромадлилик, рентабеллик даражаси

Б. Таннарх даражаси, фондлар сигими

В. Ҳосилдорлик, маҳсулдорлик

Г. Фондлар қиймати

135. Рентабеллик даражасини аниқлаш тартиби.

А. *Фойда суммасининг ишлаб чиқариш харажатларига (ишлаб чиқариш фондлари қийматига) тақсимлаб ва 100 га

кўпайтириб

Б. Ялпи маҳсулот қийматини ишчилар сонига тақсимлаб

В. Фойда суммасини ер майдонига бўлиб

Г. Даромадни харажатларга кўпайтириб

136. Ижтимоий самарадорлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар.

А. *Ойлик маош, пенсия миқдори, аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана савдода сотилган маҳсулотлар, қилинган

маданий, майший, маориф ва бошқа харажатлар суммаси, аҳолини табиий ўсиш коэффициенти ва бошқалар

Б. Мехнат унумдорлиги, фондлар қиймати

В. Маданий, майший, маориф, спорт иншоотларидан фойдаланиш коэффициенти

Г. Пенсия миқдори

137. Ерни асосий восита сифатида ўзига хос хусусиятлари.

А. *Ер ишлаб чиқариш воситаси

Б. Ер табиат маҳсули, у чегараланган, унумдорлиги узлуксиз ошиб боради

В. Ер табиат маҳсули, у чегараланган, унумдорлиги узлуксиз пасайиб боради

Г. Ер бошқа асосий воситалардан фарқ қилмайди

138. Ер кадастрининг таркиби.

А. *Ерларни худудлар бўйича жойлашуви

Б. Ердан фойдаланувчиларга ерларни миқдори, уларни сифати

В. Шаҳар ерлари, асосий фондлар

Г. Жами ер майдони, территория

139. Қишлоқ хўжалигини моддий-техника ресурслари ҳақида тушунча.

А. *Мавжуд бўлган асосий ва айланма воситалар, ер ресурсларининг хаммаси

Б. Ишлаб чиқаришда қатнашган меҳнат ресурслари

В. Темир йўл, ҳаво транспорти, сув ресурслари

Г. Тракторлар сони

140. Қишлоқ хўжалигини энергетик ресурсларини нималар ташкил этади?

А. *Трактор ва автомашина, энергетик, механик двигателлар ҳамда ишчи ҳайвонлари кучи

Б. Электростанцияларда ишлаб чиқарилаётган электроэнергиялар

В. Қуёш энергияси, атом энергияси

Г. Үғитлар

141. Хўжаликни энергетик ресурслар билан таъминланганлиги қандай аниқланади?

А. *Энергетик ресурсларини аҳоли жон бошига тақсимлаб

Б. Электроэнергия қувватини ер майдонига бўлиб

В. Энергетик ресурсларни қишлоқ хўжалик ерларига бўлиб

Г. Энергетик ресурсларни суғориладиган ер майдонига бўлиб

142. Бажарилган ишларни механизациялашган даражасини аниқлаш тартиби.

А. *Механизмлар ёрдамида бажарилган ишларни жами иш ҳажмига тақсимлаб

Б. Жами иш ҳажмини қўлда бажарилган иш ҳажмига бўлиб

В. Механизмлар ёрдамида бажарилган ишлар йиғиндиси

Г. Тракторлар сони

143. Мехнатни энергетик ресурслар билан қуролланганлиги.

А. *Бир кишига тўғри келадиган энергетик ресурслар миқдори

Б. Бир гектар ерга тўғри келадиган энергетик қувват

В. Жами энергетик қувватни умумий миқдори

Г. 10 кишига тўғри келадиган энергетик ресурслар миқдори

144. АСМда инфратузилманинг туркумланиши неча қисмга бўлинади.

А. * 4 қисмга

Б. 5 қисмга

В. 3 қисмга

Г. 2 қисмга

145. Машина-трактор паркидан фойдаланиш коэффициентини аниқлаш.

А. *Ишлаган машина-тракторлар сонини жами тракторлар миқдорига тақсимлаб

Б. Машина-тракторларнинг ўртача бажарган иш кунлари

В. Ишламаган машина-тракторларни ишлаганлари миқдорига бўлиб

Г. Ишлаган тракторлар сони

146. Машина-трактор паркидан фойдаланиши самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар.

А. *Мехнат унумдорлиги, этalon гектар, тонна/км таннархи, харажатлар, фойда

Б. Смена бажарилган иш, жами тежалган харажатлар суммаси

В. Битта тракторга қилинган харажат

Г. Тракторлар сонини ер майдонига нисбати

147. Асосий фонdlар ҳакида тушунча.

А. *Ишлаб чиқаришда бир неча йиллар давомида қатнашиб қийматини ўтказадиган фонdlар

Б. Ишлаб чиқаришда бир марта қатнашадиган воситалар

В. Мехнат ресурслари, табиат воситалари

Г. Ишлаб чиқаришда қатнашадиган воситалар

148. Асосий фонdlарнинг янгиланиш коэффициентини аниқлаш усули.

- А. *Йил давомида яратилган, олинган асосий фонdlар қийматини асосий фонdlар қийматини асосий фонdlарни йил бошидаги қийматига тақсимлаб
- Б. Йил ичида чиқарилган асосий фонdlар қийматини шу фонdlарнинг йил охиридаги қийматига тақсимлаб
- В. Яратилган асосий фонdlар билан ишдан чиққан асосий фонdlар ўртасидаги фарқи
- Г. Яратилган фонdlар қиймати
149. Ҳозирги даврда асосий ва айланма воситаларни сотиб олишни шаклланган янги манбалари.
- А. *Fuқароларни маблағлари, чет давлатлардан жалб қилинган маблағлар, акционерлар маблағлари
- Б. Банклардан олинган маблағлар
- в. Xўжаликларнинг ихтиёридаги маблағлар
- Г. Акционерлик маблағлари
150. Капитал қўйилма ҳақида тушунча.
- А. *Асосий воситаларни сотиб олиш, қуриш, қайта ишлаш учун сарфланадиган маблағ
- Б. Йил давомида ишлаб чиқаришга сарфланган маблағ
- В. Мавжуд бўлган жами ишлаб чиқариш фонdlарининг қиймати
- Г. Бир йил давомида олинган кредитлар
151. Мехнат ресурслари ҳақида тушунча.
- А. *Мехнат қилиш қобилиятига эга бўлган 16 дан 55 ёшгача аёллар, 60 ёшгача бўлган эркаклар, ишлаётган ўсмирлар, кексалар ташкил этади
- Б. Xўжаликда мавжуд бўлган жами аҳоли миқдори
- В. Ишлаб чиқариш воситаларининг йиғиндиси
- Г. 16 дан 60 ёшгача аёллар, 65 ёшгача бўлган эркаклар, ишлаётган ўсмирлар, кексалар
152. Ишсизлар ҳақида тушунча.
- А. *Хўжалик томонидан иш билан таъминланмаган сифатида рўйхатга олинган меҳнат ресурсларининг бир қисми
- Б. Ўз ҳохишига кўра ишламасдан юрган fuқаролар
- В. Иш билан тўлиқ таъминланган fuқаролар
- Г. Касби бўйича иш тополмаган ишсизлар
153. Мехнат ресурсларини такрор ишлаб чиқаришни тадбирлари.
- А. *Мехнат ресурсларининг билими, малакасини ошириш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар
- Б. Аҳолининг табиий ўсишини ташкилий равишда йўлга қўйиш
- В. Мехнат ресурсларини умумий сонини кўпайтириш тадбирлари
- Г. Иш ҳақини ошириш
154. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш омиллари.
- А. *Моддий техника таъминоти
- Б. Экстенсив, интенсив

В. Инвестиция сиёсати

Г. Интенсив

155. Интенсивлаштириш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

А. *1 сўмлик ишлаб чиқариш фондлари эвазига етиштирилган ялпи даромадлар

Б. 1 киши хисобига етиштирилган маҳсулот

В. Маҳсулот таннархи

Г. Бир кишига тўғри келадиган ялпи маҳсулот

156. Марказлаштирилганлик ҳакида тушунча.

А. *Ишлаб чиқариш потенциалини маълум доирада тўпланиши

Б. Янги хўжаликларни, районларни тузиш

В. Вилоят, туман марказларини ташкил этиш

Г. Битта маҳсулот турини ишлаб чиқариш

157. Қишлоқ хўжалигига қўйидаги мулк шакллари мавжуд.

А. *Ижара, хусусий ва шерикли мулк

Б. Ширкат, жамоа, шахсий, хорижий мулк

В. Ширкат, хусусий, давлат, жамоа ва шахсий мулк

Г. Жамоа, акционерлик,

158. Қишлоқ хўжалигига тадбиркорликни хуқуқий жихатдан қўйидаги шакллари мавжуд.

А. *Якка тартибдаги қўшма мулкка асосланган

Б. Якка тартибдаги маъсулияти чекланган

В. Маъсулияти чекланган жамоа асосидаги

Г. Маъсулияти чекланмаган жамоа асосидаги

159. Тармоқ бу-

А. *Ишлаб чиқариш технологияси маҳсулотни хусусияти билан фарқ қиладиган йирик хажмдаги ишлаб чиқариш қўлами

Б. Ишлаб чиқаришни бир қисми

В. Ишлаб чиқаришни у ёки бу соҳада таркиб топган қисми

Г. Бир хил эҳтиёжни қондирадиган ишлаб чиқарувчилар, Вазирлик таркибиغا кирувчи корхоналар

160. Инвестиция

А.* асосий тармоқларга узоқ муддатли капитални киритиш.

Б. қишлоқ хўжалигига маблағларни киритиш.

В. хизмат кўрсатиш тармоқларига узоқ муддатли капитални киритиш.

Г. асосий тармоқларга қисқа муддатли капитални киритиш.

161. Агентлик нима?

А.* Хизмат кўрсатувчи соҳа.

Б. Савдо корхонаси фаолиятини юритувчи муассаса.

В. Саноат корхонасини юритувчи муассаса.

Г. Ишлаб чиқариш корхонаси.

162. Фермер хўжалиги қайси кредит фондидан имтиёзли шартларда фойдаланади?

А. *Давлат траншидан;

- Б. Махсус кредит фондидан;
 В. Узоқ муддатли кредитдан;
 Г. Инвестицион фонддан;
163. Ерни текис ҳайдаш плугларининг вазифаси нима?
- А. *Агрегат дала бошидан этагига қайтиб, яна бошига қара ҳаракатланади, тупроқ қатламини бир томонга ташлайди.
 Б. Агрегат тупроқ қатламини даланинг бирини ўнг томонга, иккинчисини чап томонга ташлаб кетади.
 В. Даланинг ўрталарида марза ва эгатлар қолдириб кетади.
 Г. Даля бўйлаб мутлоқ марза ва эгатлар қолдириб кетмайди.
164. Минерал ўғитлардан саноатимиз қандай ўғит турларини ишлаб чиқаради?
- А. * Ҳамма жавоблар тўғри.
 Б. Сопорела, ипак қурти чиқиндилари, гўнг, азот, фосфор чиқаради.
 В. Аммиакли селитра, ампак суви, суюлтирилган ампак, алюминий сульфат, калий тузи, кальций, цианамиз, фосфорли суперфосфат, кальций хлорид, аммофоз.
 Г. Суюқ органик ўғитлар, суяқ ва балиқ, унинг гўшт, сут маҳсулотлари чиқиндилари, қанд ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган чиқиндилар.
165. Ерга ишлов бериш машиналари қандай гурухларга бўлинади?
- А. *Шудгор қиладиган, бороналайдиган, текислайдиган, зичлайдиган.
 Б. Тупроқ қатламини ағдариб ҳайдайдиган ва ағдармасдан ҳайдайдиган.
 В. Ағдариб ва ағдармасдан ҳайдайдиган, ярусли чукур ҳайдайдиган, ерни юза ишлайдиган ва уларни зичлайдиган,
 текислайдиган.
 Г. Ўртача ва икки, уч ярусли ҳайдайдиган.
166. Ўсимликларни зааркунанда ва касалликларга қарши кураш усуллари?
- А. *Агротехник, биологик, механик, биофизик ва кимёвий.
 Б. Биофизик, механик.
 В. Олтингугурт эритмали ва тамаки қайнатилган суюқлик билан.
 Г. Агротехник, биофизик, кимёвий, физик.
167. Ўсимлмкларни ҳимоя қилишда заҳарли дорилар қандай усуллар билан дориланади?
- А. *Чангланади, пуркаланади, аэрозалар билан ишлов берилади, уруғлар дориланади, фумигация қилинади, ёлғон ем кўлланади.
 Б. Самолётдан, вертолётдан ва трактор агрегатларидан туриб чангланади, пуркаланади.
 В. Фақат аэрозал установкалари қўлланади.
 Г. Зааркундалар қўлда терилиб, даладан чиқариб ташланади, касалликларга қарши қўл билан заҳарли дорилар дала бўйлаб сочиб чиқилади.
168. Ерга ишлов бериш учун қандай машиналар керак?

- А. *Сеялкалар, суғориш машиналари, комбайнлар.
 Б. Тракторлар, қишлоқ хұжалиги машиналари, плуг ва бошқалар, ҳамда иш объекти майдони.
 В. Юлдузчалар, ғозпанжа юмшатгичлар, лемех ағдаргичлар.
 Г. Тракторлар, автомобиллар, мелиоратив машиналари, йиғиши-териши машиналари.
169. Пахтани машинада териш олдиdan тайёргарлик ишларини қандай бажарыш керак?
- А. *Ёқілғи захирасини ҳосил қилиш, машиналарни ремонтдан чиқариш, расмий хужжатларни тайёрлаб қўйиш, механизаторларни машиналарга бирлаштириш, далани тайёрлаш.
 Б. Пахтани теришдан олдин сүғориб, ўғит бериш, культивация қилиш, далага лозинглар осиш, мусобақа ташкил этиш.
 В. Кўприк, йўл ва бошқа иншоотларни таъмирлаш ва пахта қуритиладиган жойларни аниқлаш.
 Г. Далани машинага тайёрлаш ва механизаторларни машиналарга бириктириш.
170. Қишлоқ хұжалик ишлаб чиқаришини ўзига хос хусусияти-
- А. *Сезонлилиги, очик майдонларда олиб бориш, маҳсулотларни тез бузулувчанлиги
 Б. Кенг ва очик майдонларда олиб бориш
 В. Мехнат қуролларини доимо ҳаракатда бўлиши
 Г. Маҳсулотларни тез бузулувчан ва рақобатбардош эмаслиги
171. Қуйидагилардан қайси бири институционал инфратузилмага мисол бўла олади?
- А. *Фермерлар уюшмаси
 Б. Алоқа компанияси
 В. Суғурта компанияси
 Г. Нотариал идора
172. Ишлаб чиқариш жараёнига хизмат қилувчи инфратузилманинг бўғини..
- А.*Ишлаб чиқариш инфратузилмаси
 Б. Ижтимоий инфратузилма
 В. Институционал инфратузилма
 Г. Бозор инфратузилмаси
173. Шартнома ва битимларни бажаришдаги ишончлиликни англиши:
- А. *Инфратузилманинг асосий хусусиятларидан биридир
 Б. Инфратузилманинг асосий мақсадидир
 В. Биржага доир қоидалар
 Г. А ва В
174. Корхона нархи ва чакана нарх ўртасидаги фарқ бу-
- А. *Инфратузилманинг даромадидир
 Б. Биржа соғ фойдаси
 В. Савдо ташкилотлари фойдаси
 Г. Давлат даромадлари

175. Қуидагиларнинг қайси бири инфратузилманинг асосий таркибий қисмлариға кирмайды?

- А. *Барчаси түгри жавоблар
- Б. Хусусий бизнесни рўйхатдан ўтказиш
- В. Транспорт хизмати
- Г. АгроХизматлар бозори

176. Реклама, консалтинг хизмати ва зооветеринария хизматлари..

- А. *Хамма жавоблар түгри
- Б. Биржалар бозорига тегишли
- В. Хизматлар бозорига тегишли
- Г. АгроХизматлар бозорига тегишли

177. «Биржа» сўзининг луғавий маъноси нима?

- А. *ҳамён
- Б. йиғилиш
- В. майдон
- Г. нақд пул

178. Биржанинг асосий субъектлари кимлар?

- А. *Брокерлар ва диллерлар
- Б. Дилерлар
- В. Брокерлар
- Г. Маклерлар

179. Фонд биржасида нималар иштирок этади?

- А. *Листингдан ўтган қимматли қоғозлар
- Б. Акция ва облигациялар
- В. Чет эл валюталари
- Г. Турли компаниялар маҳсулотлари

180. «Инвеститция» сўзининг маъноси нима?

- А. *лот. «кыйинтирмоқ» дегани
- Б. лот. «пул қўймоқ» дегани
- В. юонча «ўрамоқ» дегани
- Г. лот. «фойда олмоқ» дегани

181. Акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш инвеститциянинг қайси турига киради?

- А. *молиявий инвестиция
- Б. тўгри инвестиция
- В. реал инвестиция
- Г. барча жавоблар тўгри

182. Ўзбекистон Республикасида банк тизими неча поғонали?

- А. *икки поғонали
 - Б. бир поғонали
 - В. уч поғонали
 - Г. тўрт поғонали
183. Гаров тўғрисидаги шартнома
- А. *ёзма шаклда тузилади

Б. нотариус тасдиғидан ўтади

В. кредит шартномасига илова қилинади

Г. Босма шаклида

184. Хўжалик юрутувчи субъектларнинг мустақил экспертиза ва молиявий ҳисобини таҳлил этувчи ташкилот?

А. *Аудиторлик фирмалари

Б. Консалтинг фирмалари

В. Инженеринг фирмалари

Г. тўғри жавоб кўрсатилмаган.

185. «Улгуржибиржасавдо» уюшмаси нима мақсадда ташкил этилган?

А. *Тадбирларга ёрдам кўрсатиш мақсадида

Б. Тадбирларни рўйхатга олиш учун

В. Тадбирларни бирлаштириш учун

Г. Кўпгина компанияларни назорат қилиш учун.

186. Ўзбекистонда нечта йирик суғурта компаниялари фаолият юритади?

А. *4

Б. 2

В. 3

Г. 1

187. Хусусий тартибда иш олиб борувчи кичик ва хусусий бизнесни қўллаб кувватловчи суғурта компаниясининг номи?

А. *Мадад

Б. Ўзбекинвест

В. Ўзагросуғурта

Г. Кафолат

188. Муқобил машина трактор парклари қандай мулк шакли ҳисобланади?

А. *фермерлар мулк

Б. хусусий мулк

В. давлат мулки

Г. аралаш мулк

189. Хозирда вилоятда нечта муқобил машина трактор парклари фаолият юритадилар?

А. *63

Б. 50

В. 40

Г. 30

190. Минибанк фаолияти предмети?

А. *нақт пул сақламайди

Б. кредит фоизларини сақлаш

В. инкассаса билан боғлиқ эмас

Г. Т.Ж.Й.

191. Сунъий уруғлаштириш хизматига .. киради.

А. *насл хизмати

Б. зооветеринария хизмати

В. селекция хизмати

Г. Ҳеч бири кирмайди.

192. Қуйидаги муроҳазалардан қайси бири нотұғри?

А. *Барча муроҳазалар тұғри.

Б. Вилоятда 37 та сунъий уруғлаштириш пункти мавжуд

В. Нефтабаза хиссадорлик жамиятининг 54 % акцияси давлат мулкидир

Г. Вилоятимизда ММТП давлат мулкидир

193. Инфратузилманинг мақсади

А.* тұловга қобилятли талаб чекланган ҳолда манфаатларда мослик излаш билан савдо-сотик иштирокчиларини фойдасини құтариш.

Б. нархнинг инфратузилма бўғинлари бўйлаб ҳаракати.

В. товарни корхонадан харидоргача етказиш.

Г. тұловга қобилятли талаб чекланмаган ҳолда манфаатларда мослик излаш билан савдо-сотик иштирокчиларини фойдасини құтариш.

194. Таннарх нима?

А.* доимий ва ўзгарувчан ҳаражатлар.

Б. маҳсулот қиймати.

В. жами ижтимоий маҳсулот.

Г. муомала ҳаражатлари.

195. Қарз линияларини кўрсатинг

А.* Очиқ ва мақсадли.

Б. муддатли ва белгиланган.

В. Очиқ, мақсадли ва белгиланган.

Г. мақсадли.

196. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўйича инфратузилманинг асосий вазифалари

А.* Қабул, ювиш, саралаш, ажратиш ва қадоқлаш.

Б. Фьючерс битимларини тузиш.

В. Форвард битимларини тузиш.

Г. Хеджерлаш.

197. Бозор инфратузилмасининг бўғинларини кўрсатинг

А.* Молия-кредит, ахборот хизмати

Б. Ишлаб чиқариш.

В. Ижтимоий соҳа.

Г. Ҳамма жавоблар тұғри.

198. Молиявий инвестициялар таркибига нималар киради?

А.* қимматли қоғозларни сотиб олиш.

Б. Корхоналарга қарз бериш.

В. мамлакат ичидаги ишлаб чиқариш.

Г. капитал қўйиш.

199. Фонд биржаси-бу

А.* қимматли қоғозлар бозори.

Б. амлок бозори

В. кўчмас мулк биржаси.

Г. республика ярмаркалари.

200. Товар биржасида нималар сотилади?

А.* тайёр маҳсулотлар ва хизматлар.

Б. хом-ашё.

В. меҳнат предметлари.

Г. ишлаб чиқариш воситалари.

“Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти” фанидан умумий назорат саволлари

1. “Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси” фанинг предмети, вазифалари ва тадқиқот усуслари нималардан иборат?
2. Инфратузилманинг луғавий маъносини нимадан иборат?
3. Инфратузилманинг нечта тури мавжуд?
4. Озиқ - овқат хавфсилги, мустақиллиги ва қарамлилиги деганда нимани тушунасиз?
5. АСМда инфратузилма туркумланадими?
6. АСМда самарадорликни ошириш муаммолари ўз ечимини қандай топади?
7. Қишлоқ хўжалигидаги инфратузилманинг моҳияти ва аҳамияти нималардан иборат?
8. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иқтисодий моҳиятини тушунтиринг.
9. Ижтимоий инфратузилманинг қишлоқ хўжалиги ривожланишидаги аҳамиятига нималан иборат?
10. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожланишининг қандай табиий шароитлари мавжуд?
11. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожланишининг қандай иқтисодий шароитлари мавжуд?
12. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш қандай йўлга қўйилган?
13. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарнинг ҳуқуқий-иктисодий имкониятлари нималардан ташкил топади?
14. «Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси» деганда нимани тушунасиз?
15. Қишлоқ хўжалигига лизинг муносабатлари қандай тартибда шаклланади?
16. Электр энергиясидан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари қайси формулалларда акс этади?
17. Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника таъминотининг ташкилий омиллари нимлаардан ташкил топади?
18. Соғлиқни сақлашда таъминот тушунчаси нима?
19. Ижтимоий инфратузилма моҳияти нима?
20. Қишлоқ хўжалигига моддий-техника базаси деб нимага айтилади?
21. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти қандай таҳлил этилади?

22. Маданий- майший хизмат қўрсатиш турлари нималардан иборат?
23. АСМ инфратузилманинг турлари ва моҳияти?
24. Ишлаб чиқаришни электрлаштириш нималардан иборат?
25. АСМ транпортдан фойдаланишининг ўзигага хос хусусиятлари нималардан иборат?
26. Соғлиқни сақлаш инфратузилмаси нима?
27. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни амалга оширилиши.
28. Соғлиқни сақлашда таъминот тушунчаси нима?
29. Ижтимоий инфратузилма моҳияти нима?
30. Қишлоқ хўжалигида моддий- техника базаси деб нимага айтилади?
31. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти қандай таҳлил этилади?
32. Маданий-майший хизмат қўрсатиш турлари нималардан иборат?
33. АСМ соҳалари ташкил этилиши.
34. Ишлаб чиқаришни электрлаштириш нималардан иборат?
35. Ўзбекистон Республикасида транспортнинг аҳамияти?
36. Соғлиқни сақлаш инфратузилмаси нима?
37. Ижтимоий инфратузилмани бошкариш муаммолари нималардан иборат?
38. Моддий-техника таъминоти деб нимага айтилади?
39. Корхоналарда меҳнатни ташкил этиш қандай амалга оширилади?
40. Турли мулкчлик шаклларидағи корхоналарда маданий-майший хизмат қандай амалга оширилади.
41. АСМ ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.
42. Электр энергиядан самарали фойдаланиш қандай амалга оширилади?
43. АСМ транспортдан фойдаланишининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
44. Ижтимоий инфратузилма қандай ташкил этилади?
45. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш қандай амалга оширилмоқда?
46. Ўзбекистон Республикасида моддий-техника таъминоти қандай амалга оширилган?
47. Бозор муносабатлари шароитида корхонани турлари ва уларнинг ўрни, фаолияти нималардан иборат?
48. Қишлоқда маданий-майший хизмат қўрсатишда кадрлар тайёрлаш қандай амалга оширилмоқда?
49. АСМ инфратузилмасининг турлари ва моҳияти.
50. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий инфратузилма қандай амалга оширилган?
51. Моддий-техника таъминотларини ривожлантиришининг асосий йўналишлари.
52. Соғлиқни сақлашда таъминот тушунчаси нима?
53. Соғлиқни сақлаш инфратузилмаси нима?
54. Ижтимоий инфратузилма моҳияти нима?

55. Ўзбекистон Республикасида моддий-техника таъминоти қандай амалга оширилган?
56. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти қандай таҳлил этилади?
57. Турли мулкчилик шаклларидағи корхоналарда маданий-маиший хизмат қандай амалга оширилган?
58. АСМ транспортдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
59. Электр энергиядан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари қандай амалга оширилади?
60. АСМ инфратузилмасининг турлари ва моҳияти.
61. Қишлоқда маданий-маиший хизмат кўрсатишда кадрлар тайёрлаш қандай амалга оширилади?
62. Бзор муносабатлари шароитида корхонани турлари ва уларнинг ўрни, фаолияти нималардан иборат?
63. Ўзбекистон Республикасида транспортнинг аҳамияти.
64. Ишлаб чиқаришни электрлаштириш нималардан иборат?
65. АСМ соҳалари қандай ташкил этилади?
66. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш турлари нималардан иборат?
67. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти қандай таҳлил этилади?
68. АСМ ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари?
69. Турли мулкчилик шаклларидағи корхоналарда маданий-маиший хизмат қандай амалга оширилади?
70. Корхоналарда меҳнатни ташкил этиш қандай амалга оширилади?
71. Моддий-техника таъминоти деб нимага айтилади?
72. Ижтимоий инфратузилмани бошқариш муаммолари нималардан иборат?
73. Соғлиқни сақлашда таъминот тушунчаси нима?
74. Ижтимоий инфратузилмани бошқариш муаммолари нималардан иборат?
75. Ўзбекистон Республикасида моддий-техника таъминоти қандай амалга оширилган?
76. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолият қандай таҳлил этилади?
77. Турли мулкчилик шаклларидағи корхоналарда маданий маиший хизмат қандай амалга оширилади?
78. АСМ транспортдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
79. Ишлаб чиқаришни электрлаштириш нималардан иборат?
80. АСМ инфратузилмасининг турлари ва моҳияти.
81. Турли мулкчилик шаклларидағи корхоналарда маданий-маиший хизмат қандай амалга оишрилади?
82. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти қандай таҳлил этилади?
83. Қишлоқ хўжалигига моддий-техника базаси деб нимага айтилади?
84. Корхоналарда меҳнатни ташкил этиш қандай амалга оширилади?
85. Қишлоқда маданий-маиший хизмат кўрсатишда кадрлар тайёрлаш

қандай амалга оширилади?

86. АСМ соҳалари қандай ташкил этилади?
87. Электр энергиядан самарали фойдаланиш қандай амалга оширилади?
88. Ижтимоий инфратузилмани бошқариш муаммолари нималардан иборат?
89. Ўзбекистон Республикасида моддий-техника таъминоти қандай амалга оширилган?
90. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти қандай таҳлил этилади?
91. Турли мулкчилик шаклларидаги корхоналарда маданий-маиший хизмат қандай амалга оширилади?
92. АСМ инфратузилмасининг турлари ва моҳияти.
93. Ижтимоий инфратузилма моҳияти нима?
94. АСМ инфратузилмасининг турлари ва моҳияти.
95. Ижтимоий инфратузилмани бошқариш муаммолари нималардан иборат?
96. Қишлоқ хўжалигига моддий-техника базаси деб нимага айтилади?
97. Ишлаб чиқаришни электрлаштириш нималардан иборат?
98. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий инфратузилманинг таркибий тузилмаси.
99. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида маҳсулотлар тайёрловчи (заготовкаси)нинг аҳамияти.
100. АСМда инфратузилма хусусиятларига кўра туркумлаштирилиши.
101. АСМда инфратузилманинг аҳамияти.
102. Ижтимоий инфратузилманинг вазифалари.
103. Маҳсулотларни реализация қилишнинг энг мақбул каналлари.
104. Бевосита алоқаларни ташкил этишнинг зарурий шартлари.
105. Ижтимоий турмушга таъсир ўtkазувчи инфратузилманинг асосий жиҳатлари.
106. АСМда тайёрлов тизимининг ўзига хос хусусиятлари.
107. Ижтимоий инфратузилма тараққиётини бошқаришнинг асосий йўналишлари.
108. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳамда тайёрловчи ўртасидаги бевосита алоқаларни ташкил этишнинг афзалликлари.
109. АСМ транспортдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.
110. Ўзбекистон Республикасида моддий-техника таъминоти.
111. Қишлоқда маданий-маиший хизмат қўрсатишда кадрлар тайёрлаш қандай амалга оширилади?
112. АСМ инфратузилмасининг турлари ва моҳияти.
113. Соғлиқни сақлаш инфратузилмаси нима?
114. Ўзбекистон Республикасида транспортнинг аҳамияти.
115. АСМ ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари.
116. Ижтимоий инфратузилмани бошқариш муаммолари нималардан иборат?

**“Кишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти” фанидан
тақдимотлар**


**1-мавзу: Ўзбекистонда агросаноат мажмуасининг ривожланиши
ва инфратузилма**

1 -слайд

Инфратузилма бу


*ижтимоий ва иқтисодий ишлаб чиқариш
учун нормал шарт-шароитларни
таъминловчи тармоқ ва саноат
мажмуидир.*

2 – слайд



$$\mathbf{ЯД} = \mathbf{ЯМ} - Mc$$


4 - слайд



2-мавзу: Инфратузилманинг моҳияти, тарқиби ва туркумланиши

1 -слайд





АСМ тармоқларида ишлаб чыкарыш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар

Иқтисодий самарадорлик

$$K_{iu} = \frac{K \text{ ёки } B}{Mu}$$

3-мавзу: Қишлоқ ҳұжалиги корхоналари ва хизмат құрсатувчи корхоналар ўртасидаги алоқаларнинг ва ҳуқуқий ва иктисодий шароитлари

1 -слайд

Корхоналарни бошқариш усуллари

Таққослаш усули


Статистик гурухлаш усули

Математик усул

2 - слайд

Таккослаш усулида

- ҳисобот кўрсаткичлари режада келтирилган маълумотлар билан таққосланади;
 - ҳисобот йилида эришилган натижалар кўрсаткичи бу борадаги ижронинг ўтган йилги маълумотлари билан солиштирилади;
 - ишлаб чиқарииш йўналишида бир неча йил давомида ўзгаришлар динамикаси аниқланади;



Гурухларга ажратилган услуб

гурухлаш маълумотларини маълум белгиларга кўра, гурухларга бўлиши, демакдир. У статистик текширишининг муҳим усули ҳисобланади. Унинг ёрдамида хўжалик тармоқлари, ҳосилдорлик, маҳсулот ҳажми, чорва моллари, маҳсулдорлиги ва бошқалар аниқланади.

4-мавзу: АСМда моддий-техника таъминотининг ташқиلىй ва иқтисодий омиллари

1 –слайд

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси

моддий бойлик ишлаб чиқариш шароитида бевосита банд бўлган меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари йиғиндиси тушинилади.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси - фан техника янгиликларидан кенг кўламда фойдаланиладиган, электрлашган йирик машина ишлаб чиқаришидир.

Исроил технологияси бүйича томчилаб сүғориши



Қишлоқ хұжалиги корхоналари моддий-техника таъминотининг ташкiliй омиллари



5-мавзу: Электр энергиясыдан фойдаланишини ташқыл қилиш

Қишлоқ хұжалигини электрлаштиришининг самарадорлығини анықлаш күрсаткичлари

- ер майдони ва шудгор қилинган ерларда: натурал ва пул ҳисобида әқинлар бүйича дәхқончилик маҳсулотлари етиштириш;
- ҳайвонлар тури бүйича уларнинг сони натурал ва пул ҳисобида чорвачилик маҳсулотларини етиштириш;
- соҳалар ва жараёнлар бүйича электр двигателлари, электр аппаратлари, қурилмалар сони ва қуввати, электрлаштириш

Кишлоқ хұжалигіда ишлаб чықарыш җараёнини электрлаштириши

Деңқончилиқда электр энергиясыдан фойдаланиш харажатларни 20 фоизга қисқартыради

Чорвачилиқда электр энергиясыдан фойдаланиш меңнат сарфини кескин камайтиришга олиб келади.

Сүғориш ишларини автоматлаштириш чорва моллари маҳсулдорлигини 10-15 % га оширади

Ем-хашакни молга бериш олдидан таёрлаш ишларида электр энергиясыдан фойдаланиш меңнат сарфини 75-90 % га камайтиради

1 ц. сут құлда соғилганда 4,4 киши-соат сарфлангани ҳолда, соғиши апарати ёрдамида соғилганда 2,5 киши-соат, соғиши залида соғилганда эса 1,8 киши-соат сарфланади.

Фаллачилиқда электр энергиясыдан фойдаланиш меңнат унумдорлигин 3-4 марта оширади. Фаллани тозалашда «ОС-1», «ОС-3», «ОБ-10» маркалығалла тозалаш механизмларидан фойдаланиш меңнат сарфини 20-25 %, маҳсулот таннархини эса 15-35 % камайтиради. Фаллани қуритишда меңнат сарфи 30-40 % га, таннархи эса 20-35 % га камаяди.

б-мавзу: АСМда транспорт хизматини ташкил Қилиш

1 – слайд



© Worldprints.com

2 – слайд

1. Транспорт янги маҳсулот яратмайды, балки ишлаб чиқарылган маҳсулотни истеъмолчига етказади, ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги алоқани таъминлайди.

Иш қучи, меҳнат Қуроллари ва меҳнат буюмларини бир жойдан иккинчи жойга кўчириб, жами истеъмол маҳсулоти қўламига таъсир қўрсатади. Транспорт воситаларидан фойдаланиш маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация Қилиш учун сарфланадиган вақтни Қисқарттиради, меҳнат унумдорлигини оширади, маҳсулот таннархини пасайтиради.

Транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш бу



7-мавзу: Ижтимоий инфратузилманинг мазмуни ва тушунчаси

Ижтимоий инфратузилманинг асосий жиҳатлари

- ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш;
- аҳоли меҳнат фаоллиги кўламини кенгайтириш;
- меҳнат ресурслари сафарбарлигини тартибга солиш;
- бўш вақт фондини бойитиш ва ундан фойдаланиш шарт-шароитларини яхшилаш учун имконият яратиш;

ИЖТИМОЙ НОРМАТИВЛАР ТИЗИМИ

МАҚСАДЛИ НОРМАТИВЛАР

ИЖТИМОЙ НОРМАТИВЛАР

ИҚТІСОДИЙ НОРМАТИВЛАР

ИЖТИМОЙ НОРМАТИВЛАРГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

жуғрофий


демографик

ижтимоий

8-мавзу: Қишлоқтарда ахолига маданий-маиший хизмат күрсатишни ривожлантириш

1 -слайд

Маданий-маиший хизмат күрсатиш турлари




2 – слайд



Маиший хизмат күрсатиш уюшмалари Давлат мулк кўмитаси, вилоятлар ва шаҳар савдо, ахолига маиший хизмат күрсатиш ва халқ истеъмоли ишлаб чиқарувчилари департаменти, инвестиция бошқармалари, «Бизнес-фонд», Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, тижорат банклари томонидан қўллаб турилиши қарорларда белгилаб ўтилган.

Маший хизмат курсатиши уюмаси



9-мавзу: Соғлиқни саклашни ташқил қилиш

1 – слайд




2 – слайд

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАР

- 
- 2012 йилда 154 та муассасани қуриш ва реконструкция қилиш учун 255 млрд сўдан ортиқ маблағ йўналтирилди
 - Фойдаланишга топширилган шифохоналар ва амбулатория-поликлиникадаги ўринлар сони - **7,5 минг ўринни**
 - Тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун ажратилган маблағ - **8 миллиард сўмдан ортиқ**

3 – слайд



2011 йилда Республика нейрохирургия илмий маркази, Республика жарроҳлик маркази ҳузуридаги кардиохирургия бўлими, Гематология ва қон қуиши институтининг янги бўлими каби йирик соғлиқни сақлаш объектларини фойдаланишга топшириш ва энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари давом эттирилади. Нукус, Андижон, Гулистон ва

10 мавзу: Тайёрлов тизими ва унинг ташқиلىй-иктисодий асослари

1 – слайд

*Концентрация – бу
арzon ва йирик партиядаги
маҳсулот ишлаб чиқаришидир*

2 –слайд

Тайёрлов тизимининг аҳамияти дехқон ва фермер хўжаликлари тармоқланиши билан ошиб боради. Шу жиҳатдан бу тизим замонавий, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги, прогрессив шакллари томонидан қўйилаётган келажақдаги талабларга ҳам жавоб бериши жуда муҳим. Замонавий шароитларда бундай талабларнинг кучайиши агросаноат кооперацияси (ҳамкорлиги) жараёни ишлаб чиқаришни янги ташқиلىй шакли сифатида намоён бўлиши билан боғлиқ ҳолда кузатилмоқда.

ТАЙЁРЛОВ ТИЗИМИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

тайёрлов жараёнидаги тиғизликни камайтиради, транспортга
эҳтиёжни пасайтиради маҳсулотнинг оқилона ишлатилишини
таъминлайди, пировард натижада хомашё ва истеъмол фондлари
Ҳажмини оширади

агросаноат интеграцияси, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг
бевосита ўзида қайта ишлаш қуваатлари ривожи баъзи турдаги
қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нафақат натурал холида, балки
қайта ишланган кўринишда ҳам сотиш масалаларини ҳал этади.

*Бевосита алоқаларнинг иқтисодий моҳияти
шунда кўринадики, улар маҳсулот сотишининг
катта кафолатини яратиш билан қишлоқ
хўжалиги маҳсулотлари харид нархига
киритилган барча потенциал имкониятларни
юзага чиқаришининг холисона белгилари
ҳисобланади, шу тариқа ишлаб чиқариш
унумдорлиги ошишининг энг муҳим омили
сифатида иштирок этади.*

ГЛОССАРИЙ

Агросаноат мажмуасини истеъмолчиларнинг талабини қондириш имкониятига эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида иқтисодиётнинг айрим ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қайта ишлаш хамда сотиш билан шуғулланувчи соҳаларнинг иқтисодий уйғунлашуви ташкил этади.

Айланма восита (ўзгарувчи восита) – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ишларини бажариш, хизматлар кўрсатиш жараёнида бир марта марта қатнашиб, ўз қийматини уларга тўлиқ ўтказадиган воситадир.

Асосий восита (доимий капитал) – қишлоқ хўжалик субъекти фаолиятида узоқ йиллар мобайнида фойдаланиб, ўз қийматини ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга, ишларга, хизматларга астағсекин ўтказиб берадиган воситадир.

Асосий капиталга инвестиция (капитал қуйилма) – асосий воситаларни барпо этиш ва тақрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ сарфлар.

Давлат буюртмаси – давлат эҳтиёжини қондириш имкониятига эга бўлган маҳсулот миқдори.

Давлат ер кадастри – ернинг таркиби, хўжалик, хуқуқий режими, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва қиймати (бахоси), ер участкаларининг манзили ва ўлчамлари, уларнинг ер эгалиги, ундан фойдаланувчиларга, ижаракиларга, тўғри тақсимлаш тўғрисида зарур, ишончли маълумотлар ва хужжатлар йиғиндиси.

Давр харажати – қишлоқ хўжалик субъектини бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар йиғиндиси.

Дехқон хўжалиги - оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб реализация қиласидиган юридик шахс мақомига эга бўлган ёхуд эга бўлмаган оиласи майдо товар хўжалигидир.

Ер участка ижараси – давлат мулки хисобланган ер участкаларини хуқуқий ва меъёрий хужжатлар асосида ердан фойдаланувчиларга хақ тўлаш эвазига маълум муддатга хамда умрбод мерос қолдириш хуқуки билан бериш.

Ердан фойдаланиш коэффициенти - қишлоқ хўжалик корхонасида йил мобайнида хақиқатда фойдаланилган ер майдонини фойдаланиш мумкин бўлган ер майдонига нисбатидир.

Ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини барча омилларидан тадбиркорлик билан фойдаланиш натижасида хар бир гектар ердан олинган соғ фойда муммасини ифодалайди.

Ер мониторинги – ер фонди, ундан фойдаланувчилар, уларнинг таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларнинг сифати, қийматини баҳолаш, барча салбий жараёнларни олдини олиш, уларнинг

оқибатларини тугатиш, ер фондидан фойдаланиш даражасини аниқлаш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар мажмуи.

Жонлаштириш – табиий ва иқтисодий шароитларни эътиборга олган холда қишлоқ хўжалик субъектларида у ёки бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

Ижтимоий инвестиция – инсон салохиятини, малакасини, тажрибасини оширишга хамда номоддий неъматларни ривожлантиришга сарфланадиган маблағлар.

Иқтисодий қонун – иқтисодий жараёнларнинг мазмун, моҳиятини хамда турли томонларини акс эттирувчи, муҳим, инсон таъсирисиз доимо тақрорланадиган, узвий иқтисодий заруриятни тақоза этувчи муносабатлар.

Инвестиция – қишлоқ хўжалик субъектини барча омилларини ривожланишига сарфланадиган маблағ.

Инвестициянинг иқтисодий самарадорлиги – бир вақтда инвестиция қилиган маблағ эвазига олинган соғ фойда.

Инвестициянинг қопланиш муддати – инвестиция қилинаётган маблағнинг шуни эвазига олинган соғ фойда суммасига нисбати билан хисобланади.

Инновацион инвестиция – техника ва технологияларнинг янги навларини яратиш ва ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган маблағ сарфи.

Интенсив йўл (усул) – фан-техника ютуқларини, илғор технологияларни жорий этиш учун қўшимча меҳнат, маблағ сарфлаб, инвестицияларни жалб этиш маҳсулот ишлаб чиқариш хажмин, унинг сифатини яхшилиш, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар кўламини кенгайтиришдир.

Ихтисослаштириш – табиий, иқтисодий шароитларни хамда талабни эътиборга олган холда қишлоқ хўжалик субъектларини бир ёки икки турдаги маҳсулот этиштиришга мослаштириш.

Ишлаб чиқриш харажатлари - маҳсулот ишлаб чиқриш билан боғлиқ бхлган меҳнат, маблағ, материал, харажатлар йиғиндиси.

Ишнинг механизациялашганлиги – қишлоқ хўжалигига маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш жараёнида бажариладиган ишларни машина ва механизмлар ёрдамида бажарилганлиги.

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи – этиштирилган бир бирликдаги маҳсулотга сарфланган ишлаб чиқриш харажатларининг суммаси.

Меҳнат ресурси – қонунларда белгиланган ёшга эга бўлиб қишлоқ хўжалик субъекти худудида яшаб, меҳнат қобилиятига эга бўлган инсон.

Меҳнат унумдорлиги - меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган инсоннинг маълум бир вақт ичидан бажарадиган ишининг, кўрсатадиган хизматининг, ишлаб чиқарадиган маҳсулотининг миқдори (қиймати).

Меҳнатнинг фонд билан қуролланганлиги – қишлоқ хўжалик субъектининг бир бирликдаги меҳнат ресурсига тўғри келадиган энергетик ресурслар қуввати миқдори.

Молиявий харажатлар – солиқлар, түловлар ва бошқа молиявий харажатлар суммаси.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш – давлат мулкига асосланған давлат корхоналари ва ташкилотларини нодавлат мулкчилигига асосланған ширкатларга, фермер ва ижара корхоналарига хамда давлатта қаришли мулк бўлмайдиган бошқа субъектларга айлантиришдир.

Пул даромади – қишлоқ хўжалик махсулотларини сотиш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш оқибатида олинадиган пул тушумлариридир.

Пул тушумлари оқими – тайёр махсулотларни сотиш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш натижасида ойлар, чораклар бўйича тушадиган пуллар суммаси.

Реал инвестиция – моддийлашган асосий ва айланма восита (капитал) барпо этишга сарфланадиган маблағ.

Соф капитал қуийлма – маблағ сарфлаш натижасида ишга туширилган объектнинг ёки асосий капиталнинг қиймати.

Соф фойда - барча пул тушумларидан ишлаб чиқариш, давр, молиявий ва фавқулодда харажатларни чегиргандан сўнгги сумма.

Суфориладиган ерлар – қишлоқ хўжалигига фойдаланиш ва суфориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерни суфорилишини таъминлай оладиган суфориш манбаи билан боғланган ерлардир.

Тадбиркорлик – мулкчилик субъектларининг амалдаги қонунлар доирасида ташаббускорлик билан тайёр махсулотларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш натижасида даромад хамда фойда олишга қаратилган фаолиятидир.

Тайёр махсулот - қишлоқ хўжалик субъектларида ишлаб чиқарилиб, сотишга, айирбошлишга мўлжаллаган махсулотлар.

Товар махсулоти - қишлоқ хўжалик субъектлари томонидан истеъмол талабни қондириш имкониятига эга бўлган махсулот.

Тупроқнинг унумдорлиги – тупроқ таркибида мавжуд бўлган турли хилдаги микро ва макро элементларнинг махсулот етиштириш мақсадида амалга ошириладиган агротехник хамда технологик тадбир ёрдамида махсулот етиштириб бериш қобилиятидир.

Ўсимликчилик ялпи махсулоти - қсимликларга ишлов бериш, парвариш қилиш натижасида етиштирилган махсулот миқдори.

Фермер хўжалиги – ўзига узоқ (30 йилдан 50 йилгача) муддатга ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган холда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи юридик шахс хуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фойдалиликни қишлоқ хўжалик субъектлари томонидан сарфланган барча харажатлар эвазига олинган соф фойда суммасини ифодалайди.

Фонд билан таъминланиш – қишлоқ хўжалик субъектларининг бир бирликдаги ер майдонига тўғри келадиган фондлар қиймати.

Хусусийлаштириш – давлат мулкчилигига асосланған давлат акциядорлик жамиятларининг акцияларини амалдаги қонун талаблари асосида сотиб олиш нодавлат мулкига айлантиришдир.

Чорвачилик ялпи махсулоти - чорва хайвонларини парвариш этиш, боқиши натижасида етиштирилган махсулот миқдори.

Ширкат хўжалиги - қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мақсадаида фуқароларнинг пойчиликка асосан оиласвий пудрат асосида уюшиб, эркаин, мустақил фаолият кўрсатадиган, юридик шахс мақомига эга бўлган хўжалик юритиши субъектидир.

Экинлар хосилдорлиги - тадбиркорлик билан амалга ошириладиган барча ирригацион, мелиоратив, агро-техник, технологик хамда иқтисодий тадбирлар натижасида маълум бир ер майдонидан етиштириб олиган махсулот миқдори.

Экстенсив йўл (усул) – меҳнат ва маблағ сарфлаб, мавжуд воситалардан фойдаланиб ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш эвазига махсулот ишлаб чиқриш хажмини қўпайтиришdir.

Ялпи капитал қуйилма – асосий капиталга сарфланган асосий жами маблағ.

Қишлоқ хўжалик ерлари – қишлоқ хўжалик субъектларига турли хилдаги тайёр махсулотларни, ишлаб чиқариш мақсадида маълум муддат давомида фойдаланиш учун берилган хайдаланиладиган ерлар, яйловлар, пичанзорлар, кўп йиллик дараҳтлар майдони йиғиндиси.

Қишлоқ хўжалиги ялпи махсулотининг хақиқий қиймати – бозор иқтисодиёти субъектлари томонидан бир календар йил давомида ишлаб чиқарилган махсулотлар, бажарилган ишлар ва кхрсатилган хизматларнинг хақиқий баҳолардаги қиймати.

Қишлоқ хўжалигининг ялпи махсулоти – бозор иқтисоди субъектлари томонидан бир календар йил давомида ишлаб чиқарилган махсулот миқдори.

“Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти” фанидан мустақил таълим мавзулари

1. “Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти” фанининг предмети ва усуллари.
2. Агросаноат мажмуасида инфратузилманинг туркумланиши.
3. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида корхоналарнинг ҳукуқий-иқтисодий имкониятлари.
4. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси.
5. Қишлоқ хўжалигига лизинг муносабатлари .
6. Қишлоқ хўжалиги субъектларига банк хизматини ташкил этиш.
7. Ижтимоий соҳани ривожлантириш.
8. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган комплекс дастурнинг моҳияти.
9. Қишлоқ жойларда замонавий хусусий уй-жойларни қуриш бўйича амалга ошириб келинаётган дастурни жадаллаштириш.

10. Қишлоқ жойларда аҳолига маданий майший хизмат кўрсатишни ташкил этиш.

11. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича олиб борилган тизимли ишлар.

12. Янги иш ўринларини ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлашнинг устивор йўналишлари.

13. Транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари.

ТАЪМИНОТ

Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон республикаси Президенти И.А.Каримонинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлар ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” 19 январ 2013 йил

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”. “Халқ сўзи” 2011 йил 7 апрель, № 68 (5235).

3. Каримов И.А. Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. Президент И.А.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябр.

4. Каримов И.А. асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2010.

5. Каримов И.А. Бизнинг йўлнимиз - демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимиидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2011 йил 8 декабр.

6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009

7. Салимов Б.Т., Ўроқов Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2004-112 бет

8. Салимов Б.Т., Ҳамдамов ва бошқалар Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти.- Т.: ТДИУ, 2004-176 бет.

Қўшимча адабиётлар:

1. Рахимова М. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти.-Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. 2004 й.
2. Тухлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. – Т. Ўзбекистон. 2002 й.
3. Додобоев А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Фарғона 2004й.
4. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти.-Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. 2004 й.
5. Йўлдошев З. Миллий иқтисодиёт.-Т: Молия институти. 2004.
6. Данилов Ю. Национальная экономика.-Т: Янги аср авлоди. 2003

1-мавзу: Ўзбекистонда агросаноат мажмуасининг ривожланиши ва инфратузилма

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Агросаноат мажмуаси соҳалари
2. АСМда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари
3. Қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлигининг асосий қўрсаткичлари

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: агросаноат мажмуаси, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма, ялпи даромад, ялпи маҳсулот, соғ даромад, худудий АСМ, маҳсулот бўйича АСМ, аграр муносабатлар, ер муносабатлари, такрор ишлаб чиқариш, агросаноат интеграцияси, озиқ -овқат хавфсизлиги стратегияси, агросаноат мажмуаси соҳалари.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

- 1.1. Бозор шароитида АСМнинг ривожланишида инфратузилманинг ўрнини қўрсатиш.
- 1.2. АСМнинг соҳаларини ўзаро бир-бири билан боғлиқлигини изоҳлаш.

1-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда агросаноат мажмуаси ва унинг соҳалари ўртасидаги боғлиқлиги ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Агросаноат мажмуаси тушунчасини изоҳлаб бера олади.
- 1.2. Агросаноат мажмуасининг соҳаларини ва уларнинг боғлиқлигини тушунтира олади.

1 савол баёни: Агросаноат мажмуи (АСМ) қишлоқ хўжалигининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб беришда иштирок этадиган тармоқлари мажмуидан иборат.

АСМ умумий ҳолда тўрт соҳани ўз ичига олади: биринчи соҳа – қишлоқ хўжалиги корхоналарини; иккинчи соҳа – қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берадиган саноат тармоқлари, шунингдек, ишлаб чиқариш, техника хизмати кўрсатиш билан банд бўлган тармоқларни; учинчи соҳа – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беришни таъминлайдиган тармоқлар (қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, ташиб бериш, сотиш тармоқлари)ни;

тўртинчи соҳа – инфратузилма, яъни ишлаб чиқариш ва ишчилар фаолиятининг шарт-шароитларини таъминловчи хўжалик тармоқлари (йўл-

транспорт хўжалиги, алоқа, моддий- техника хизмати, маҳсулотни сақлаш тизими, омбор ва товар хўжалиги, моддий бўлмаган ишлаб чиқариш тармоқлари ва шунга ўхшаш тармоқлар)ни ўз ичига олади.

Инфратузилманинг ўзи 2 қисмдан:

- а) ижтимоий инфратузилма – кишиларнинг хаёт фаолиятлари шароитини таъминловчи тураржой, маданий-маиший хизмат тармоқлари, савдо, умумий овқатланиш каби соҳалардан;
- б) ишлаб чиқариш инфратузилмаси – йўллар, транспорт хўжалиги, алоқа, омборхона ва шунга ўхшашлардан иборат.

Агросаноат интеграцияси, яъни қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхоналар, маҳсулотни қайта ишловчи, истеъмолчига етказиб берувчи туташ тармоқларнинг ўзаро ҳамкорликдаги узвий боғлиқ ишлаб чиқаришини ривожлантириш АСМ вужудга келиши ва ривожланишининг асосий негизи ҳисобланади. Агросаноат мажмуи интеграция жараёнининг кўриниши ва шаклига кўра, 2га бўлинади:

- 1) тармоқ ёки маҳсулот бўйича АСМ;
- 2) худудий АСМ.

Агарар сиёsatни аниқлашда, одатда, иқтисодий соҳа алоҳида ўрин тутади. Бунда унинг экология ва ижтимоий томонлари ҳисобга олинмайди.

Агарар сиёsatнинг бошқа бир қисми борки, уни иқтисодий соҳа билан ҳисобга олиб бўлмайди. Бу қишлоқ хўжалиги худудлари ривожланишига тааллуқлидир. Масалан, қишлоқлардаги ишсизлик озиқ-овқат ишлаб чиқариши билан бевосита боғлиқ эмас. Иш билан бандлик даражасига саноат, хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш йўли билан таъсир этиш мумкин.

Жаҳон амалиётида «**Озиқ-овқат хавфсизлиги**» иборасини қўллашга одатланилган. Бир гуруҳ олимлар бу иборанинг асосида фақат истеъмолни қўшиб ишлатишади. Уларнинг фикрича, озиқ-овқат хавфсизлиги - аҳолининг фаол ҳаёти учун қанча миқдорда озиқ-овқат талаб этилса, аҳолига шунча миқдорда озиқ-овқат таъминоти кафолатланиши назарда тутилади. Бинобарин, озиқ-овқат хавфсизлигига эришишда икки усул бор: биринчиси, импорт қилиш, иккинчиси ўзини-ўзи маҳсулот билан таъминлаш.

Озиқ-овқат қарамлилиги, жамият ўз озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ўзи мустакил равишда еча олмаса, вужудга келади. Бу ҳол қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт мажмуи тармоқларининг бузилишига сабаб бўлади. Шу билан бирга, давлат иқтисодиётнинг зарур бўлган импорт озиқ-овқат молларини сотиб олиш имкониятини йўқ қиласди. Озиқ-овқат қарамлилигига асосий сабаб давлатнинг ўз ишлаб чиқарувчиларига ёрдам бермаслиги ва миқдоридан кўп озиқ-овқат моллари импорти ошишидир. Озиқ-овқат мустакиллиги аҳолини белгиланган меъёрда озиқ-овқат билан таъминлаш учун энергия стратегик заҳиралари, ер майдони, қишлоқ хўжалиги машиналари, моддий ресурслар мавжудлигини англаради.

Озиқ-овқат мустақиллигига АСМ мустақил равишда ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва аҳолини ҳар хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан керакли миқдорда таъминлаши орқали эришилади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги стратегияси қуидагиларни ўз ичига олади: АСМ меҳнат ресурсларига нисбатан протекционистик чораларни кўриш ва аҳоли ҳар хил қатламларининг давлат таъминотига эришиш; саноат, сақлаш, қайта ишлаш ва озиқ-овқатларни тарқатиш тизимида меҳнат ресурсларининг оптимал мувозанатини ушлаб туриш; АСМ тизимини энергия ва ресурс сақлаш технологиясига айлантириш; давлат режа тизими ишлаши ва АСМ фаолиятини таъминлаш.

2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда агросаноат мажмуасининг ўзига хос хусусиятлари ҳакида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Агросаноат мажмуасининг ўзига хос хусусиятларини тушунтириб бера олади.

1.2. Аграр сиёсатнинг моҳиятини ёрита олади.

2 - савол баёни: 2010 йилда ЯММдаги саноатнинг улуши 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 ва 12,4 фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37 фоиздан 49 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30,1 фоиздан 17,5 фоизга тушди.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши камайиб бораётган бир шароитда ушбу соҳада маҳсулот етиштириш юқори суръатлар билан кўпаймоқда.

2010 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошгани ҳам шундан далолат беради.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликлариға бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда.

Пахта ва ғалла каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди, қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сут, гўшт, картошка, сабзавот каби энг муҳим озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун мустаҳкам хомашё базаси яратилмоқда.

Махсус ишлаб чиқилган кенг кўламли дастурни изчил амалга ошириш хисобидан ерларнинг мелиоратив ҳолати муттасил яхшиланмоқда. Фақат 2010 йилнинг ўзида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди ва бу 724 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 208 та мелиоратив қудуқларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, қарийб 14 минг

километрлик коллектор-дренаж тизимини таъмирлаш, қайта тиклаш ва 335 та замонавий мелиорация техникасини харид қилиш имконини берди.

Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари, шунингдек, Марказий Фарғона ҳудуди ва Қорақалпоғистон Республикасида ирригация ҳамда мелиорация иншоотларини қайта тиклаш учун 2010 йилда ҳалқаро молия институтларининг 62 миллион доллардан зиёд маблағлари жалб қилинди ва ўзлаштирилди.

Амалга оширилган ана шундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида 260 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалиги экинлари хосилдорлигини, фермер ҳамда дехқон хўжаликларининг даромадини ошириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Агросаноат интеграциясининг моҳиятини факат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноатда қайта ишлашдан иборат, деб тушуниш керак эмас. Чунки ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, ишлаб чиқариш кўлами ning кенгайиши, табиийки, агросаноат интеграциясини тезлаштиради ва чуқурлаштиради. У ишлаб чиқариш алоқалари турли хил шаклларда вужудга келишининг тезлашиши ва ривожланишини тақозо этади. Қишлоқ хўжалигининг саноат ва ҳалқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан иқтисодий боғлиқлиги ҳамда алоқаси ривожланиши обьектив тарихий жараён бўлиб, тобора кучайиб боради. Ҳозирги қунда ривожланган мамлакатларда бу жараён вертикал интеграция, яъни агробизнес кўринишида амалга оширилмоқда.

АСМда кечаётган такрор ишлаб чиқариш жараёни, ҳалқ хўжалигининг бошқа биронта тармоғида юзага келмайдиган, техника, иқтисод, биология ва экологиянинг бирлиги уларнинг мувофиқлашган ҳолда ривожланишини тақозо этиши билан тавсифланади. Шу билан бирга, АСМ такрор ишлаб чиқаришининг хусусиятлари кўп жиҳатдан унинг асосий бўғини бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёни билан белгиланади. Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш жараёни ўз маромига эга бўлиб, биологик жараёнлар, яъни ўсимликларнинг ва чорва молларининг ривожи, табиий-иклим шароити билан боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос мароми, ўз навбатида, АСМнинг қайта ишловчи ва бошқа соҳа тармоқларини ривожлантиришга таъсир этади. Дехқончиликдаги такрор ишлаб чиқаришининг бир қанча хусусиятлари ишларнинг мавсумийлиги билан боғлиқдир. Унда ишлар йил давомида узлуксиз олиб борилмайди. Бу ҳол ходимларнинг иш билан бандлиги ва уларнинг меҳнатини сарфлашда меҳнатга ҳақ тўлаш ва зарур даражада даромад билан таъминлаш каби муаммоларни келтириб чиқаради. Бу муаммоларни ҳал этишда маҳсулотларни қайта ишлашни бевосита қишлоқ жойларнинг ўзида ташкил қилиш, турли майда саноат корхоналарини, ёрдамчи хўжалик тармоқларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу тадбир иш билан бандликни

таъминлаш билан бир қаторда маҳсулот камайтиради, унинг сифатини яхшилайди.

нобудгарчилигини

Қишлоқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида, айниқса, дехқончиликда меҳнат сарфи билан маҳсулот олиш ўртасида вақт жиҳатидан узилиш мавжуд, яъни маблағ деярли бутун йил давомида сарфланади, маҳсулот эса маълум даврдагина олинади. Шу муносабат билан меҳнатга ҳақ тўлашда, иш ҳақи ва моддий рағбатлантиришни ишнинг сифати, ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси билан боғлашда ўзига хос муаммолар юзага келади. Бу муаммоларни бартараф этиш ёки юмшатишнинг турли шакллари мавжуд, хусусан кооперативлар, ижаракчилар, фермер хўжаликларини ривожлантириш, шунингдек, давлат хўжалигида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор усулларини жорий этиш ва шу кабилар.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш фонdlари, кўпроқ уруғлик, озиқа, чорва моллари ва шунга ўхшашлар хисобидан ташкил этилмоқда. Бу такрор ишлаб чиқариш маромининг навбатдаги босқичига кенг микёсли таъсир этиб, уни капиталталаб тармоққа айлантириди, ишлаб чиқариш потинциалини кенгайтириди ва меҳнат унумдорлиги суръатларини ўстирди. Айни вақтда қишлоқ хўжалиги нисбатан майда капиталлар қўйиладиган соҳа бўлиб қолди.

Ишлаб чиқариш ва капиталнинг тўпланиш даражаси жиҳатидан қишлоқ хўжалиги саноатдан орқада қолмоқда. Бунга аввало, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусияти туфайли корхоналарнинг мақбул микёси анча кичиклиги сабаб бўлмоқда, ҳолбуки кўпингина мамлакатларда йирик корхоналар билан бир қаторда кўп сонли дехқон-фермер хўжаликлари сақланиб келмоқда. Улар асосан фермер ва унинг оила аъзолари кучи билан юритилади. Бироқ, хўжалик мавқеи йирик фермерлар қўлида.

Қишлоқ хўжалигида ҳам халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида амал қиладиган умумий иқтисодий қонунлар амал қилади. Лекин уларда тармоқнинг алоҳида хусусиятлари хисобга олинган. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда асосий ишлаб чиқариш воситаси ер хисобланади. Бошқа ишлаб чиқариш воситаларига солиштирилса, ер эскирмайди, балки тўғри фойдаланилса, унинг сифати яхшиланиб боради.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситалари сифатида тирик идораизмлар, яъни ҳайвонлар ва ўсимликлар қатнашади. Улар эса биологик қонуниятлар асосида ривожланади. Демак, такрор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жараёни тирик идораизмларнинг табиий ривожланиш жараёни билан узвий боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштириш жараёни йирик майдонларда амалга оширилади ва турли иқлим зоналари бўйича ёйилган. Пировард натижалар кўлланилган ресурслар миқдори ва сифатини эмас, балки кўпинча ишлаб чиқариш амалга ошириладиган аниқ шароитларга боғлиқ бўлиб қолади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг худудий жойлашуви ишлаб чиқарилган маҳсулот (буғдой, кртошка, қанд лавлаги, сут, гўшт ва ҳоказо)ни

ҳам, техника ва моддий ресурслар (ёқилғи, иссиқлик-мойлаш материаллари, минерал үғитлар)ни ҳам ташишни қийинлаштиради.

Қишлоқ хўжалигининг энг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, унда яратилган маҳсулот кейинчалик ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаси сифатида уруғлар ва экиш материаллари (буғдой, картошка ва ҳоказо), ем-хашак ҳамда ҳайвонлар подасини қайта тиклаш ва кенгайтириш учун поданинг катта қисми қўлланилади. Буларнинг барчаси иншоотлар ва ишлаб чиқариш вазифасидаги обьектлар (молхона), ем-хашак, уруг ва экиш материаллари омборлари ва ҳоказоларни қуриш учун қўшимча моддий ресурсларни талаб қиласди.

Қишлоқ хўжалигининг энг муҳим хусусияти – ерда иш даври маҳсулот ишлаб чиқариш даври билан бир-бирига мос келмаслигидир. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш даври инсон меҳнати остида амалга ошириладиган жараёни (ерни ҳайдаш, ишлов бериш, экиш, ўсимликларни парваришилаш, ҳосилни йиғиб олиш ва ҳоказо) вақтлари ва табиий омилларнинг бевосита таъсири остида амалга ошадиган (ўсимликларнинг униши, ўсиши, ҳосилга кириши ва ҳоказо) вақт тўпламидан иборат.

Ишлаб чиқариш даври ва иш даврининг мос келмаслиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумийлигини асослайди. Мавсумийлик ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техника, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва охир-оқибатда бутун тармоқ самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат тақсимоти, унинг тақозосига кўра, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, хусусан, саноатдагига нисбатан бошқача тарзда юз беради. Ер, меҳнат ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида бу ерда ўсимликшунослик тармоғини чорвачилик тармоғи билан ҳамда ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хунармандчиликни ривожлантиришнинг оқилона мувофиқлигига эришиш лозим. Ижтимоий меҳнат тақсимотини такомиллаштиришда алоҳида ҳудудларнинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олиш зарур.

Қишлоқ хўжалигининг энг асосий хусусиятларидан бири, шубҳасиз, техникадан фойдаланиш даражаси ва шароити ҳисобланади. Одатда, ишлаб чиқариш воситалари (машиналар, комбайнлар, қишлоқ хўжалиги техникиаси) ҳаракат қилиши, меҳнат предметлари эса (ўсимликлар) бир жойда туришидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигининг техник таъминланганлиги саноат тармоғидагидан кескин фарқ қиласди. Саноат тармоғигига нисбатан энергетик ресурсларга бўлган умумий эҳтиёж бу соҳада жуда юқори. Қишлоқ хўжалигининг ҳудудий тарқоқлиги ва мавсумий характердалиги техника ва асосий ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эҳтиёжни оширади.

Қишлоқ хўжалигининг ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқларида меҳнат жараёнини ташкил қилиш турлича амалга оширилади. Бу ерда ижрочи саноатдаги каби доимий иш ўрнига эга бўлмайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш жараёнида йил фасли ва ўсимликнинг ўзига хос

хусусиятларига қараб дала ишчиси ва механизаторлар турли хил ишларни бажаришиди. Механизатор барча машина ва агрегатларда ишлай олиши керак, деҳқон эса уруғлар ва экиш материалларини тайёрлаш, ўсимликларни парвариш қилиш, тайёрлаш, ҳосилни йиғиб олиш жараёнидаги барча ишларни бажара олиши лозим. Бунда ишнинг тури ҳар куни эмас, балки шароитдан келиб чиқиб, муайян бир иш куни давомида ўзгариши ҳам мумкин.

Қишлоқ хўжалигининг саноат тармоқларидан ажралиб турувчи бу каби хусусиятлари моддий-техника базасини шакллантириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда ҳисобга олиниши зарур.

3-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1. Қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини тушунтириб бера олади.

3 - савол баёни: Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалиги ривожланишини янада жадаллаштиришнинг энг долзарб муаммоларидан бири тармоқ самарадорлигини оширишdir. Ишлаб чиқариш самарадорлиги мураккаб иқтисодий категория бўлиб, унда иқтисодий қонунларнинг ҳаракатлари ўз ифодасини топади ва корхона фаолиятининг мухим томони – натижавийлиги юзага келади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини ҳарактерлашда натурал ва қиймат кўрсаткичлари тизимидан фойдаланилади. Самарадорликнинг натурал кўрсаткичлари қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ҳосилдорлиги ва ҳайвонлар маҳсулдорлиги ҳисобланади. Натурал кўрсаткичлар қиймат кўрсаткичларни: ялпи ва товар маҳсулот, ялпи ва соф даромад, фойда ва ишлаб чиқариш рентабеллигини ҳисоблашда асос саналади.

Ялпи маҳсулот – маълум давр мобайнида яратилган барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг пулдаги ифодаси, товар маҳсулот эса, сотилган маҳсулотдир.

Ялпи даромад (ЯД) –ялпи маҳсулот (ЯМ) қиймати билан ундаги моддий сарфлар (Мс) орасидаги фарқдир:

$$ЯД = ЯМ - Мс$$

Соф даромад (СД) ялпи маҳсулот қийматидан ишлаб чиқариш харжатлари ёки унинг таннархини айириб ташлаш йўли билан аниқланади:

$$СД = ЯМ - Тм$$

Соф даромад ҳажмини ялпи даромад қийматининг иш ҳақига тўловини (Хи) айириб ҳам ҳисоблаш мумкин:

$$СД = ЯД - Хи$$

Иқтисодий адабиётларда яратилган (T) ва реализация қилинган (T') соф даромад фарқланади. Соф даромаднинг реализация қилинган қисми корхона фойдаси ҳажмига тўғри келади. Демак, агар соф даромадни ялпи маҳсулотни тақсимлаш орқали топадиган бўлсақ, унда фойда (Φ) маҳсулотни сотишдан келадиган тушум (T_c) билан унинг тўлиқ таннархи (T_s) айирмаси сифатида ҳисобланади.

$$\Phi = T_s - T_c$$

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини умумлаштирувчи натижа рентабелликдир. Рентабеллик даражаси (P) фойданинг маҳсулотнинг тўлиқ (тижорат) таннархига нисбатан %даги қиймати сифатида ҳисобланади. Бу қўрсаткичлар бутун қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини характерлашда ҳам, тармоқ самарадорлигини ифодалашда алоҳида маҳсулот бўйича ҳам қўлланилади.



1 - чизма. Ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари

2-мавзу: Инфратузилманинг моҳияти, таркиби ва туркумланиши

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Қишлоқ хўжалигидаги инфратузилманинг моҳияти ва аҳамияти
2. Ишлаб чиқариш инфратузилманинг иқтисодий моҳияти
3. Ижтимоий инфратузилманинг қишлоқ хўжалиги ривожланишидаги аҳамияти

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: ишлаб чиқариш хажми, корхонанинг самарали фаолияти, пировард маҳсулот, моддий ишлаб чиқариш, АСМ инфратузилмаси элементлари, ҳудудий инфратузилма, функционал йўналиш.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

- 1.1. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ишлаб чиқариш жараёнига таъсирини тушунтириш.
- 1.2. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларининг бир бири билан боғлиқлигини кўрсатиш.

1- савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда қишлоқ хўжалигидаги инфратузилманинг моҳияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Инфратузилманинг иқтисодий моҳиятини тушунтириб бера олади.
- 1.2. АСМ инфратузилмаси элементларининг туркумланишини ёритиб бера олади.

1-савол баёни: Агросаноат ишлаб чиқаришининг пировард натижалари фақат қишлоқ хўжалиги ривожланиш даражасига эмас, балки унинг хизмат кўрсатиш тармоқларига ҳам боғлиқдир. Ишлаб чиқариш хажми ўсиши билан қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурслари, керакли хомашё ва ёрдамчи материаллардан фойдаланиш хажми ҳам ошади. Хўжаликларнинг электроэнергияси, транспорт, алоқа воситаларига, маҳсулотни сақлаш жойларига талаб ошади. Қишлоқ хўжалигининг таъмирлаш-техник хизматига, моддий-техника таъминоти ташкилотларига, мұхандислик, зооветеринария, агрокимё хизмати ва бошқа хизматларга боғлиқлик даражаси ўсади. Бу жараёнда самарали фойдаланиш ва истеъмолчига етказиб беришни таъминлайдиган ташкилот ва тармоқларнинг ривожланиши ҳам мұхим аҳамият касб этади. Бундай тармоқлар ва хизматларни иқтисодиётда инфратузилма дейилади.

Инфратузилма – ижтимоий ва иқтисодий ишлаб чиқариш учун нормал шарт-шароитларни таъминловчи тармоқ ва саноат мажмуудир. У ишлаб чиқариш, технологик, иқтисодий ва ташкилий алоқалар жараёнида вужудга келадиган реализация орқали АСМнинг самарали ишлашини таъминлайди. Инфратузилма жамият ишлаб чиқариш кучларининг бўлинмас қисми ҳисобланади. У корхонанинг самарали фаолиятини таъминлайди ва АСМнинг пировард маҳсулоти микдоран кўп ва сифатан юқори бўлишига йўналтирилган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ялпи ишлаб чиқарилиши провард натижада тармоқнинг ишлаб чиқариш фондлари, айланма маблағлари, меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси билан бирга хизмат қилувчи ишлаб чиқаришнинг ривожланганлик даражасига

боғлиқ. Улар орасида агрокимё, зооветеринария, консультация хизматлариға катта эътибор берилади.

Моддий ишлаб чиқариш инфратузилмасининг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги корхоналарини ишлаб чиқаришига хизмат қилиш вазифасидан босқичма-босқич озод этишдан иборат. Инфратузилма ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотлари сифатан юқори бўлиши учун шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган. Мустакил равишда пировард маҳсулотни ишлаб чиқармайдиган тармоқ ва хизматлар мальум миқдорда бутун ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этади. Инфратузилма АСМ учун кадрлар тайёрлаш, уни ишчи кучи билан таъминлашга ёрдам беради.

Инфратузилма элементларининг характеристини қўп томонлама ҳисобга олган ҳолда уни конкрет хусусияти бўйича туркумлаш мумкин эмас. АСМ инфратузилмаси элементларини қўйидаги тўрт хусусияти орқали туркумлаштириш мумкин (2-чизма).

- ишлаб чиқариш жараёнига таъсири даражаси билан;
- худудий;
- тармоқ;
- функционал йўналтирилганлиги бўйича.

АСМ инфратузилмасини ишлаб чиқариш жараёнига таъсири даражаси бўйича қўйидаги икки гурухга бўлиш мумкин: ишлаб чиқариш; ижтимоий.

Иқтисодий самарадорлик. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичи обьектлар ишлаб чиқариши харажатларининг ўз-ўзини қоплаши ҳисобланади. У қўйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$K_{u} = \frac{K \text{ ёки } B}{M_{u}}$$

Бу ерда: K – ишлаб чиқариш инфратузилмасига кетган харажатларнинг ўз-ўзини қоплаши;

K ёки B – қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қиймати;

M – ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ишлаб чиқаришга кетган моддий харажатлари.



2-чизма. АСМ инфратузилмаси элементларининг туркумланиши.

Худудий хусусияти ва ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича тармоқлар қуидагиларга бўлинади: инфратузилманинг халқ хўжалиги тармоқлари; худудий тармоқлар; конкрет корхонада маҳаллий ёки ишлаб чиқариш тармоқлари.

Халқ хўжалиги инфратузилмаси бутун халқ хўжалигининг самарали ишлашига хизмат қиласиган тармоқ ва хизматлардан иборат. Шундай қилиб, у ягона энергетик, транспорт, алоқа тизимлари буюк инфратузилма мажмуи ҳисобланади; халқ хўжалигининг электрэнергиясига, почта, телеграф ва транспорт алоқларига бўлган талабини қондиришга йўналтирилган.

Худудий инфратузилма алоҳида иқтисодий районларнинг ривожланиш ва худудий ишлаб чиқариш мажмуилари шаклланиши билан боғлиқ. Локал ёки ишлаб чиқариш инфратузилмаси алоҳида корхоналарнинг фаолиятини таъминлайдиган элемент ва ишлаб чиқаришдан иборат. Локал

инфратузилмага ички хўжалик ва хўжаликларо йўл курадиган ташкилот мисол бўла олади.

Тармоқ хусусиятлари бўйича инфратузилма тармоқлараро инфратузилма ва тармоқ ички инфратузилмасига бўлинади. Тармоқлараро инфратузилма халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларига хизмат қилишга йўналтирилган. Тармоқ ичи инфратузилмаси эса конкрет тармоқнинг ишлашига ёрдам беради.

Функционал йўналтирганлик бўйича АСМ инфратузилмасида иккита соҳани кўриш мумкин: бевосита қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи соҳа ҳамда пировард маҳсулот истеъмолчига етиб боришини таъминлайдиган соҳа. Биринчи соҳа машина таъмир-таъминоти тармоғи, транспорт-мелиоратив, сув таъминоти ташкилотлари, агрономия, ветеринария, информация хизматлари, моддий-техника таъминоти ва электрлаштириш тизимларидан, иккинчи соҳа эса маҳсулотни тайёрлаш, ташиб, сақлаш ташкилотларидан иборат. АСМ нормал ишлашини турли қадоқлаш материалларининг етарли миқдорисиз таъминлаш мумкин эмас.

2 - савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иқтисодий моҳияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг тушунчасини ёрита олади.
- 2.2. Қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш инфратузилмасини моҳиятини очиб бера олади.

2 – савол баёни: Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ишлаб чиқариш маблағлари ҳамда уларнинг узоқ муддат ишлашини таъминлайдиган тармоқларни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибиға бевосита қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи тармоқлар киради: ишлаб чиқаришга йўналтирилган транспорт, таъмирлаш устахоналари, омбор хўжаликлари, коммуникация тизими ва телеграф, алоқа, электроэнергия узатиш линиялари, техник хизмат станциялари, илмий – ишлаб чиқариш лабораториялари, ҳисоб марказлари. Бундай хизматларга ўсимлик муҳофазаси, агротехника, ветеринария, техник таъмир, юридик ва бошқа хизматлар киради.

Хўжаликларнинг сифатли маҳсулот етиштириши ва наслдор чорва моллари билан таъминланишида бозордаги ҳолатни ўрганиш ва бошқа жараёнларда илмий ва ахборот таъминоти ўзига хос ўрин тутади. Бу таъминот орқали янгиликлар қанча тез тарқатилса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари бу янгиликларни шунча тез ўзлаштириши ва жорий этишлари, иккинчидан, улардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишлари мумкин.

Асосий йирик хизмат кўрсатувчи тармоқлардан бири йўл хўжалигидир. Қишлоқ хўжалигига энг қўп тарқалган ва асосий тармоқ автомобиль йўллари ҳисобланади. Тармоқлараро характерга эга бўлган йўллар қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчиларгача етказиш каби кенг кўламли ва салмоқли вазифаларни бажаришади, ички тармоқ

характеридаги йўллар эса хўжалик ичидаги барча ички муаммоларни ҳал этишда ўзига хос ўрин тутади.

Етишириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчиларгача бўлган узлуксизлигини таъминлашга ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иккинчи йирик тармоғи хизмат қиласди. Бу тармоқка маҳсулотларни саралаш, тайёрлаш, саклаш ва сотиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар киради.

Хўжаликларда маҳсулот ишлаб чиқарилгандан сўнг уни саралаш ва тайёрлаш ишлари олиб борилади. Саралашда маҳсулот таркибидаги озуқа моддалари кўринишига қараб икки гурухга бўлинади. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулотларни саклаш учун тайёргарлик кўришга имкон яратади. Чунки саралаш жараёнида маҳсулотнинг пишиш даражаси, нави ва турига қараб, саклаш дастури ишлаб чиқиласди. Маҳсулотнинг қисмини қайта ишлашга топшириш, иккинчи бир қисмини эса саклаш масаласи ҳал этилади.

Маҳсулотларни саралаш ишлари олиб борилмаса, саралаш жараёнидаги эътиборсизлик ва камчиликлар туфайли исрофгарчиликка йўл кўйилиши мумкин. Сараланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ишлари уларнинг сифатига катта таъсир кўрсатади. Республикамиз қишлоқ хўжалигида етиширилаётган маҳсулотлар орасида асосий пул тушуми пахта, ғалла ва мева-сабзавот маҳсулотлари ҳисобига бўлади. Бу турдаги маҳсулотларга айниқса, мева ва сабзавотларга тез ва соз хизмат кўрсатилса, иккинчи қисми тайёрлов ташкилотларига сотилса, нобудгарчиликка йўл кўйилмайди. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида етишириладиган мева ва сабзавот ҳамда ғалла маҳсулотларини саклаш, биринчидан, хўжаликларнинг молиявий аҳволини яхшилашга имконият тугдирса, иккинчидан, истеъмолчиларнинг йил давомида доимий талаби қондирилиши мумкин.

Мева ва сабзавотларни саклаш омборхоналари 2 турга бўлинади:

1. Муваққат (вақтинчалик омборлар);
2. Доимий омборлар.

Муваққат омборлар аҳоли ва чорвачилик мажмуасига яқин жойга қурилади. Унда илдизмевалар ва картошкани саклаш мумкин. Доимий омборлар сифими 100 тоннадан 30000 тоннагача бўлиши мумкин. Бундай омборларда фаол вентиляция бўлганда маҳсулот яхши сакланади.

Ҳозирги пайтда мева ва сабзавотларнинг газ муҳитини бошқариб саклаш ривожланган Англия, Франция, Голландия, АҚШ, Германия ва бошқа мамлакатларда кенг қўлланилади. Бунда маҳсулотлар сифати 7-8 ойгача бузилмасдан сакланиши мумкин.

Маълумки, республикамиз қишлоқ хўжалигида ғалла майдонлари ва ҳосили йилдан-йилга ошиб бормоқда. Етиширилган режадаги ҳосилнинг давлатга сотилганидан қолган қисми хўжалик ихтиёрида бўлади. Унинг бир қисми истеъмол ва уруғлик учун омборхоналарда маълум вақтгача сакланади.

Ҳозирги кунда дон ва дон маҳсулотларини саклашда 10-15 %гача нобудгарчиликка йўл кўйилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, хўжалик учун заардир. Дунё миқёсида дон маҳсулотлари 3 тартибда сакланади:

- дон массасини қуруқ ҳолда саклаш;

- дон массасини совутилган
 - ҳавосиз жойда сақлаш.
- холда сақлаш;

Умуман, қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотнинг турига караб, уларни сақлаш учун замонавий омборхоналар ва совутгичлар курилишини ташкил этиш керак.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ўзлари етиштирган маҳсулотларни сотиш, яъни истеъмолчига етказиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ҳозирги пайтда республикамизда тажриба йўқлиги ҳамда хўжаликлар бозор ҳолатини билмасликлари сабабли кўп ҳолларда касодга учрамоқда. Хўжаликларда маҳсулотни сотишдан аввал бозор конъюнктурасини билиш лозим. Бунда ўтган йил якунларини ҳисобга олиб, келгуси йилда қайси маҳсулотларга талабнинг ошиши ёки камайиши ҳамда қайси турдаги маҳсулотларни етиштиргандага хўжалик йил якунида юқори рентабелли кўрсаткич билан чиқиши мумкинлигини бозор конъюнктураси ойдинлаштиради.



З-чизма. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланиши.

3 - савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда ижтимоий инфратузилманинг қишлоқ хўжалиги ривожланишидаги аҳамияти ҳақида

түшунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 3.1. Ижтимоий чиқариш инфратузилмасининг түшунчасини ёрита олади.
- 3.2. Қишлоқ хўжалигидаги ижтимоий инфратузилмасини моҳиятини очиб берга олади.


З – савол баёни: Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали ишлаб чиқариш фаолияти ишчи-ходимларга меҳнат жараёнида бўлгани каби, ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришда ҳам зарур шарт-шароитлар яратишни талаб этади. Ижтимоий иняратузилма бўлимлари ва хизмат соҳалари, бу вазифани бажаришга йўналтирилган.

Ижтимоий инфратузилма ўзида меҳнат жараёнида ишчиларни самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган жамият ишлаб чиқариш кучларининг бир қисмини акс эттиради. Ижтимоий инфратузилманинг асосий вазифаси қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-маиший шароитларини келгусида яхшилаш ҳисобланади. Ижтимоий инфратузилма соҳалари якуний маҳсулот яратишда бевосита иштирок этмайди, лекин улар ишлаб чиқариш жараёнининг нормал ривожланиши учун шарт-шароитларни таъминлайдилар.

Ижтимоий инфратузилманинг аҳамияти шундаки, у ишлаб чиқаришнинг зарур малакадаги кадрларга бўлган талабини қондиришни тартибга солади, кадрларни такрор ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигига боғланиб кетишига қўмаклашади, меҳнат муҳофазаси ва техника ҳавфсизлигини таъминлайди. Ижтимоий инфратузилма бўлимлари нафақат корхона ишчилари, балки уларнинг оила аъзолари коммунал-маиший талабларини қондириш учун ҳам шарт-шароитларни яратишда қатнашади.

Қишлоқ хўжалигига ижтимоий инфратузилма обьектларига коммунал уй-жой хўжаликлари, медицина ва мактабгача тарбия муассасалари, умумий овқатланиш ташкилотлари, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, меҳнат муҳофазаси бўйича хизмат соҳалари, спорт-соғломлаштириш ташкилотлари, ишчи-хизматчиларга хизмат кўрсатувчи транспорт, алоқа ва ахборот хизмати бўлимлари киради. Мақсадли йўналиши, шаклланиш манбаи, худудий жойлашуви ва ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишига кўра, ижтимоий инфратузилма обьектлари ва хизмат соҳаларини 2 гурухга бўлиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ҳар бир тармоғидаги нуқсонлар бартараф этилиши учун зарурӣ ҳолатларда капитал қўйилмаларни жалб этиш керак. Мавжуд ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларини ривожлантириш давр талабидир. Инфратузилманинг ҳар бир тармоғида, у агросервис тармоқлари бўладими ёки тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришдаги хизмат кўрсатувчи тармоқлар бўладими, бундан қатъи назар, ҳар бир соҳа обьектларини энг самарали ва жаҳон талабларига жавоб берадиган техник жиҳозлар билан таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидандир. Бу муаммоларни ўз вақтида ечиш, биринчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантирса, иккинчидан, аҳолининг озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларга бўлган талабини тўла қондириш имкони яратилади.



4-чизма. Ижтимоий инфратузилманинг туркумланиши

Биринчи грухга корхоналар ҳисобидан барпо этилган, хўжалик бўлимларида жойлашган ва меҳнат шароитлари, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш жараёнида ишчиларнинг ҳордик олиши, шарт-шароитларини яхшилашга қаратилган обьектлар тегишилдири. Бу грух таркибига бригадалар ва чорвачилик фермаларида майший иншоотлар, бўлимлардаги умумий овқатланиш пунктлари (буфетлар, ошхоналар, тамаддихоналар), соғлиқни сақлаш, маданият ва ҳордик обьектлари (профилакторийлар, врач кабинетлари, ўқув заллари ва бошқалар), ёнғинга қарши пунктлар киради. Улар чорвачилик мажмуаларида, фермаларида, устахоналарда, трактор бригадаларида, дала станцияларида жойлаштирилади.

Иккинчи грухга қишлоқ хўжалиги корхоналарининг аҳоли пунктларида жойлашган, аҳолининг коммунал уй-жой талабларини қондириш учун мўлжалланган ва қоида бўйича давлат ресурслари, катта корхоналар ва агросаноат уюшмаларининг маҳсус воситалари ҳисобига ташкил этилган ижтимоий инфратузилма обьектлари, майший хизмат

корхоналари, соғлиқни сақлаш, спорт, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари, маданият уйлари ва клублар, савдо корхоналари таалуклидир.

Ижтимоий инфратузилманинг ушбу объектлари қишлоқ жойларидағи аҳолининг, меҳнат соҳаси ва ижтимоий аҳволидан қатын назар, ҳаммасига хизмат кўрсатишга йўналтирилган.

3-мавзу: Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги алоқаларнинг ва ҳуқуқий ва иқтисодий шароитлари

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг таҳлили
2. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожланишининг табиий ва иқтисодий шароитлари
3. Корхоналарда меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: таққослаш усули, ишлаб чиқариш имкониятлари, иқтисодий кўрсаткичлар, статистик гурухлаш, тармоқларни жойлаштириш, ихтисослашиш, меҳнатни бошқариш, АСМ ни бошқариш тизими.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ва табиий омилларнинг ишлаб чиқариш жараёнига кўрастаётган ижобий ва салбий оқибатларини тушунтириш.
2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини ташкил этиш ва бошқаришнинг талаб қилинаётган усулини ёритиш.

1-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг таҳлили хақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Қишлоқ хўжалиги фаолиятини ўрганиш усулларини тушунтириб бера олади.

1.2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таҳлил қила олади.

1 – савол баёни: Қишлоқ хўжалиги фаолиятини ўрганишда унинг асоси қилиб олинган услугга кўра, таққослаш, текшириш, маълумотларни ишлаб чиқиши ва ҳоказоларнинг маҳсус усулларидан фойдаланилади. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш - моливий фаолиятларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиши жараёнида қўлланиладиган асосий вазифалар куйидагилардир: таққослаш, статистик гурухлаш, ўртача ва нисбий кўрсаткичлар, занжирли боғланиш усуллари, математик усулларни қўллаш ва ҳоказолар.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини юқорида қайд этилган усуллар ёрдамида ўрганиш хўжаликдаги фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш, уларни ишлаб чиқариш жорий этиш, иш фаолияти самарадорлигини ошириш имконини яратади. Бундан энг кўп қўлланиладиган усуллардан бири

таққослашылардан. Бу усулда бир неча иқтисодий күрсаткыштардан фойдаланылади. Жумладан:

- ҳисобот күрсаткышлари режада келтирилген маълумотлар билан таққосланади;
- ҳисобот йилида эришилган натижалар күрсаткичи бу борадаги ижронинг ўтган йилги маълумотлари билан солиштирилади;
- ишлаб чиқариш йўналишида бир неча йил давомида ўзгаришлар динамикаси аниқланади;
- қишлоқ хўжалиги бўлинмаларининг ишлаб чиқариш натижалари туман, вилоят ва республика бўйича эришилган күрсаткышлар ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликлари иш натижалари билан солиштирилади. Бу орқали ишлаб чиқариш имкониятларини аниқлаш ва уларни жорий этиш чораларини белгилаш имконияти аёнлашади.

Таққослаш усули ёрдамида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ўзаро узвий боғлик кўп кўрсаткышлар бир-бирига солиштирилади. Хусусан, ҳар гектар қишлоқ хўжалиги ери ҳисобига қанчадан даромад олиш, ҳар 100га ер ҳисобига чорва маҳсулотлари етиштириш, меҳнат унумдорлигини, маҳсулот таннархини, маҳсулот сотиши, қишлоқ хўжалигига товар маҳсулотлари ҳажми ўсишини, хўжаликларининг даромадлари ва уларнинг тақсимланиши, техникадан фойдаланиш, меҳнат, ем-хашак балансини, хўжалик иқтисодиётининг ривожланиши ва бошқа кўрсаткышларни таққослаш мумкин.

Ҳар бир таққослаш ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, корхоналарнинг ишлаб чиқариш кўрсаткышларини яхшилаш йўналиши учун зарур муаммоларни топишга имкон беради.

Айни таққослаш усулида фойдаланишда таққослаш учун солиштириш мумкин бўлган кўрсаткышлардан фойдаланиш керак. Масалан, бир неча йил давомида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмидаги ўзгаришларни белгилаш учун ҳақиқий сотиш нархларини олиш керак эмас, балки бир бирликка келтирилган нархларда таққослаш зарур.

Гурухларга ажратилган услугуб гурухлаш маълумотларини маълум белгиларга кўра, гурухларга бўлиш, демакдир. У статистик текширишнинг муҳим усули ҳисобланади. Унинг ёрдамида хўжалик тармоқлари, ҳосилдорлик, маҳсулот ҳажми, чорва моллари, маҳсулдорлиги ва бошқалар аниқланади.

Иқтисодий кўрсаткышлар сифат жиҳатдан бир хил бўлган гурухларга бўлинади. Кўрсаткышлар ўртасида бир-бирига боғланишлар борлиги, ўрганилаётган ҳодисаларнинг энг муҳими қайси бири эканлиги аниқланади. Ҳар хил омилларнинг ишлаб чиқариш натижаларига қай даражада, қандай таъсир қилиши белгиланади.

Статистик гурухлаш услуби қишлоқ хўжалигини ривожлантириш имкониятларини аниқлаб беришнинг муҳим воситасидир. Унинг ёрдамида сифати бир хил бўлган кўрсаткышлар бир гурухга бирлаштирилади. Масалан, пахтачилик ишлаб чиқариш гурухлари ҳосилдорлик кўрсаткичига қараб

гурухларга ажратилади. Гурухлар кўрсаткичига қараб, бригадаларда юқори ёки паст ҳосил омилларини аниқлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятига тўғри баҳо бериш ва тармоқни такомиллаштиришга оид тадбирларни ишлаб чиқиш, маблағлардан самарали фойдаланишни йўлга қўйишда таҳлил ишларининг аҳамияти катта.

Таҳлилни тўғри уюштириш учун таҳлил режасини ишлаб, мавжуд маълумотларни ўрганиш, олдиндан текшириш зарур.

Корхоналарда эса таҳлил ишларини ташкил этишини режа тузиш билан якунлаб бўлмайди. Пухта тузилган режа ҳам имкониятлардан фойдаланиш ва ишчиларни режа бажарилишига йўллашни аниқлайдиган ташкилотчилик ишлари режа (бажарилишига) билан боғланмаса, мўлжалланган натижани бермайди. Шу сабабли, унинг бажарилиши назорат қилиб турилади. Назорат хўжалик иқтисодиётини ривожлантиришда имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ёрдам беради. Статистика соҳаси ходимлари ҳам иқтисодий таҳлил билан шуғулланади. Улар қабул қилинган хисобот маълумотларини статистика усуллари билан қайта ишлаб, вазирликлар, бошқармалар ва корхоналарни йиғма ахборот маълумотлари билан таъминлайди. Комплекс таҳлилда корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолияти чукур ва ҳар томонлама ўрганилади. Унинг натижаси билан хўжалик фаолиятига иқтисодий баҳо берилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида таҳлил қилиш ишларини ташкил этишнинг асосий шакли иқтисодий таҳлил билан шуғулланувчи иқтисодий кенгашдир. Унинг асосий вазифаси хўжалик ва ишлаб чиқариш бўлинмаларининг маълум давр ичидаги иш натижаларини ҳар томонлама ўрганиш, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг жорий истиқболли режаларини ишлаб чиқишида қатнашиш, имкониятларни аниқлаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлларини белгилашдан иборат.

2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожланишининг табиий ва иқтисодий шароитлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Қишлоқ хўжалиги иқтисодий шароитини тушунтира олади.
- 2.2. Қишлоқ хўжалиги тармоқларининг табиий шароитларини таҳлил қила олади.

2 – савол баёни: Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий шароити таҳлил этилаётганида унинг жойлашган ери, туман ва вилоят марказига, темир йўл станциясига, маҳсулот топшириладиган ва сотадиган омборга яқин-узоқлиги эътиборга олинади. Ер-сув, меҳнат ва моддий-техника ресурслари, тураржой, маданий-маиший бинолар билан таъминланганлиги, уларнинг газлаштирилганлик ва телефонллаштирилганлик даражаси ўрганилади. Чунки айни шу омиллар кўп ва арzon қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш имконини беради; шаҳар аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга, жамоа, давлат, ширкат хўжаликларида сутчилик, мевачилик, узумчилик ва сабзавот етиштириш тармоқларини ривожлантиришга шароит яратади.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштиришда юк ташиш шароитлари ҳам ҳисобга олиниши керак. Улов воситалари талаб доирасида бўлмаса, сут, сабзавот, картошка ва сифати тез бузиладиган бошка маҳсулотларни ўз вақтида манзилга етказиб бериш ва сотиш қийинлашади. Маҳсулот сифати бузилиши натижасида корхона иқтисодий зарар кўради.

Ҳар бир корхона эгаси корхонасининг иқтисодий фаолияти ривожини таъминлаш учун ишловчиларни танлаб олиш орқали уларнинг ҳар бирига бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб беради, ўз навбатида, бажарилган ишни қабул қилиш тадбиркор зиммасига тушади.

Бозор муносабатларини шакллантириш шароитида меҳнат унумдорлиги юқори бўлишини таъминлаш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг мухим шартларидан биридир. Бусиз тармоқда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга, таннархини арzonлаштиришга эришиб бўлмайди. Меҳнат унумдорлигини ошириш учун, аввало, ички хўжалик ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш лозим. Ўз харажатларини ўзи қоплаш бирламчи ишлаб чиқариш бўлимлари даражасида амалга оширилиши зарур.

Кейинги йилларда, соҳада меҳнат интизомини мустаҳкамлаш эвазига меҳнатни турлича ташкил этиш, иш вақтини беҳуда сарфламаслик, режалаштиришни такомиллаштириш, малака ошириш каби, умуман, меҳнат ва ишлаб чиқаришга ижобий таъсир қилувчи кўплаб самарали шакл ва услублар юзага келди. Меҳнатни самарали ташкил қилишга, табиийки, техника ва технологик жараёнларни такомиллаштирумасдан туриб эриша олмаймиз. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга фақат меҳнатни ташкил қилишни илмий ва амалий натижалар асосида такомиллаштириш эвазига эришамиз, дейдиган олим ва амалиётчилар фикрига тўла қўшиламиз.

Ижара фақат маълум мулкнинг субъектлари орасида хўжалик вазифаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш имконини берибина қолмай, балки уларнинг иқтисодий эркинлиги ва ўзаро боғлиқлигини таъминлади.

Бугун ривожланган мамлакатлар, жумладан, Хитой тажрибаси шуни кўрсатаяпти, аҳолининг 80 %дан кўпроғини дехқонлар ташкил қиласидиган хитойдек катта давлатда ҳалқнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш анча меҳнат талаб қиласиди. Шунинг учун ҳам, дастлаб ерлар ҳар бир оиласига унинг жон сони ёки ишчи кучига қараб (пудратга) берилди. Дехқончилик солиги сифатида давлатга маълум миқдорда маҳсулот топширилгандан ташқари, давлат у белгилаган баҳо бўйича муайян миқдорда деқончилик маҳсулотини сотиб олиш вазифасини ҳам белгилади, қолган маҳсулотни истаган ерда, истаган субъектга, истаган нарҳда сотиш дехқоннинг ихтиёрида қолдирилди.

Ерларнинг ижарага берилиши, ҳосилнинг дехқон ихтиёрида бўлиши ва уни хоҳлаган жойда сотиш эркинлиги, бўш ва ташландиқ ерларни ўзлаштирганлардан солиқ олмаслик ёки уларга кам солиқ солиш, фоизсиз кредит бериш, маблағ билан таъминлаш каби эътиборли сиёсат ишбилиармон дехқонлар учун ташландиқ ерлар, тоғ бағри, адирлар ва жарликлардаги бўш ерларни ўзлаштириш имконини яратди. Улар янги ўзлаштирилган ерларга турли зироатлар (донли ва бошка) экишди, боғлар барпо қилишди, кейинчалик ўз хомашёларини ўзлари қайта ишлайдиган бўлишди, шароит

талағында күра, бўрдоқиличилк билан шуғулланишди, хунармандлар шогирд тайёрлашди, хунармандлик дўконлари очилди, бозорлар барпо қилинди.

Ўзбекистон илғор мамлакатлар қаторига кириши учун ишлаб чиқариш, хусусан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг инфратузилмасини замонавий саноат асосига қуриб, қайта ишлаш саноатини шакллантириши лозим. Қишлоқда саноатлашган меҳнат кўринишига ўтиб, фақат дәхқончилик билан боғланиб қолмаслиқ, қишлоқ ижтимоий-сиёсий ривожланишининг муҳим шарти эканлиги англаб етилмоқда, меҳнат соҳаларига, қишлоқ ижтимоий муаммоларини ҳал этишга нисбатан янгича қарашлар шаклана бошлади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги даражасининг юқори эмаслиги ижтимоий тараққиётга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бозор муносабатлари шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги миграция жараёнига ҳам таъсир кўрсатади, чунки қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳасининг кам ривожланганлиги кўпгина кишиларни, хусусан, ёшларни иш ахтариб шаҳарга келиши ёки ишлаб қолишларига сабаб бўлиши мумкин. Иш билан таъминлаш соҳасида шаҳар маълум устунликка эга, имкониятлари кўпроқ.

3 - савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда корхоналарда меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатни ташкил этишни тушунтира олади.

3.2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатни бошқаришни тушунтира қила олади.

4 – савол баёни: Корхоналарда меҳнатни ташкил этишда ўта муҳим ишларни малакали мутахассислар, иккинчи даражали юмушларни ўта малакали ишловчиларга топшириш, корхона ишловчилари орасидан ниҳоятда иқтидорлиларини танлаб олиб, келажакда амалга ошириладиган янги фаолиятлар учун тайёрлаш зарурат ҳисобланади. Ишловчиларга уларнинг фаолияти характеристи, қобилиятини ҳисобга олиб, иш участкаларини тақсимлаш лозим.

Меҳнатни бошқаришда кичик корхоналарнинг ниҳоятда қулайлиги, жамоа аъзолари бир-бирининг малака даражасидан яхши хабардорлиги, ишловчилар меҳнатидан корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириб борища фойдаланиш айни муддао ҳисобланади. Ишловчига вазифа берилиши ва ўз навбатида, ундан тўлиқ бажарилган ишни қабул қилиш, шунга қараб меҳнатга ҳақ тўлаш зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда меҳнат жамоасини назорат қилиш, улар меҳнатининг унумдорлигини техника ёрдамида ошириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Шунингдек, бозор талабидан келиб чиқсан ҳолда янги мутахассисликлар юзага келади, эски мутахассисликларга эса улар – маънавий жиҳатдан ҳаётдан орқада қолганлиги туфайли талаб камайиб боради, замонавий техника, технология тараққиёти ишлаб чиқариш

корхоналаридан ишловчиларни янги соҳаларни эгаллашга ҳар томонлама сафарбар этади.

Корхоналарни бошқариш ўзига хос муҳим хусусиятларга эга бўлиб, аслида ишлаб чиқаришга ташкилотчилик қобилияти бўлгандарни, юқори меҳнат унумдорлиги асосида ишлашга сафарбар қила оладигандарни корхонада раҳбарлик лавозимига қўйиш яхши натижалар беради. Бу корхоналарда меҳнат жараёнини тўғри ташкил этиш, аввало, корхонанинг нормал фаолият кўрсатиши учун қанча миқдорда меҳнат сарфлаш талаб қилишини билиш керак. Бунинг учун у ёки бу ишни бажаришга ҳар бир ишчи сарфлайдиган меҳнат миқдорини аниқлаб олиш лозим. Бу ўз-ўзидан корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ҳам, ишловчиларга меҳнат нормаларини белгилашга ҳам эътиборни кучайтиришни тақозо этади.

Агросаноат мажмуини бошқаришнинг замонавий усулларидан (тизимли ва вазиятли бошқарув) фойдаланиб, узоқни кўра билиш ва хавф-хатарнинг олдини олиш дастурларини ишлаб чиқишига йўналтирилган бошқариш аҳамияти ошиб бормоқда. Моддий, молия ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида бошқаришнинг барча босқичларида индекатив режалаштириш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу усул истиқболни аниқлаш, турли мақсадларга мўжалланган ҳар хил дастурларни ишлаб чиқиши, агросаноат мажмуи корхоналарининг маркетингга мўлжалланган фаолиятини аниқлашга ёрдам беради.

Хавф-хатарни чукур таҳлил қилиш, бошқариш ходимлари масъулиятини ошириш ва унга мос равишда бошқариш обьекти ва субъекти ўртасидаги муносабатларга оид санкциялар ва чоралар мажмуини бошқаришнинг барча йўналишларида, хусусан, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, инновация жараёнини бошқаришда давлат бошқарув идораларининг аралашуви ёки аралашмаслиги тўғрисида аниқ ва тўла маълумотга асосланган қарорга эга бўлмоқ лозим. Агросаноат мажмуини бошқаришнинг барча босқичларида маркетинг тизимини ташкил этиш, ахборот-маслаҳат хизмати бўлимлари фаолиятини жадаллаштириш зарур.

Бошқаришнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у бевосита кишилар меҳнатини ташкил этиш ва улар фаолиятини мақсадга мувофиқ амалга оширишга йўналтирилган кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривож топиши билан раҳбар ходимлар вазифаси, масъулият даражаси ўзгариб, вазиятли ёндашишга бўлган талаб ўсиб бормоқда. Корхона эришадиган ютуқлар дастлаб унинг фаолиятига таъсир этувчи ташқи иқтисодий, илмий-техник, демографик омиллар ва ижтимоий муҳитга мослашувига боғлиқдир. Энг керакли воситаларни сотиб олишга, ресурсларни тақсимлашга оқилона ёндашиш лозим. Бунинг учун хўжалик раҳбарига тажрибали технологлар (агроном, муҳандис, зоотехник ва бошқалар) керак.

Корхона қўлга киритадиган муваффақият кўп жихатдан инсон омилига боғлиқ. Бозор иқтисоди шароитида агросаноат мажмуини бошқаришнинг ўзига хос муҳим хусусияти унинг очиқ ижтимоий тизим сифатида намоён

бўлишидадир. Бошқариш вазифалари шакли, усули ва уларни қўллаш жараёни объектив шароитга мос келмоғи ва доимо ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгаришига мослашиб бормоғи лозим. У ёки бу бошқарув тузилмасини қабул қилишда корхонанинг ташкилий тузилиши, ишлаб чиқариш ҳажми ва йириклиштириш даражаси, ўзига хос хусусиятлари, тармоқларнинг жойлашиши, ахоли пунктлари сони ва катталик даражаси, хўжалик юритиш усуллари, кадрлар малакасини ҳисобга олиш керак. Хўжаликнинг бошқарув босқичлари сони, минимал бошқариш ходимлари сони иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ, оператив бошқариш учун эса кулай бўлмоғи лозим.

Малакали ва фаол бошқарув тизимисиз агросаноаг ишлаб чиқаришини нафақат самарали бошқариш, балки унинг маҳсулотларини сотиш ва истеъмол қилиш ҳам мумкин бўлмай қолади. Агросаноат бошқаруви ходимларида бозор талабларига мос келадиган бошқариш тажрибаси ва малакаси етишмайди.

Улар ишлаб чиқариш маркетингига қаратилган бозор шароитида ишлашга ўрганмаган. Шунинг учун агросаноат мажмууни бошқаришнинг барча босқичларида мутахассис ва раҳбар ходимлар захирасини тайёрлаш ва уларни замонавий бошқариш усул ва услубларига ўргатиш, бунда ўқитишининг истиқболли технологиялари, усуллари ва самарали шаклларидан кенг миқёсда фойдаланишини ташкил этиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

4-мавзу: АСМда моддий-техника таъминотининг ташкилий ва иқтисодий омиллари

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. 1. «Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси» тушунчаси.
2. 2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника таъминотининг ташкилий ва иқтисодий омиллари.
3. 3. Қишлоқ хўжалигига лизинг муносабатлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: моддий техника базаси, энергетика ресурслари, энергия қувватлари, биологик жараёнлар, технологик карта, лизинг операциялар, молиявий лизинг, муқобил машина трактор парклари.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

- 1.1. Қишлоқ хўжалигига лизинг муносабатларининг замонавий ҳолати таҳлилини қилиш.
- 1.2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника таъминотининг иқтисодий омиллари ва уларни моддий-техника жиҳатдан ривожлантиришнининг асосий йўналишларидаги ўзгаришларни аниқлаш.

1-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда «қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси» тушунчаси ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. «Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси» тушунчаси

ёрита олади.

1.2. Қишлоқ хўжалигининг энергетика ресурсларини таҳлил қила олади.

1-савол баёни: Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси дейилганда, моддий бойлик ишлаб чиқариш шароитида бевосита банд бўлган меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари йигиндиси тушунилади. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси – фан-техника янгиликларидан кенг кўламдан фойдаланиладиган, электрлашган йирик машина ишлаб чиқаришидир. Масалан, дехқончиликнинг моддий-техника базасини тавсифласак, уни моддий асосда, техника асосида, тракторлар ва машиналарни дехқончилиқда кўплаб ишлатиш, электрлаштиришни оммавий миқёсда амалга ошириш асосидагина ҳал қилиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигининг моддий базаси таркибига ер ресурслари, тракторлар, машиналар, меҳнат қуроллари ва буюмлари; электр жиҳозлари; ёнилғи ва мойлаш материаллари, таъмир техникаси, ишлаб чиқариш бинолари, меторация ва йўл иншоотлари; алоқа воситалари; маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлар; кўп йиллик дарахтлар; уруғлик; озиқ ва ҳоказолар киради.

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базаси ҳалқ хўжалигининг бошқа соҳалари моддий-техника базасига нисбатан ўзига хос бир қатор хусусиятларга эга. Юқорида айтганимиздек, айниқса, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасида энергетика ресурслари катта роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ихтиёридаги барча двигателлар, куч берувчи механизmlар ва ишчи ҳайвонлар қуввати йигиндиси уларнинг энергетика ресурсларини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигининг энергетика ресурсларига хўжалик ихтиёридаги тракторлар, комбайнлар, пахта териш машиналари, стационар двигателлар, автомашиналар, электр генераторлар, пасайтирувчи трансформаторлар, ишчи ҳайвонлар ва бошқа турдаги механизmlар киради.

Қишлоқ хўжалигининг энергетика ресурслари доимо ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Кам қувватли ва тезлиги кам тракторлар кучли, тезюар ва иқтисодий жиҳатдан қулай тракторлар билан алмаштирилмоқда. Бунга мисол қилиб, республикамиз сотиб олаётган «Кейс» ва «Магнум» тракторларини кўрсатишимиш мумкин. Бу эса қишлоқ хўжалиги корхоналарини юқори сифатли энегия қувватлари билан таъминламоқда.

2- савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника таъминотининг ташкилий омиллари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника таъминотининг моҳиятини ёрита олади.

2.2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника таъминотининг ташкилий омилларини тушунтира олади.

2 – савол баёни: Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий таъминотининг ташкилий асослари асосан «Корхоналар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ олиб борилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника таъминотининг ташкилий омиллари қишлоқ хўжалигининг бир қатор хусусиятларига боғлиқ.

Биринчидан, хўжалик моддий-техника базасида асосий ролни ер ўйнайди. Ер – қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситасидир. Бошқа ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиши бевосита ундан фойдаланишга боғлиқ. Ер унумдорлиги ҳар хил бўлиб, маҳсулот бирлигини етиштириш учун ҳар хил микдорда харажат қилиш талаб этилади. Бу эса ҳар хил унумдорликка эга бўлган ердан бир хил микдорда ҳосил етиштириш учун ҳар хил микдорда асосий ва айланма фондларга эга бўлиш заруратини келтириб чиқаради.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси табиий шароитлар таъсирига учраб туради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш зонал характерга эга бўлиб, ҳар бир зона тупроқ-иқлим шароити ҳар хил бўлиши туфайли уларда ҳар хил тизимдаги машиналардан фойдаланишга тўғри келади. Шунинг учун зоналарда ва улар ичидаги хўжаликларда моддий-техника базаси тузилмаси ҳамда ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш даражаси ҳар хил бўлади.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигида иш даври билан ишлаб чиқариш вақти бир-бирига мос келмаслиги туфайли ишлаб чиқариш мавсумий характерга эга. Бу моддий-техника воситаларидан унумли фойдаланишга салбий таъсир этади. Хўжалик машиналардан ўсимликчилиқда йил мобайнода бир неча ой фойдаланилади. Ишлаб чиқаришнинг мавсумий бўлиши уруғлик, озик, ёқилғи ва мойлаш материаллари ва бошқа меҳнат буюмлари захирасига эга бўлиш заруратини вужудга келтиради.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши биологик жараёнлар билан чатишиб кетади, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг бир қисми жонли идораизмлардан (ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, парандалар билан ҳайвонлар, бокувга қўйилган ҳайвонлар, қўп йиллик дараҳтлар ва бошқалар) иборат. Улардан самарали фойдаланишга эришмоқ учун тегишли ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмоқ керак. Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг ўсиши жамоа хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш фондларининг ўсишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг хисоб-китобларига кўра, агросаноат мажмуи учун бугунги кунларда 6275 бирлик ҳайдов тракторлари (юқори унумдорликка айлантириб хисобланганда), шу жумладан, 2872 та "Магнум" ва "Маой Ферпосон" русумли ғилдиракли, 3403 та «Т-4А» занжирили хиллари, 39297 та ихтисослаштирилган уч ғилдиракли чопик трактори, 40840 та 4 ғилдиракли универсал-чопик трактори, 2636 та юқори унумли ғалла ва шоли комбайнлари, 2642 та пахта териш машинаси, 1850 та озуқа йиғиш комбайнлари, 15687 та турли хилдаги плуглар, 311603 та культиваторлар ва бошқа техника воситалари зарур. 2001 йилнинг 1 январь ҳолатига ҳайдов тракторларига бўлган талаб 95, чопик тракторларига - 87, ғалла комбайнларига - 98, культиваторларга - 86, трактор тиркамаларига - 75, дори пуркагичларга - 74 %га қондирилди.

Техника сонини эҳтиёж даражасига етказиш, амортизация муддатларини ўтаб бўлганларини йилма-йил янгилари билан алмаштириб бориш маҳсулот етиштирувчилар (ширкат ва фермер хўжаликлари) учун ҳам, уларга ишлаб чиқариш ва техника хизмати кўрсатувчи сервис корхоналари (машинасозлик заводлари, давлат ва муқобил машина-трактор парклари) учун ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Зоро, машина саройлари технологик карталарда кўрсатилган миқдордаги ва турдаги техника воситаларига эга бўлган тақдирдагина барча агротехник талаблар ўз муддатларида сифатли бажарилади, хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаштириш даражасининг ўсиши таъминланади.

Техника сонини эҳтиёж даражасига етказиш, амортизация муддатларини ўтаб бўлганларини йилма-йил янгилари билан алмаштириб бориш маҳсулот етиштирувчилар (ширкат ва фермер хўжаликлари) учун ҳам, уларга ишлаб чиқариш ва техника хизмати кўрсатувчи сервис корхоналари (машинасозлик заводлари, давлат ва муқобил машина-трактор парклари) учун ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Зоро, машина саройлари технологик карталарда кўрсатилган миқдордаги ва турдаги техника воситаларига эга бўлган тақдирдагина барча агротехник талаблар ўз муддатларида сифатли бажарилади, хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаштириш даражасининг ўсиши таъминланади.

3-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда қишлоқ хўжалигида лизинг муносабатлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 3.1. Лизинг тушунчасини тушунтира олади.
- 3.2. Қишлоқ хўжалигида лизинг муносабатларини шаклланишини ёрита олади.

3 – савол баёни: Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги "Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги П1 424-сонли қарорининг қабул қилиниши айни мудда бўлди. Дарҳақиқат, мазкур ҳужжатга асосан вазирлик мақомидаги "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси ташкил этилди, унинг тузилмаси тасдиқланди, энг муҳими, 2001-2007 йиллар мобайнида, тажриба тариқасида "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компанияси заводлари ва қўшма корхонлари томонидан ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги машиналарини (биринчи навбатда тракторлар ва ўрим-ийфим техникасини) машина-трактор паркларига, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар)га ва фермер хўжаликларига 7 йил муддатга лизингга беришнинг ташкилий, иқтисодий ҳамда техниковий механизмлари аниқ ва равshan белгилаб қўйилди.

Лизинг операцияларда "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси (лизинг берувчи), ТТП вилоят ҳудудий бирлашмалари, муқобил машина-трактор парклари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар), фермер хўжаликлари (лизингга олувчилар), қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводлари ва қўшма корхоналари (техника воситаларини ишлаб чиқарувчилар) билан бир қаторда Молия вазирлиги хузуридаги қишлоқ

хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-куватлаш жамғармаси, "Пахтабанк" ва "Ўзагросуғурта" компанияси фаолият кўрсатмоқда.

Лизинг компаниясига: республикада қишлоқ хўжалиги техникаси лизинг сиёсатини олиб бориш ва уни такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқиш; ўзининг минтақавий филиаллари орқали ижарачилар (машина-трактор парклари худудий бирлашмаси, муқобил машина-трактор парки, ширкат хўжалиги, фермер хўжалиги) билан лизинг шартномаларини тузиш; Молия вазирлиги хузуридаги маҳсус жамғарма маблағларига бўлган ўз эҳтиёжини аниқлаш; жамғарма билан молиявий ресурслар ажратиш, "Пахтабанк" билан молия агенти вазифаларини, "Ўзагросуғурта" компанияси билан эса суғурта агенти вазифаларини бажариш юзасидан тегишли шартномаларни тузиш; жамғарманинг кафолат хатлари асосида зарур техника воситаларини ишлаб чиқариш юзасидан машинасозлик корхоналарига буюртмалар бериш ва уларни етказиб беришга доир шартномаларни тузиш; ижарачилар томонидан шартномаларга илова қилинган лизинг тўловлари жадваллари асосида бундай тўловлар ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш; «Пахтабанк» даги операция ҳисоб рақамидан машинасозлик корхонасига навбатдаги чорак учун жойлаштирилган буюртма умумий ҳажминнинг 30 %и миқдорида аванс пулини тўлаш; ижарачиларга техникани суғурта полиси мавжуд бўлганда гина бериш; техника воситасини ижарачи томонидан олиб кетилгани тасдиқлангандан кейин машинасозлик корхонасига қолган 70 фонз маблағни ўтказиб, узилкесил ҳисоб-китоб қилиш.

"ПАХТАБАНК"ка:

(Лизинг компаниясининг молиявий агенти)

Лизинг компаниясининг барча ҳисоб-китобларига молиявий хизмат кўрсатиш; ижарачилар билан тузилган лизинг шартномалари ва машинасозлик корхоналари билан техника воситаларини етказиб беришга доир тузилган шартномалар бўйича белгиланган тўловлар ва ўзаро молиявий мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан назорат ўрнатиш; ижарачи томонидан лизинг тўловлари олдиндан тузилган жадвал асосида амалга оширилмаганда унинг ҳисоб рақамига сўзсиз бажарилиши лозим бўлган тўлов талабларини қўйиш ва ундирилган пул маблағларини операция ҳисоб рақамига ўтказиш.

Лизингга олувчиilar (ижарачилар)га: лизинг бўйича етказиб бериладиган техника воситаларига бўлган ўз эҳтиёжларини аниқлаш ва улар асосида тузилган буюртмаларни Лизинг компаниясининг минтақавий филиалларига топшириш; техника воситаси қийматининг 15 %ини ўз маблағлари ҳисобидан Лизинг компаниясига аванс тариқасида тўлаш; лизингга олинадиган техникани ўз маблағлари ҳисобидан суғурталаш; техника қийматининг қолган 85 %ини ва лизинг бўйича %ларни 7 йил мобайнида тўлаш юзасидан лизинг шартномаларини тузиш; жадвалда белгилаб қўйилган лизинг тўловларини ўз вақтида амалга ошириш; лизингга

олинган машина ва механизмларни техник талабларга риоя қилган ҳолда ишлатиш ва уларни бузилишдан сақлаш.

5-мавзу: Электр энергиясидан фойдаланишни ташкил қилиш

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Электрлаштириш – техник тараққиётнинг муҳим йўналиши сифатида.
2. Ишлаб чиқариш жараёнини электрлаштириш.
3. Электр энергиясидан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: табиий монополия, электр энергияси билан таъминланганлик, электр узатиш тармоқлари, электр тарқатувчи обьектлар, электрлаштиришнинг самарадорлиги, эксплуатация харажатлари, электр энергиясига талаб, трансформаторнинг қуввати.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

- 1.1. Кишлоқ хўжалигини электрлаштириш якуний натижага таъсирини кўрсатиш.
- 1.2. Электрлаштиришнинг ижтимоий ва иқтисодий шароитларга таъсирини изоҳлаш.

1-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда электрлаштириш – техник тараққиётнинг муҳим йўналиши ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Кишлоқ хўжалигини электрлаштиришнинг моҳиятини ёрита олади.

1 – савол баёни: Халқ хўжалигининг барча тармоқларида иқтисодий ислоҳотлар давом этмоқда. Кўпгина тармоқлар давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусий мулк шаклига ўтмоқда. Бу борада қишлоқ хўжалигида ҳам бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Кишлоқ хўжалигида этиштирилаётган ялпи маҳсулотнинг 97 %и нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келмоқда. Кишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим натижадир.

Кишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфратузилмалари обьектларида бир қанча йирик тармоқлар давлат тасарруфифа қолган бўлиб, булар қаторига электр узатиш, йўл хўжалиги, асосий транспорт хўжалиги ва бошқа шу каби тармоқлар киради. Бу тармоқлар ривожланган давлатлардаги каби давлат тасарруфифа бўлиб келгана шундай бўлиб қолиши керак. Чунки бозор муносабатлари шароитида бундай йирик тармоқлар саноқлигина бўлгани учун улар хусусийлаштирилса, йирик монополистлар пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларидағи каби қишлоқ хўжалигида ҳам электр энергияси билан таъминланганлик ва ундан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Кишлоқ хўжалигида электр энергияси асосан ёритиш, иситиш, яъни иссиқхоналар, сув қўтариб берувчи насос станцияларни электрлаштириш, стационар ва кўчма суғориш агрегатларини электрлаштириш, инкубаторияларда ҳамда чорвачилик фермаларида микроикклим ҳосил қилиш ва бошқалар учун ишлатилади.

Қишлоқ хўжалигини электрлаштиришнинг самарадорлигини аниқлаш учун бошланғич кўрсаткичлар қуидагилар ҳисобланади:

- ер майдони ва шудгор қилинган ерларда: натурал ва пул ҳисобида экинлар бўйича дехқончилик маҳсулотлари етиштириш;
- ҳайвонлар тури бўйича уларнинг сони натурал ва пул ҳисобида чорвачилик маҳсулотларини етиштириш;
- соҳалар ва жараёнлар бўйича электр двигателлари, электр аппаратлари, қурилмалар сони ва қуввати, электрлаштириш воситалари (подстанциялар, электр узатиш тармоқлари, механизмлар)нинг қиймати, бутун хўжалик соҳалари бўйича йиллик истеъмол қилинадиган энергия, 1 кВт қувватнинг қиймати, хизмат кўрсатувчи ходимлар сони, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун электрлаштиришгача ва электрлаштирилгандан кейинги меҳнат сарфи, хўжаликларнинг электр билан таъминланганлиги ишлаб чиқариш жараёнларини электрлаштириш имкониятларини характерлайди.

Электр узатиш тармоқлари ва тарқатувчи ҳамда ишлаб чиқарувчи обьектлар қурилиши қанчалик мустаҳкам ва кафолатли даражада бўлса, нафақат қишлоқ хўжалиги, балки, халқ хўжалигининг барча соҳалари самарали фаолият кўрсатиши таъминланади. Бу тармоқнинг қишлоқ хўжалигидаги ўрни жуда муҳимлиги шундаки, у биринчидан, экинларни суғориш билан боғлиқ бўлган жараёнларда сув кўтариш қурилмалари узлуксиз ишлаши, иккинчидан, етиштирилган айрим маҳсулот турларини омборхоналар ва совутгичларда бузилмасдан сақланишини таъминлайди. Бундан ташқари, электр узатиш тармоғи чорвачилик соҳаси ёки паррандачилик тармоқларида электр энергиясидан фойдаланиш жараёнида етиштириладиган маҳсулот сифати ва микдорини оширишда ўз таъсирини кўрсатади.

Энергетика ресурслари таркибида электр энергияси асосий ўринни эгаллайди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнини электрлаштириш корхоналарнинг хўжалик фаолияти кескин ривожланишига олиб келади. Қишлоқ хўжалигида 1 киловат-соат электр энергияси ёрдамида 120кг. донни янчиш, 38 бош сигирни соғиш, 15 бош қўйнинг жунини олиш, 2,3 тонна илдизмевани қирқиши, 88 кг. нонни ёпиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тўла электрлаштириш меҳнат унумдорлигини оширади, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради.

Электр станцияларини қуриш электр энергияси билан таъминлаш харажатларини қоплаш муддатини қисқартиради, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилайди. Қишлоқ хўжалигини электр энергияси билан тўла таъминлаш етиштирилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилайди ва иш кучига бўлган талабни камайтиради.

/аллачиликда электр энергиясидан фойдаланиш меҳнат унумдорлигин 3-4 марта оширади. /аллани тозалашда «ОС-1», «ОС-3», «ОБ-10» маркали ғалла тозалаш механизмларидан фойдаланиш меҳнат сарфини 20-25 %, маҳсулот

таннархини эса 15-35 % камайтиради. /аллани қуритишда меҳнат сарфи 30-40 % га, таннархи эса 20-35 %га камаяди.

2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда ишлаб чиқариш жараёнини электрлаштириш ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнини электрлаштиришни ёрита олади.

2-савол баёни: Дехқончиликда электр энергиясидан фойдаланиш экинларни суғориш ишларини механизациялаш имконини яратиб, меҳнат харажатларини 10-20% га, эксплуатация харажатларини эса 10% га камайтиради. Исссиқхонани иситиш, ёритиш, сув насосларини ишга солиш ишларида электр энергиясидан фойдаланиш факат меҳнат сарфини камайтирибгина қолмай, балки ҳар га экин майдонидан олинадиган хосилни ҳам оширади. Ҳар бир сўмлик электр энергияси ҳисобига 100-150 сўмлик маҳсулот яратилади.

Чорвачиликда электр энергиясидан фойдаланиш меҳнат сарфини кескин камайтиришга олиб келади. Электр энергиясидан фойдаланиш фермадаги бир қатор ишлар, шу жумладан, сув билан таъминлаш, озиқларни ҳайвонларга бериш, сигирларни соғиш, юкларни ташиш, кўй жунларини қирқиши, сутга дастлабки ишлов бериш, инкубация ва ҳоказо ишларни механизациялар ёрдамида бажариш имконини беради.

Суғориш ишларини автоматлаштириш чорва моллари маҳсулдорлигини 10-15 % га оширади, олинадиган маҳсулот сифатини яхшилади. Ем-хашакни молга бериш олдидан таёrlаш ишларида электр энергиясидан фойдаланиш меҳнат сарфини 75-90 % га камайтиради, озиқ сифатини яхшилади, унинг нишхўрдга чиқишини кескин камайтиради. Чорва молларини соғишини электрлаштириш катта аҳамиятга эга. Сигир соғиш аппаратлари ёрдамида соғилганда меҳнат сарфигина тежалиб қолмай, балки соғувчиларнинг меҳнати ҳам енгиллашади. 1 ц. сут қўлда соғилганда 4,4 киши-соат сарфлангани ҳолда, соғиш аппарати ёрдамида соғилганда 2,5 киши-соат, соғиши залида соғилганда эса 1,8 киши-соат сарфланади. Чорвачиликда электр энергиясидан фойдаланиш сут соғиб олиш меҳнатини тежабгина қолмай, балки соғиладиган сутнинг тозалик даражасини ҳам оширади.

Кўй жунини механизмлар билан қирқиши меҳнат унумдорлигини 3-4 баробар оширади. Қирқиб олинган жун сифати ҳам анча юқори бўлади.

Паррандачилик фермаларини тунда электр энергияси билан ёритиш натижасида товуқ ва ўрдаклардан олинадиган тухум 25-30 %га кўпаяди. Электр энергиясидан хўжаликда ёрдамчи тармоқларда, жумладан, устахона, тегирмон, ёғоч арралаш ва ҳоказо ишларда фойдаланиш катта иқтисодий самара беради.

3-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда электр энергиясидан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1. Қишлоқ хўжалигида электр энергиясидан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини ёрита олади.

3-савол баёни: Илмий-текшириш институтларининг маълумотларига кўра, қишлоқ хўжалигида фойдаланилган ҳар бир миллиард квт/соат электр энергия йилига меҳнатга яроқли 700 минг кишининг меҳнатини тежаб, маҳсулот етиштириш учун сарфланадиган харажатларни 2 млн. сўмга камайтиради.

Электр энергиясидан фойдаланиш қишлоқ аҳолисини моддий ва маданий фаровонлигини оширишда, қишлоқ маданиятини шаҳар маданиятига яқинлаштиришда катта роль ўйнайди.

1980 йилда қишлоқ хўжалигида бир ходим ҳисобига тўғри келадиган электр энергияси 2520 квт/соат ни ташкил этди. 1990 йилга келиб, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган электр энергияси 210-235 млрд квт/соатга етди.

Қишлоқ хўжалигида электр энергиясидан самарали фойдаланиш қўйидаги кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади: меҳнат унумдорлиги, маҳсулот таннархи, 1 киши-соатга тўғри келадиган соф даромад, 1 сўмлик ишлаб чиқариш сарфига олинган даромад, рентабеллик даражаси, кўшимча сарфланган капитал маблағнинг қайтиш муддати.

Электр энергиясидан фойдаланиш фақат меҳнат унумдорлигини ошириб, маҳсулот таннархини камайтирибгина қолмай, балки ижтимоий, иқтисодий ва ишлаб чиқариш шароитлари ҳам яхшиланиши олиб келади.

Хўжаликнинг электр энергиясига бўлган йиллик талабни аниқлаш учун аввал тармоқлар бўйича талаб аниқланади.

Ҳисоблаш икки йўл билан амалга оширилади:

1. Ҳар бир квадрат метрни ёритишга, ҳар бир электр двигателига, ҳар бир иситкич прибор ёки электр қувватини барча тармоқлар бўйича ҳисоблаб, бир бирига қўшиш йўли билан аниқланади. Бундай ҳисоблаш анча мураккаб бўлиб қўп вақт талаб этади. Бириқ ҳисоб аниқ бўлади.

2. Умумлаштирилган ҳолда: бир хонадонга, 1 т. Маҳсулот етиштиришга ёки қайта ишлашга, чорва молларини бир бошига, устахоналарда 1 та трактор ёки машинани ремонт қилишга ва ҳоказолар бир йилда ўртача қанча электр энергия талаб қилинишини аниқланади.

Ҳисоблашни формула шаклида қўйидагича ёзиш мумкин:

$$P_{\text{и}} = P_1 + P_2 + P_3 + P_4$$

$P_{\text{и}}$ – хўжалик бўйича электр энергиясига талаб (кВт);

P_1 – деҳқончилик;

P_2 - чорвачилик;

P_3 - устахоналар;

P_4 – хонадонлар бўйича талаб.

Хўжаликдаги барча чироқлар, электр ускуналар ва двигателлар бир вақтда ишлайди. Шу нинг учун $P_{\text{и}}$ ни талаб коэффицентига (K_c) кўпайтириб ҳақиқий талаб аниқланади.

$$P = P_i * K_c$$

Хақиқийга талабга хўжалик ичидаги электр тармоқларида электр токини йўқолишини қўшсак, хўжалик бўйича қанча қувватга эга бўлган трансформатор ўрнатиш кераклигини аниқлаймиз.

Хўжалик бўйича ёки хўжаликнинг бирон участкасига қандай трансформатор ўрнатиш кераклигини қўйидагича аниқланади:

$$P_{tr} = (P_i * P_j) * K_c K_{vt}$$

P_{tr} – трансформатор қуввати;
 P_i – белгиланган норма бўйича талаб;
 P_j – тармоқда токнинг йўқолиши;
 K_c – талаб коэффиценти.

6-мавзу: АСМда транспорт хизматини ташкил қилиш

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. АСМда транспортнинг аҳамияти
2. АСМда транспортдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари
3. Транспортдан фойдаланишни ташкил қилиш

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: моддий ишлаб чиқариш соҳалари, транспорт воситалари транспортдан фойдаланиш хусусиятлари, юк ташаш масофаси, марказлаштирилган таърифлар, тарспортдан воситаларидан унумли фойдаланиш, юк кўтариш коэффициенти.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

- 1.1. АСМда транспорт хизматининг маҳсулот қийматидаги улушкини ўзгартириш.
- 1.2. АСМ соҳаларидаги транспортнинг ўрнини аниқлаш.

1 - савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда АСМда транспортнинг аҳамияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. АСМда транспортнинг аҳамияти ёрита олади.

1-савол баёни: Моддий ишлаб чиқариш тўрт соҳадан: қазиб оловчи; ишлаб берувчи; саноат; дехқончилик ва транспортдан ташкил топган. Транспортнинг бошқа ишлаб чиқарувчи соҳалардан фарқи шундаки, у янги маҳсулот яратмайди, балки ишлаб чиқарилган моддий бойликни истеъмолга етказади.

Транспорт ёрдамида соҳалар, соҳа ичидаги тармоқлар, тармоқ ичидаги корхоналар бир-бири билан боғланиб, ишлаб чиқариш жараёни маромида бориши учун барча шароитлар яратилади. Транспорт ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги алоқани таъминлайди. Иш кучи, меҳнат қуроллари ва

мөхнат буюмларини бир жойдан иккинчи жойга күчириб, жами истеъмол маҳсулоти кўламига таъсир кўрсатади.

Транспорт воситалари ёрдамида моддий бойликлар бир жойдан иккинчи жойга кўчирилиши натижасида истеъмолгача яқинлашади, истеъмол қийматининг ташкил топиши тезлашади. Транспорт воситаларининг ўзига хос хусусиятлари улардан моддий бойлик ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида кенг кўламда фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради. Транспорт воситаларидан фойдаланиш маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш учун сарфланадиган вақтни қисқартиради, мөхнат унумдорлигини оширади, маҳсулот таннархини камайтиради.

Транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш қишлоқ хўжалигида йўллар қуриш, уларнинг юк ташиш қобилиятини ошириш, таъмир ишларини муентазам равишда олиб бориш, йўл хўжалиги ихтиёридаги техникани такомиллаштириш ва улардан унумли фойдаланиш, демакдир. Кузатишлар автомобилнинг юк кўтариш қобилияти қаттиқ қопламали йўлларда қаттиқ қопламасиз йўллардагига нисбатан 25-80%, тезлиги 2-3 марта ошишини, ёнилғи сарфини эса 2 марта камайишини кўрсатади. Шунинг учун хўжаликлараро ва хўжалик ичидағи йўлларни реконструкциялаш ва ўз муддатида таъмирлаш, йўл қурилишини кенгайтириш ва қишлоқ хўжалигини янда интенсив ривожлантириш учун реал шароитлар яратади.

2 - савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда АСМда транспортдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. АСМда транспортдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини ёрита олади.

2-савол баёни: Қишлоқ хўжалигида транспорт воситаларидан фойдаланиш халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятларга қўйидагилар киради:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кенг худудда етиштирилиши туфайли уларни ташиш бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумийлиги туфайли юк ташишни йил мобайнида бир меъёрда амалга ошириб булмайди. Айрим ҳолларда катта миқдордаги юкларни қисқа вақт ичida ташиш зарурати пайдо бўлади;
- турли хил транспорт воситалари талаб этилади;
- ташиладиган юклар тури, ҳажми, хусусиятига кўра ҳар хилдир;
- юк ташиш масофаси ҳар хил бўлади;

транспорт воситалари ширкат хўжаликларига кам боради.

Қишлоқ хўжалигида транспорт воситаларидан фойдаланишнинг бу хусусиятлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархида транспорт харажатлари миқдорининг ошишига олиб келади. Ҳисоб-китобларга кўра, маҳсулот таннархида транспорт харажатлари 30-40 %ни, дон маҳсулотлари таннархида 26 %ни, маккажӯхори таннархида 15 %ни ташкил этади. Ҳозирги вақтда ширкат хўжаликларида ташиладиган юкларнинг 80%и автомобиль

транспортига, 16%и трактор транспортига ва 4 %и от-улов транспортига тўғри келади. Хўжаликларо ташиладиган юкларнинг кўпи автомобиль транспорти, хўжаликлар ичида ташиладиган юкларнинг кўп қисми эса трактор транспортлари ҳиссасига тўғри келади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳаво ва сув, темир йўл транспортидан ҳам фойдаланилмоқда.

3 - савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда транспортдан фойдаланишни ташкил қилиш ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1. АСМда транспортдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини ёрита олади.

3-савол баёни: Бозор иқтисодиёти шароитида ва соғлом рақобат мухитида, автотранспорт корхоналари ўз мижозлари, яъни юк эгалари юкларни ўз вақтида, сифатли ташилганлиги ва албатта, ташишлар ва бошқа ишлар ҳамда хизматларга белгиланган нархлардан қониқишиларини таъминлашга интилишлари лозим. Хўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик шароитида автотранспорт хизматлари учун нарх-наво (тариф)лар давлат томонидан марказлаштирилган ҳолда белгиланган ва ҳар бир автотранспорт корхонаси учун ягона ҳисобланган. Оқибатда кўпчилик корхоналар заарар билан ишлаганлар. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан автотранспорт корхоналарининг нарх-наво (тариф)ларни белгилаш тизимиға ўзгартиришлар киритиш тақозо этилмоқда. Ҳозирги кунда ҳар бир корхона ўзининг нарх-наво (тариф) сиёсатини ишлаб чиқади, чунки тарифлар доимо назорат остида бўлиши, таҳлил қилиниши керак. Зеро автотранспорт корхонаси томонидан шундай нарх-наво сиёсати қўлланилиши лозимки, у мижозларни ҳам қониқтириши, шу билан бирга, корхона фойда билан ишлашини ҳам таъминлаши лозим.

Фирмалар концепцияси назариясида нарх-наво шаклланиши мухим аҳамиятга эга. Ушбу концепциянинг асосий маъноси корхона фаолият кўрсатиши ва энг юкори фойда олишга интилишидан иборатдир. Бинобарин, ҳар бир корхонада маҳсулот баҳосини аниқлашга қаратилган маълум ишлар амалга оширилиши лозим.

Юк ташувчи автокорхоналарда ушбу ишлар, яъни юк ташиш, бошқа ишлар ва хизматларга тарифларни белгилаш мутахассис-менежерлар томонидан амалга оширилиши лозим. Нарх-наво (тариф)лар юзасидан узил-кесил қарор қабул қилишдан олдин менежерлар керакли маълумотларга эга бўлишлари зарур. Менежерларни етарли, ҳақиқий ва долзарб маълумотлар билан таъминлаш автотранспорт корхонасида бошқарув ҳисоби қай даражада йўлга қўйилганлиги билан белгиланади.

Автомобиль ташувлари, бошқа ишлар ва хизматларга тарифларни белгилаш кўп омилларни ҳисобга олувчи мураккаб жараёндир. Нарх-наво шаклланишига таъсир этувчи барча омилларни икки гурухга ташқи ва ички омиллар ажратиш мумкин.

Шундай қилиб, корхоналарда тарифларни ишлаб чиқиш ва белгилашда бозор ҳақидаги маълумотлардан (ташқи омил) ташқари харажатлар

тўғрисидаги маълумотлар ҳам ҳисобга олиниши лозим. Бу борада иқтисодчи-олимлар турли фикрларни билдиришган. Жумладан, "...нарх-навони белгилаш тўғрисида якуний қарорни қабул қилиш учун бозор аҳволини, истеъмолчи талабларини яхши билиш керак," - деб эътироф этишган. Шунингдек, у таъкидлаганки, «...ракобат маҳсулот таннархини ҳисоблашни деярли маъносиз қилиб қўяди, чунки бу ҳолда нарх талаб ва таклиф таъсирида шаклланади, ҳақиқий таннарх эса, ўзича сотиш нархига таъсир этмайди. Таннарх асосида ишлаб чиқаришни бошқариш, айниқса ички имкониятларни аниқлаш мумкин эмас".

Нарх-наво шаклланишига ҳам ташки, ҳам ички омиллар катта таъсир кўрсатади. Таннарх асосий ички омиллардан биридир. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг калькуляцияси тўғри ташкил қилинмаса ва йўлга қўйилмаса, корхона муқаррар равишда инқирозга учрайди.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 20 та юк ташиш автокорхонасидан 16 таси, яъни аксарияти (80 %и) харажатларга асосланниб, нарх-наво белгилайди ва фақат 4 таси (20 %и) харажатларга ҳам, бозорни ўрганишдан олинган маълумотларга ҳам асосланади. Шундан келиб чиқиб, қайд этиш мумкинки, аксарият автокорхоналар автотранспорт хизмати бозорини ўрганмайдилар, нафақат нарх-навони белгилашга, якуний натижалари бўйича корхона даромадига ҳам таъсир этувчи бошқарув қарорларини қабул қилишга алоқадор бўлган маркетинг изланишлар билан шуғулланмайдилар.

Транспорт воситаларидан фойдаланишнинг иқтисодий самараదорлиги, чунончи:

- бир тонна километр юк таннархи кўрсаткичи қилинган харажатларни ташилган тонна. километрга бўлиш йўли билан;
- транспорт воситларининг соатлик ёки сменалик иш унуми кўрсаткичи ташилган тонна километр юкнинг сарфланган вақтга нисбати билан;
- машинанинг ишда бўлиш коэффициенти кўрсаткичи ишда бўлган машина-кунлари сонини машинанинг хўжаликда бўлган машина кунлари сонига бўлиш билан аниқланади.
- машинанинг юк кўтариш коэффициенти кўрсаткич умумий ташилган юкнинг юк билан босилган йўлга нисбати билан аниқланади.

Бунда автомобильнинг техник жиҳатдан таёргарлик коэффициенти, машиналарни ишга чиқариш коэффициенти, ўртача ишда бўлган вақти, суткалик ўртача юрган йўли, ўртача техник тезлиги, юкни ўртача ташиш масофаси, юк ташиш мавсумийлик коэффициенти каби кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади.

Транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш ва уларнинг харажатларини камайтириш автомашина ва уни бошқарувчиларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, мойлаш ва ёқилғи материалларини тежаб-тергаш,

жорий таъмир ва жорий қаровлар учун қилинадиган харажатларни тежашга боғлиқ.

7-мавзу: Ижтимоий инфратузилманинг мазмуни ва тушунчаси

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Ижтимоий инфратузилманинг моҳияти ва тузилмаси
2. Ижтимоий инфратузилмани бошқариш муаммолари
3. Ижтимоий инфратузилмани ташкил қилиш ва ривожлантириш
4. Ижтимоий нормативларни белгиловчи омиллар.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Ижтимоий турмуш, аҳоли меҳнат фаоллиги, меҳнат ресурслари, мақсадли нормативлар, иқтисодий нормативлар тизими, демографик омил, ижтимоий сиёсат.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. 1.1. Қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилманинг зарурлигини изоҳлаш.
2. 1.2. Қишлоқ жойларди ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлик ҳолати таҳлилини қилиш.

1 - савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда ижтимоий инфратузилманинг моҳияти ва тузилмаси ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Ижтимоий инфратузилманинг моҳияти ва тузилмасини ёрита олади.

1-савол баёни: Ижтимоий инфратузилма аҳолининг фаровонлигини ошириш, кишилар меҳнат шароити ва турмуш тарзини яхшилаш билан боғлиқ муҳим ижтимоий вазифаларни ҳал этар экан, жамият аъзоларининг эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайди, мамлакат иқтисодий юксалиши учун шароит яратади. Айни вақтда ижтимоий инфратузилма ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсишига бевосита таъсир кўрсатади. Инфратузилманинг ривожланиши иқтисодиёт реал сектори билан бевосита боғланганки, у мазкур тузилманинг ҳолати ва ўсиш суръатларини шакллантиради.

Ижтимоий турмушга таъсир ўтказувчи инфратузилманинг асосий жиҳатларига қуидагилар киради:

- ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш;
- аҳоли меҳнат фаоллиги кўламини кенгайтириш;
- меҳнат ресурслари сафарбарлигини тартибга солиш;
- бўш вақт фондини бойитиш ва ундан фойдаланиш шарт-шароитларини яхшилаш учун имконият яратиш;
- иш кучини такрор этиштиришга таъсир этиш.

Ижтимоий инфратузилма мураккаб вазифалар тизимидан иборат бўлиб, унда барча унсурлар ўзаро боғланганки, улардан бирининг ривожланишдан ортда қолиши бошқаларидан самарасиз фойдаланишига сабаб бўлади. Шу боисдан минтаقا ижтимоий инфратузилмасининг мажмуа тарзида ривожланишини таъминлаш муҳим ишдир.

2 - савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда ижтимоий инфратузилмани бошқариш муаммолари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Ижтимоий инфратузилмани бошқариш муаммолари ёрита олади.

2-савол баёни: Маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизими ҳукм сурган шароитда ижтимоий инфратузилмани молиялаш манбалари фақат марказлаштирилган фондлар ва элементлар билан чекланган, улардан фойдаланиш тартиби ҳамда йўналиши жуда қаттиқ назорат қилинار эди. Минтақанинг ижтимоий тараққиёти унинг хўжалик юритиш самарадорлигига боғлиқ эмас, худудий бошқарув идоралари, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Кенгашлари аслида марказ, вазирликлар ва идоралар тазиики остида эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий инфратузилма тараққиётини бошқаришнинг асосий йўналишлари қуидагилардан иборат:

- республика, тармоқ ва худудий бошқарув идораларининг вазифаси ҳамда мақсадлари, мулкий ҳукуқларини чегаралаш;
- қишлоқ кенгашлари, туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари ролини қайта кўриб чиқиш;
- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини ҳисобга олиб, ижтимоий соҳада қайта қуриш дастурини ишлаб чиқиш;
- ҳужжатлар ва тавсиялар, меъёрий йўриқномалар базасини тайёрлаш;
- минтақавий хусусиятлар ва омилларни ҳисобга олиш, буларга ижтимоий меъёр кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқишга диққат қилиш;
- уй-жой муаммоларига эътибор бериш ва якка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантириш. Шаҳар жойларда ижтимоий инфратузилма тараққиётини бошқариш муаммолари қуидагилардан иборат;
- ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришда мўлжалланган маблағлар ва ресурсларни бошқаришга оид барча вазифаларнинг маҳаллий бошқарув идоралари қўлида ҳақиқатан жамланишига эришиш;
- хўжалик юритиш ва тармоқлар ҳамда худудларнинг ўзаро таъсири ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш;
- минтақалар ўртасида ва ичида, унинг унсурлари, вертикал ва горизонтал тузилмалари ўртасида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришдаги номутаносибликларга барҳам бериш;
- шаҳар ва қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини янада интеграция қилиш, бунда иш тизимларга хос ижобий жиҳатларни бутун чоралар билан ривожлантириш ҳамда уларнинг нохуш жиҳатларини имкон қадар чеклаш (ёки бартараф қилиш) мақсадини кўзлаш;
- шаҳарни ижтимоий қайта қуришнинг мақсадли, комплекс дастурини тузиш ва амалга ошириш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, фаол демократик сиёsat юритиш.

Мазкур талабларнинг жами минтақа ижтимоий инфратузилмаси хўжалик механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди.

Хўжалик юритиш янги иқтисодий механизмининг яратилиши маҳаллий бюджетга қўргина маблағларни жалб этиш имконини беради, аммо муайян

жой шароитида мана шу барча ресурслар ҳар ҳолда корхона ва ташкилотлар ҳисобига шаклланади. Айни вақтда кўпчилик ҳокимликларда қишлоқда ижтимоий инфратузилма иншоотларини қуриш бўйича ягона буюртмачи вазифаларини бажариш учун ҳақиқий имконият вужудга келмаган.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бошқарув механизмини яратишнинг турли вариантлари бир хил баҳоланишига қарамай, минтақадаги районларнинг ўзига хослигига боғлиқ ҳолда вазиятни ривожлантиришнинг учта эҳтимолий йўналишини қўллаш учун асос бор. Улар қуидаглардир:

- маблағлар ва ресурслар ҳокимлик қўлида жамланади;
- б) вазифалар агросаноат корхоналари ва ташкилотлар қўлида жамланади;
- в) дастлабки икки вариант энг мақбул тарзда бирга қўшилади.

Ижтимоий инфратузилманинг айrim унсурларини ривожлантириш вазифалари алоҳида тақсимланган тақдирдагина манфаатлар уйғунлигига эришиш мумкин.

3 - савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда ижтимоий инфратузилмани ташкил қилиш ва ривожлантириш ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1. Ижтимоий инфратузилмани ташкил қилиш ва ривожлантириш механизмини ёрита олади.

3-савол баёни: Ҳозирги вақтгача ижтимоий инфратузилманинг комплекс ривожлантириш даражаларини белгиловчи нормативлар тизими ишлаб чиқилмаган. Амалдаги идоравий меъёрлар ва нормативлар одатда, ижтимоий мақсадларга йўналтириладиган ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги тизимига асосланади. Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштиришда ҳамда қуришда қўлланиладиган қурилиш меъёрлари ва қоидалари мажбурий тусда эмас, чунки уларда қишлоқ жойлар ва шаҳар манзиллари ижтимоий инфратузилмаси ўртасидаги алоқа ҳисобга олинмайди.

Шу туфайли ижтимоий инфратузилма барча унсурларини мажмуа тарзида мувозанатланган ривожлантиришга эришиб ҳам бўлмайди. Ундан ташқари, тавсия этилаётган кўпгина меъёрларни зудлик билан қайта кўриб чиқиши талаб этилмоқда. Ижтимоий инфратузилманинг меъёрий базаси ва ижтимоий нормативлар тизими қуидагилардан иборат бўлиши керак:

- мақсадли нормативлар.
- б) ижтимоий инфратузилма муассасалари хизматлари билан таъминланишнинг энг кам даражаси;
- в) фаолият шароитининг комплекс ижтимоий андозалари;
- г) иқтисодий нормативлар (қиёсий сарфлар нормативлари, фойдаланилаётган ресурслар учун тўловлар).

Шу тариқа инсоннинг уй-жойга эга бўлиш, соғлигини сақлаш, таълим олиш, ҳордиқ чиқариш, меҳнат қилиш ва ҳоказо ҳуқуқлари амалга ошади. Мазкур энг кам даража ижтимоий истеъмол фонdlари ҳисобига таъминланиши шарт, бу ҳолда улар турмуш жами шароити бўйича барча ижтимоий гурӯхларни

яқинлаштириш ролини ўйнайди. Бу жиҳатдан айрим иқтисодчи олимларнинг уй-жой қурилишини ўтказиш тұғрисидаги фикрларига қўшилиш лозим, бунда давлат тураржой майдони ва ободонлаштириш бўйича белгиланган, ижтимоий кафолотланган меъёр доирасида тураржой биносининг бир қисмини қуриш учунгина маблағ ажратади.

4 - савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда ижтимоий нормативларни белгиловчи омиллар ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

4.1. Ижтимоий нормативларни белгиловчи омилларини ёрита олади.

4-савол баёни: Ижтимоий нормативлар тизимини ишлаб чиқища минтақавий хусусиятлар, шаҳар ва қишлоқ жойларда, аҳоли турмуш тарзи ва бошқа кўп жиҳатлар ўртасидаги тафовфутларни ҳисобга олмоқ лозим. Улар доирасида куйидаги жамлами омилларни ажратиш мумкин:

Жўғрофий омиллар – аҳоли жойлашув таркиби, шаҳарлашув (урбанизация) даражаси; биологик иқлим хусусиятлари, табиий иқлим шароитининг меҳнат туси ва режимига, халқ хўжалигининг ихтисослашуви, меъморчиликка таъсири, рекреация имкониятлари ва улардан фойдаланиш даражаси; табиий ресурслар билан таъминланганлик ва табиатдан фойдаланиш хусусияти.

Демокрафик омиллар – аҳолининг кўпайиш режими, унинг сони, таркиби ва табиий кўчиб юриш таъсирида жойлашувнинг ўзгариши, аҳоли миграцияси ва сафарбарлиги; аҳоли ва меҳнат ресурсларининг жинсий ва ёш таркиби; оиласарнинг шаклланиши, ўсиш ва ажратиш шароити, уларнинг тури ва таркиби, миграция туси, миграция оқимлари таркиби, аҳолининг миллий таркиби, айрим миллатлар ва элементларни зич ёки тарқоқ яшаш даражаси:

Ижтимоий омиллар – ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш даражаси ва ўсиш истиқболи, минтақанинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги улуши; ҳозирги босқичда ва истиқболда халқ хўжалигининг таркиби, бошқарув тизими, минтақада илмий-техник тараққиёти туси, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи, миллий ва майший хусусиятлар, анъанавий этник қадриятлар, уларнинг меъморчиликда акс этиши; минтақада яшовчи миллатлар ва элатларнинг, миллий ва этнографик гурухларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши ҳамда маданий эҳтиёжлар туси ва тил тараққиёти.

Мазкур омилларни минтақавий хусусиятлар ва бошқа аломатлардан келиб чиқиб, сифат ва аралаш тавсифлар бўйича ташкил қилиш; улардан ҳал этиш заруратига қўра, энг долзарб омилларни ажаратиш мумкин. Иқтисодиётнинг ижтимоий соҳага йўналтирилиши ижтимоий инфратузилмани мустақил бошқарув объекти, уни ривожлантириш муаммоларига тизимли ёндашув сифатида алоҳида ажратиб олишни шарт қилиб қўяди.

Инфратузилманинг яхлит бошқарув объекти сифатида ажратилиши бутун халқ хўжалиги мувозанатли ва мутаносиблик асосида ривожлантирилиши, минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги номутаносибликларга барҳам бериш имконини яратади. Ижтимоий адолат принципларини рўёбга чиқаришдан иборат мақсад ижтимоий инфратузилмани шакллантириш ва

ривожлантиришнинг асосий вазифаларини маҳаллий бошқарув идоралари, ҳокимликлар қўлига топширишни тақозо этади.

Кучли ижтимоий сиёsat юритиш муаммолари ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни давлат вазифаси даражасига кўтаришни, айни вақтда молиялаш манбаидан қатъи назар, нивестиция сиёsatини, уни амалга оширишнинг барча белгиланган афзалликлари билан бирга қайта кўришни тақозо этади.

8-мавзу: Қишлоқларда аҳолига маданий-маиший хизмат кўrsatiшни ривожлантириш

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Ўзбекистон Республикасида аҳолига маданий-маиший хизмат кўrsatiш турлари ва улар фаолиятини янгича ташкил қилиш
2. Қишлоқда маданий-маиший хизмат кўrsatiш корхоналарини ташкил қилишда мулкчилик
3. Maiший хизмат кўrsatiш уюшмалари фаолияти.
4. Қишлоқларда маданий-маиший хизмат кўrsatiш тармоғида кадрлар тайёрлаш ва иқтисодий ҳамкорликлар

Мавзуға оид таянч тушунча ва иборалар: хизмат кўrsatiш соҳаси, аҳолини иш билан таъминлаш, маданий-маиший хизмат, майший хизмат кўrsatiш уюшмаси, ижтимоий муҳофаза, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

3. 1.1. Қишлоқ жойларда хизмат кўrsatiш турларини кўrsatiш. Қишлоқ жойларда маданий-маиший хизмат кўrsatiш аҳамиятини тушунтириш.

1 - савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда аҳолига маданий-маиший хизмат кўrsatiш турлари ва улар фаолиятини янгича ташкил қилиш ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўкув мақсадлари:

- 1.1. Ўзбекистон Республикасида аҳолига маданий-маиший хизмат кўrsatiш турларини ёрита олади.
- 1.2. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўrsatiш фаолиятини янгича ташкил қилишни тушунтира олади.

1-савол баёни: Қишлоқда хизмат кўrsatiш соҳасини ривожлантириш тартиби, уни ташкил этиш тизими ва йўналишлари турли хил. Лекин, уларнинг ҳаёт, ривожланганлик даражаси мавжуд ижтимоий, иқтисодий-сиёsий эҳтиёжлар талабига тўла жавоб бермайди.

Қишлоқларнинг истиқболда ижтимоий ривожланишини хизмат кўrsatiш соҳаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан эндилиқда: ишлаб чиқаришга хизмат қилиш; дехқончиликнинг барча йўналишлари бўйича маҳсулотни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган хизмат кўrsatiш; дехқонлар томонидан етиштирилган маҳсулотни сотиб олиш ва аҳолига етказиб бериш бўйича хизмат кўrsatадиган соҳаларни ташкил этиш; техник-транспорт

хизматини яхшилаш; ишчи кучларининг иш жойларига бориб-келишларини таъминлайдиган, иш жойларини ўрганадиган, маълум тавсиялар, ёрдам ва юридик маслаҳатлар берадиган хизмат кўрсатиш соҳаларини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Булар асосан, дехқончилик меҳнати, уни ташкил этиш билан хизмат кўрсатиш соҳаларини боғлайдиган ташкилотларга тегишли бўлиб, бу ташкилотлар ўз истиқболи, манфаатларини дехқончиликда хизмат соҳасини шу асосда яратишлари зарур.

Аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш қишлоқда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ. Бугун саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларини қишлоққа олиб келиш, маҳсулотларни қайта ишлайдиган саноат корхоналарини қишлоққа жойлаштиришни маҳаллий ҳокимиятлар, тадбиркор ишбилармонлар, турли мулк эгалари олдига асосий вазифа этиб қўйилгани ҳам тасодифий эмас.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш тармоқлари асосан шаҳар ва туман марказларида кўпроқ жойлашган бўлса, энди уни шаҳар атрофидаги посёлка, қишлоқларда ташкил этиш зарурати ортмоқда. Шуни доимо назарда тутмоғимиз керакки, хизмат кўрсатиш тармоқлари даражаси мамлакатнинг тараққий этаётганлиги, жамиятнинг ривожланаётганлигини кўрсатувчи муҳим мезондир.

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш тўғрисида сўз борар экан, биз Ўзбекистонда амал қилаётган хизмат турларини санаб ўтишимиз лозим. Булар турли соҳаларда бўлиб, қуидагилардан иборат: майший хизмат кўрсатиш; йўловчи ташиш хизмати; алоқа хизмати; уй-жой хўжалиги; таълим тизими; маданий хизмат кўрсатиш; сайёҳлик-экскурсия хизмати; жисмоний тарбия ва спорт хизмати; соғлиқни саклаш (тиббий) хизмати; санатория-курорт ва соғломлаштириш хизмати; ҳуқуқий тусдаги ва банк муассасаси хизмати; коммунал хизматлар.

Маданий-маиший хизмат кўрсатиш таркибиға қуидаги хизматлар киради: пойабзал таъмирлаш ва тикиш; кийим-бош ва трикотаж молларини тикиш, тўқиш ва таъмирлаш; телерадио, видео, аудио аппаратларини таъмирлаш; металл буюмларини тайёрлаш ва таъмирлаш; автомобилларга техник хизмат кўрсатиш; мебель ясаш ва таъмирлаш; кимиёвий тозалаш ва бўяш; кир ювиш хизмати; уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш; сурат ва ва сурат кинолаборатория хизмати; ҳаммом ва душ хизмати; сартарошлик ва косметаллогик хизмат; буюмларни ижарага бериш хизмати; аҳолига юк ташиш транспорти хизмати; маросимлар ўтказиш хизмати.

2 - савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда қишлоқда маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил қилишда мулкчилик ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил қилишда мулкчилик муносабатларини ёрита олади.

2-савол баёни: Маиший хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари, яъни бильярд ва теннис столларини соатбай ижарага бериш хизмати янги хизмат турига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 17 сентябрдаги «Аҳолига миший хизмат кўрсатиш тизимида ислоҳотларни давом эттириш тўғрисида»ги ПФ-1843 сонли фармонига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 19 сентябрдаги «Аҳолига миший хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 446-сонли, 1995 йил 12 сентябрдаги «Аҳолига миший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 399-сонли қарорларига мувофиқ республикаси шаҳар ва вилоятларида ҳудудий миший хизмат кўрсатувчи обьектларни хисобга олиш мақсадида шаҳар ва вилоят ҳокимиятлари таркибида миший хизмат кўрсатиш уюшмалари ташкил қилинган. Уларга аъзо бўлган миший хизмат кўрсатиш корхоналарига турли қийматликлар ва имтиёзларни қўллаш имкониятлари берилди:

- миший хизмат кўрсатиш обьектлари янгидан ташкил этилган тақдирда бино ва ер майдонлари билан таъминлашни вилоят ва шаҳар ҳокимиятлари миқёсида ҳал қилиш;
- янги ташкил этилган миший хизмат корхонаси ҳокимият балансидаги бинода жойлашган бўлса, ижара шартномаси тузилган вақтда имтиёзли нархлардан фойдаланади;
- миший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил қилинганда, уларни рўйхатдадан ўтказишда ва фаолиятини амалга оширишда амалда кўрсатилган тадбиркорларни фаолиятни ҳимоя қилиш қонун-қоидаларида кўрсатилгандек қўллаб-кувватлаш.

3 - савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда миший хизмат кўрсатиш уюшмалари фаолияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1. Маданий-миший хизмат кўрсатиш уюшмалари фаолиятини ёрита олади.

3-савол баёни: Маиший хизмат кўрсатиш уюшмалари Давлат мулк кўмитаси, вилоятлар ва шаҳар савдо, аҳолига миший хизмат кўрсатиш ва ҳалқ истеъмоли ишлаб чиқарувчилари депортаменти, инвестиция бошқармалари, «Бизнес-фонд», Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, тижорат банклари томонидан қўллаб турилиши қарорларда белгилаб ўтилган. Миший хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил этиш ва янги моддий-техника жиҳозларига, замонавий инвентарларга, инвенстиция лойиҳалари учун хорижий банклар ва ҳалқаро молия ташкилотлари кредит линиялари бўйича кредит олиш, кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, хомашё, энг сўнгги замонавий асбоблар ва инвентарлар етказиб беришда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш тажрибаларини белгилаган.

Шунингдек, меҳнат ва иш билан боғлиқ аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари зиммаларига, айниқса, бандлик хизмати жамғармаси ҳисобидан ишсиз аҳолини мутахассис сифатида тайёрлашга жалб қилиш тўғрисида кўрсатиб ўтилган.

Вилоят ва шаҳар молия бошқармалари хузуридаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси, «Ўздавстандарт» вилоят ва шаҳар бошқармалари, солиқ бошқармалари томонидан майший хизмат кўрсатувчи корхоналарни «Истеъмолчиларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга, «Майший хизмат кўрсатиш корхоналари қоидалари»га тўла риоя этиш бўйича назорат қиласи ва керакли норматив ва қўлламалар, ахборотлар билан таъминлади.

Майший хизмат кўрсатиш корхоналаридан тушган солиқлар аҳолига майший хизмат кўрсатиш обьектларини қуриш, реконструкция қилиш жараёнидаги харажатларни камайтиради.



Майший хизмат кўрсатиш уюшмаси чизмаси

Қишлоқда ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига давлат тасарруфидан чиқариш ва кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалигига ўтказилаётган ислоҳотлар аграр муносабатларнинг янги турларини шакллантириди. Бунга дехқон ва фермер хўжаликларига ерни узоқ муддатга ижарага топшириш ўтиш даврининг асосий йўналишлари бўлди. Шулар билан бирга майший хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам мулкчилик шакллари ўзгарди. Бунда асосан майший хизмат кўрсатиш обьектларини хусусийлаштириш ёки аукционда сотиш йўллари билан эришилди. Туманлар марказларида, маҳалла, жамоа хўжаликларида майший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этила бошлади. Майший хизмат кўрсатиш обьектларини хусусий фирма шаклида ҳамда хусусий тадбиркорликлар шаклида тузиш жадал тус олди. Бу майший хизмат кўрсатиш соҳасида монополия тутатилишича, рақобатли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилишига олиб келди. Рақобатли хизмат кўрсатиш, маълумки, нархни пасайтиради ва хизмат кўрсатиш сифати даражасини оширади.

4 - савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда қишлоқларда маданий-майший хизмат кўрсатиш тармоғида кадрлар тайёрлаш ва иқтисодий ҳамкорликлар ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

4.1. Қишлоқларда маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоғида кадрлар тайёрлаш масалаларини тушунтира олади.

4.2. Қишлоқларда маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоғида иқтисодий ҳамкорликлар масалларини ёрита олади.

4-савол баёни: Қишлоқда майший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилиши меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан банд бўлмаган ортиқча қисмини, асосан қишлоқда яшаётган хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш ва шу тариқа қишлоқларда ишсизликнинг кучайиб бориши хавфи баҳам топишида ўзига хос аҳамият касб этади.

Майший хизмат кўрсатиш соҳасида кадрлар тайёрлаш ўтиш даврининг талаби бўлган узлуксиз таълим асосида бажарилади. Майший хизмат кўрсатиш соҳасида ишлашни хоҳловчи қишлоқ ёшлари мажбурий таълимдан сўнг жойларда ташкил қилинган лицей ва коллежларда касб-хунар эгаллайдилар. Ҳозирги вақтда узлуксиз таълим тизимини жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб бера оладиган даражага кўтариш амалга оширилмоқда. Уларда таълим харажатдари давлат томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига қопланади.

Майший хизмат кўрсатиш ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳозирда ташкил қилинаётган ўқув марказлари, ойлик курсларда, чет элнинг Ўзбекистондаги ўқув фонdlари, фирмалар ёки жисмоний шахслар буюртмалари бўйича пуллик амалга оширилади.

Майший хизмат кўрсатиш соҳасида чет элликлар билан ҳам алоқалар ўрнатилмоқда, хусусан, сартарошлик хизмати бўйича, Германия ва Франция давлатлари билан тузилган шартномалар асосида замонавий асбоб-анжомлар, электр техникалари олиб келинмоқда ва ўрнатилмоқда. Автомобилларни таъмирлаш соҳасида Корея, Туркия, АҚШ, Германия, Италияда ишлаб чиқарилган дастгоҳлар олиб келиниб, жаҳон андозаларига жавоб берадиган хизмат даражасига эришилмоқда. Кимиёвий тозалаш ва кир ювиш хизмат турлари бўйича Италия, Германия давлатлари билан ҳамкорликда корхоналар ташкил этилмоқда. Пойабзал, хусусан, ортопедия пойабзалларини тикиш бўйича Германия билан ҳамкорлик ўрнатилган.

Радиоаппаратура, сурат ва сурат киноператорлари хизмат турлари бўйича Корея, АҚШ фирмалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

9-мавзу: Соғлиқни сақлашни ташкил қилиш

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. 1. Соғлиқни сақлаш ишларини ташкил қилиш муаммолари
2. 2. Соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотлар

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: соғлиқни сақлаш тизими, соғлиқни сақлашни молиялаштириш, соғлиқни сақлашни ривожлантириш тамойиллари, соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш, она ва бола саломатлиги, пуллик тиббий хизматлар, тиббий ёрдам марказлари.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1.1. Қишлоқ жойларда соғлиқни сақлаш тизимининг аҳамиятини ёритиш.

1.2. Қишлоқ жойларда соғлиқни сақлаш истиқболларини кўрсатиш.

1 - савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда соғлиқни сақлаш муассаларининг таъминоти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Соғлиқни сақлаш муассаларининг таъминотини ёрита олади.

1.2. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг истиқболларини ёрита олади.

1-савол баёни: Соғлиқни сақлашнинг давлат тизимини қайта қуриш тиббий хизматлар бозорини яратишда, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва унинг турли шаклларини вужудга келтиришда намоён бўлади. Ўз навбатида, бу ўтиш даврига хос бўлган ва тиббий хизмат кўрсатиш ҳажми ҳамда сифатига сезиларли таъсир кўрсатувчи муаммони юзага келтиради, яъни соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш механизми қайта қурилади. Бу ижтимоий молиялаштиришнинг камайишида, хусусий бўғиннинг пайдо бўлиши ва кенгайишида, тармоқни бошқариш тизимининг кескин ўзгаришида намоён бўлади.

Жаҳонда ўтказилаётган тадқиқотлар шундан далолат берадики, миллатнинг соғломлиги соғлиқни сақлашга қилинаётган харажатлар миқдорига бевосита боғлиқ бўлмаса-да, соғлиқни сақлаш соҳаси ўзининг асосий вазифасини бажариш учун соҳага сарфланадиган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6-10 %ни ташкил этиши лозимлиги умумий равища қабул қилинган. Кўплаб ривожланган мамлакатларда bemорларнинг даволаниши учун қилинадиган сарфлар ҳиссаси умумий харажатлар миқдорининг 10-30 %и чегарасида тебраниб туради.

Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (УССГ) мутахассисларининг фикрича, молиялаштиришнинг асосий манбалари ўртасидаги нисбатда қуйидагича ҳолат афзал деб хисобланади: давлат бюджети-60, тиббий суғурта-30, пулли хизматлар-10%.

Соғлиқни сақлашни ривожлантиришда давлатга муҳим аҳамият берилиши қуйидаги уч асосий шароит билан асосланади: биринчидан, камбағалликни қисқартириш ва хизмат учун эса ўзи ҳақ тўлай олмайдиганларни тиббий ёрдам билан таъминлашнинг зарурати; иккинчидан, тиббий хизматларнинг баъзи кўринишлари ижтимоий неъмат хисобланади ва у ташки самарага эга. Масалан, касаллик тарқатувчилар билан курашган, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий билимларни тарқатиш ва ниҳоят, учинчидан, соғлиқни сақлашга ҳамда тиббий суғурта бозори механизми камчиликларни бартараф этиш (касалланиш хавфининг турли даражаси, информацион ассиметрия: тиббий хизматчилар фақат хизмат кўрсатибгина қолмай, шу билан бирга қандай хизмат кўрсатилиши лозимлиги ҳақида қарор қабул қиласилар). Шу сабабдан ҳам барча мамлакатларда давлат соғлиқни сақлаш тизимига аралашади. Бироқ, бу аралашув даражаси соғлиқни сақлаш тизими фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича турличадир.

Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилишнинг энг муҳим шартларидан бири тармоқни молиялаштиришнинг янги шаклини излаб топиш бўлди. Амбулатория-поликлиника муассасаларини молиялаштириш хизмат кўрсатилган аҳоли сонига, доимий даволаш муассасаларида даволанган bemорлар сонига қараб белгилана бошлади. Сўнгги йилларда самарасиз фойдаланилган ўрин-тўшак сонлари қисқартирилди, бу тиббий ёрдам кўрсатишнинг иқтисодий рентабелли амбулатория шаклини жорий этиш имконини берди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг молиявий асосларини шакллантириш негизида молиявий режалаштириш ётади. Айнан ана шундай режалаштириш муассасаларни сақлаш эҳтиёжи учун йўналтирилаётган маблағлар микдори, тармоқ ичидаги ресурсларни тақсимлаш принциплари, улардан самарали фойдаланиш даражаси, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини шартли равища чегаралаб беради. Шунинг учун соғлиқни сақлаш, молиялаштиришни такомиллаштириш бўйича бошланган ислоҳотларнинг муваффакқияти кўп жиҳатдан тармоқни молиялашни режалаштириш ва мувофиқлаштириш масалалари қанчалик пухта ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Соғлиқни тизимини сақлаш молиявий таъминлаш жараёнини такомиллаштириш саломатликни муҳофаза этиш учун харажатларни режалаштиришнинг шакли ва услуби ўзгариши билан узвий боғлиқ. Ушбу йўналишдаги бош вазифа ажратилаётган молиявий ресурсларни тиббий муассасалар фаолиятининг пировард натижаси билан мустахкам боғлашдан иборат қилиб қўйилмоғи керак. Соғлиқни сақлаш муассасалари фаолият кўрсатишлари учун йўналтирилаётган молиявий маблағларнинг микдори бевосита бажарилган ишлар ҳажми ва унинг самарадорлиги даражасига боғлиқ бўлиши керак. Тиббий ёрдам кўрсатилиши учун харажатларни режалаштиришни ташкил қилишда бундай ёндашув тармоқнинг молиявий ресурсларидан энг кўпроқ тежамли фойдаланиш, уларнинг сафарбарлигини кучайтириш имконини беради.

Тармоқни молиялаштиришнинг бюджет-суғурта модели шаклида тиббий муассасалар эҳтиёжи учун сарфларни қоплаш масаласини ҳал этишга энг мақбул ёндашувларни излашда соғлиқни сақлаш тизимини молиявий режалаштиришнинг ҳозирги амалиётини таҳлил этиш ёрдам беради. Бозор иқтисодиётини шакллантириш босқичини босиб ўтган мамлакатлар тажрибаси кўрсатиб турибди, у соғлиқни сақлаш етарли фаолият кўрсатиши учун давлат соғлиқни сақлаш тизими билан хизмат кўрсатишнинг хусусий соҳаси қўшиб олиб борилиши керак. Айни вақтда республикада бир қатор хусусий тиббиёт муассасалари ишлаб турибди. Шунингденк, дорихона хизматини, «Тибтехника» ва «Тибтаълим» муассасаларини марказлаштириб бошқаришдан воз кечилди амалга оширилди.

2010 йилда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва ушбу тизимда сифат ўзгаришларини амалга оширишни таъминлаш борасидаги ишлар давом эттирилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган ва республика ҳамда вилоятлар шошилинч

тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасалари тармоғи шаклланди.

Барча вилоятлар марказларида катталар ва болалар учун қўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳар бир туманда энг замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти йўлга кўйилди. Ушбу қишлоқ врачлик пунктларининг сони 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўпайиб, 3 минг 200 тадан ошиди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича юксак самарали замонавий тиббиёт муассасаларининг мустахкам тизими яратилгани шу йўлдаги муҳим қадам бўлди.

Вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида скрининг марказлари ташкил этилди ва уларнинг фаолиятини таъминлаш учун 2010 йилнинг ўзида 4 миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилди. 2010 йилда 116 минг нафардан зиёд бўлажак она скрининг марказларида тиббий кўриқдан ўтказилди.

Шу билан бирга, перинатал марказлар тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда. Ўтган ўн йил давомида юртимизда 11 та перинатал марказ ташкил этилди. 2010 йилда уларда 158 минг нафардан ортиқ, яъни 2000 йилга нисбатан 10 баробар кўп она ва бола тиббий кўриқдан ўтказилди.

Бунинг натижасида кейинги ўн йилда мамлакатимизда оналар ўлими коэффициенти 33,1 промилледан 19,7 промиллега, болалар ўлими коэффициенти эса 18,9 промилледан 10,1 промиллега тушди. Туғма ва ирсий касалликлар билан туғиладиган болалар сони қарийб икки баробар камайди.

Шу йилларда аҳолининг юқумли касалликлар, жумладан, сил, гепатит каби оғир турдаги ва бошқа хасталикларга чалинишининг умумий даражаси анча пасайди. Бундай натижаларга эришишда шифокорлар ва тиббиёт ходимларининг меҳнатини моддий рағбатлантиришни кучайтириш, уларнинг касб тайёргарлиги даражасини ошириш, мамлакатимиз фармацевтика саноатини жадал ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам муҳим омил бўлмоқда. Биргина 2010 йилнинг ўзида 32 номдаги янги дори препаратларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга қараганда 23 фоизга кўпдир.

2010 йилда стационар тиббиёт муассасаларида қўшимча равишда 1 минг 630 та ёки 2009 йилга нисбатан қарийб 2,5 марта кўп даволаниш ўринлари фойдаланишга топширилди.

Ҳисобот даврида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш учун жами 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди, бунинг 1 триллион 700 миллиард сўми бюджет маблағларидир.

2 – савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда соғлиқни сақлаш муассасаларининг истиқболлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг устивор йўналишларини ёрита олади.
- 2.2. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишининг истиқболларини ёрита олади.

2- савол баёни: 2011 йилда Республика нейрохирургия илмий маркази, Республика жарроҳлик маркази хузуридаги кардиохирургия бўлими, Гематология ва қон қувиш институтининг янги бўлими каби йирик соғлиқни сақлаш обьектларини фойдаланишга топшириш ва энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари давом эттирилади. Нукус, Андижон, Гулистон ва Термиз шаҳарларида кўп тармоқли вилоят болалар марказлари, Қарши, Намангандаридан Термиз шаҳарларида кўп тармоқли тиббиёт марказларини, жами 6 минг 400 ўринга мўлжалланган 51 та стационар муассаса, бир кунда 6 минг кишини қабул қила оладиган 23 та поликлиникани қуриш ва реконструкция қилишни якунига етказиш кўзда тутилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни 168илан биргаликда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, уларни ўз вақтида ўзлаштириш, қурилиш ва таъмирлаш ишларининг сифати устидан қатъий назоратни таъминлаши зарур.

Айни пайтда хусусий тиббий хизматлар ва тиббий суғурталашни ривожлантириш қатор муҳим шарт-шароитлар йўқлиги ёки етарли эмаслиги оқибатида тўхтаб турибди. Булардан, ёрдамга муҳтож аҳоли даромад ва жамғармаларининг паст даражадалигини ҳамда молия бозорининг суст ривожланганлигини ажратиб кўрсатиш керак. Шунга қарамай, соғлиқни сақлаш бюджетининг умумий хажмида пулли тиббий хизматлар ҳиссаси ўсиб бормоқда. Ушбу шароитда пулли хизматларнинг ўзиш жараёни икки вазият туфайли юз бериши мумкин:

а) ҳар қандай тиббий хизматларни сотиб олиш имконига эга бўлган бой кишилар сонининг кўпайиши;

б) аҳолини ўз пул маблағларининг маълум қисмини, бошқа муҳим ҳаётий эҳтиёжларидан тежаган ҳолда, тиббий хизматлар учун ажратишга мажбур қилувчи соғлиқни сақлаш соҳасидаги мураккаб вазият.

Шундай қилиб, умуман, тўла ижобий ифодага эга бўлган бу жараён ҳозирги шароитда аҳолининг тиббий хизматларни истеъмол қилишда кескин табақалашувига, тиббиёт ходимлари малакаси ва маънавияти кескин фарқланиши, малакавий табақалашувига олиб келиш эҳтимоли бор. Мамлакатимизда амалга оширилаётган тиббий муассасаларни хусусийлаштириш дастури бу жараённи янада чукурлаштириши мумкин. Шунинг учун, соғлом авлодни вояга етказиш мақсадида шахсларнинг даромади даражасидан қатъи назар, давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар турларини аниқлаш ва ўрнатиш, шунингдек, кам таъминланган тоифаларга ўз соғлигини сақлашга ижтимоий ёрдам қўрсатиш имкониятларини яратиш долзарб ҳисобланади.

Ҳозирги даврда республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи умуман муваффақиятли амалга оширилмоқда. Кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам тизими — Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази, вилоят марказлари ва туман марказий шифохоналарида ихтисослаштирилган бўлимлар тузилган бўлиб, улар

аҳолига тезкор бепул шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминламоқда. Кечикириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам муассасалари замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Шифокорлар малакаси ҳамда замонавий тиббий техника билан жиҳозлашни ҳисобга олган ҳолда кечикириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам тизими шифокорлари ҳамда тибиёт ходимлари меҳнатини ташкил этиш ва моддий рагбатлантириш тизими муттасил такомиллаштириб борилмоқда. Аҳолига, энг аввало, қишлоқ жойлардаги аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими ислоҳ қилинмоқда. Республиканинг барча туманларида замонавий тиббий ускуналар ва дори-дармонлар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимидағи ислоҳотларни янада чукурлаштириш, республикада юксак жаҳон талаблари даражасидаги юқори технологияли, ихтисослаштирилган тиббий марказларни шакллантириш, илғор тиббий технологияларни кенг жорий этишнинг ташкилий, молиявий-иқтисодий ва хуқуқий шарт-шароитларини вужудга келтириш мақсадида муҳим вазифалар амалга оширилмоқда.

Илғор чет эл тажрибасини ҳисобга олган ҳолда юқори малакали, ихтисослаштирилган, тиббий ёрдамга муҳтоҷ беморларни қабул қилувчи ҳамда замонавий ташхис ва даволаш тиббий ускуналаридан фойдаланиб даволайдиган маҳсус клиникалар ва тиббий марказларни ташкил этиш орқали соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилинмоқда. Маҳсус клиникалар ва тиббий марказлар, қоида тариқасида, қуидаги талабларга мос келиши лозим:

- яхши тайёргарлик кўрган ва ўз тибиёт соҳасида тан олинган ҳамда юксак обрў-эътибор қозонган шифокор-мутахассисларга эга бўлиш;
- юқори технологияли ташхис ва даволаш тиббий ускуналари билан жиҳозланган, замонавий моддий-техника базасига эга бўлиш;
- ўз тиббий амалиётида жаҳон талабларига мос келадиган даволаш ва ташхиснинг мураккаб усусларини жорий этиш ҳамда кенг қўллаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг тажриба тариқасида қуидагиларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига биноан:

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Урология илмий маркази негизида Республика ихтисослаштирилган урология маркази;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг академик В.Воҳидов номидаги Жарроҳлик илмий маркази негизида Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази;
- Тошкент шаҳридаги Тошкент вилоят кўз микрохирургияси маркази негизида Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази;

- Кардиология илмий-тадқиқот институти ва Тошкент шаҳридаги 15-шаҳар клиник шифохонаси негизида Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази фаолияти йўлга қўйилди. Қуидагилар ташкил этилаётган ихтисослаштирилган тиббий марказларнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- Марказ фаолиятининг тегишли соҳаси бўйича замонавий ташхис усулларини жорий этиш ҳамда аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам қўрсатиш;
- мавжуд тиббий техника ва аппаратларнинг доимий янгиланиб ва замонавийлаштириб борилишини таъминлаш, марказни илғор жаҳон ютуқлари даражасида юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам қўрсатиш имконини берадиган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;
- Марказнинг ўзини-ўзи молиялаш ва ўзини-ўзи қоплаш шартлари асосида фаолият кўрсатишини таъминлаш учун молиявий ва моддий-техникавий ресурсларни жалб этиш борасидаги менежмент ва маркетинг ишларини ташкил этиш;
- Марказ тибиёт ходимларининг, шу жумладан, мутахассисларнинг етакчи хорижий тибиёт ўқув муассасалари ва клиникаларда амалий малака ортиришларини ташкил этиш ҳисобига касб маҳоратини доимий ошириб бориш ва такомиллаштириш;
- беморларни даволашнинг илғор усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиши ҳамда тиббий амалиётга жорий этишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш;
- соҳага алоқадор илғор хорижий тибиёт муассасалари ва марказлари билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, ахборот, тўпланган тажриба ва мутахассисларни кенг кўламда айрибошлишни таъминлаш.

Бу тадбирларни амалга оширишда шундай тартиб ўрнатилди, бунда:

- давлат иомидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги ҳамда Марказ Кенгаши тимсолида Марказнинг меҳнат жамоаси Республика ихтисослаштирилган тиббий марказларининг муассислари ҳисобланадилар;
- давлатга тегишли мулк ишончли бошқарув хуқуки билан Марказнинг устав жамғармасига топширилади;
- давлат томонидан мададга муҳтож бўлган шахслар (имтиёзли тоифадаги шахслар)га давлат бюджети ҳисобидан юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам қўрсатилади.

Марказнинг фаолияти давлат бюджети маблағлари, Марказнинг ўз даромадлари ва жалб этиладиган манбалар (грантлар, ҳомийларнинг маблағлари ва бошқалар) ҳисобига аралаш асосда молияланади. Бунда давлат бюджети маблағлари ҳар бир Марказга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги орқали харажат моддалари бўйича тақсимланмаган ҳолда алоҳида сатр билан ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йилги республика бюджетларини шакллантириш чоғида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2004 йилдан бошлаб, Республика ихтисослаштирилган марказларининг узоғи билан 2008 йилда ўзини-ўзи молиялаш ва ўзини-ўзи қоплашга ўтишини назарда тутган ҳолда ушбу Марказларни сақлашга бюджет маблағларининг жорий харажатлари босқичма-босқич камайтириб борилишини кўзда тутган. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси, Молия вазирлиги Республика ихтисослаштирилган марказлари фаолиятининг натижаларини ҳисобга олган ҳолда 2006 йилнинг 1 январига бориб Марказларнинг устав жамғармасига топширилган давлат мулкини имтиёзли шартлар билан меҳнат жамоасига мулк сифатида сотиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиши режалаштирилган. Марказ меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши томонидан сайланадиган Марказ Кенгashi Республика ихтисослаштирилган тиббий марказининг юқори бошқарув идораси ҳисобланиши белгилаб қўйилиши кўзда тутилмоқда. Кенгаш аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тақдимномаси бўйича ҳукумат қарори билан тайинланадиган директор Марказ Кенгашининг раиси ҳисобланади.

Марказларга қуйидаги ҳукуқлар берилган:

- Марказнинг устав жамғармасига топшириладиган давлат мулкидан фойдаланиш ва уни бошқариш;
- лавозимлар рўйхатини мустақил равишда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, Марказ ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларини бажариладиган ишларнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига нисбатан табақалаштирилган тарзда белгилаш.

Қуйидагилар тасдиқланди:

- Республика ихтисослаштирилган тиббий марказини барпо этиш ва унинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисида Низом;
- Республика ихтисослаштирилган марказлари томонидан давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахсларнинг рўйхати.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташкил қилинаётган ихтисослаштирилган марказлар билан биргаликда белгиланган тартибда қуйидагиларни ишлаб чиқиб, тасдиқлади:

- ташхис ва даволаш сифати стандартларига риоя этган ҳолда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Республика марказлари томонидан аҳолига пулли хизмат қўидалари;
- Республика ихтисослаштирилган марказларини молиялаш тартиби ва манбалари тўғрисида Низом;
- ихтисослаштирилган марказлар томонидан пулли тиббий ёрдам кўрсатиш учун тарифларни шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби;

- имтиёзли тоифадаги беморларни даволаш ҳақини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлаш тартиби.

10-мавзу: Тайёрлов тизими ва унинг ташкилий-иқтисодий асослари

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Тайёрлов тизимини такомиллаштиришнинг объектив шарт-шароитлари ва унинг инфратузилма тармоғи сифатида шаклланиши
2. Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва марказлаштиришнинг тайёрлов тизимига таъсири
3. Тайёрлов тизимининг режали-иқтисодий ва ташкилий амал қилишини такомиллаштириш масалалари

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Тайёрлов тизими, технологик ва функционал хизматлар, агросаноат кооперацияси, маҳсулот сотиш тизими, тўғридан-тўғри алоқалар, хўжаликлар аро кооперация, маҳсулот учун аванс бериш.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

- 1.1. Қишлоқ хўжалигида тайёрлов тизимининг замонавий ҳолати таҳлилини қилиш.
а. Қишлоқ хўжалиги тайёрлов тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидаги ўзгаришларни аниqlаш.

1 - савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда тайёрлов тизимини такомиллаштиришнинг объектив шарт-шароитлари ва унинг инфратузилма тармоғи сифатида шаклланиши ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Тайёрлов тизимининг ишлаб чиқариш инфратузилмасидаги ўрнини ёрита олади.
- 1.2. Тайёрлов тизимини ривожлантиришнинг шарт-шароитларини тушунтира олади.

1-савол баёни: Маълумки, моддий ишлаб чиқариш жараёни факат унумдор (ишлаб чиқарувчи) меҳнатнинг амал қилиши эмас. Бизнинг ҳолатимизда маҳсулотни сотиш бўйича қилинган меҳнат каби унумсиз (ноишлаб чиқарувчи) меҳнат ҳам унинг таркибий қисми ҳисобланади. Меҳнатнинг бу икки кўриниши ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд. Унумли (ишлаб чиқарувчи), меҳнат билан банд бўлган шахсларнинг унумсиз (ноишлаб чиқарувчи) вазифалари қанча кам бўлса, меҳнат шунчалик унумдор бўлади. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигида сотиш бўйича асосий бўлмаган иккиласи вазифаларни унумдор меҳнатдан ажратиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти бўлиб қолади. Маҳсулотни сотиш бўйича меҳнат эса тақрор ишлаб чиқаришадининг бошқа иштирокчиларнинг вазифаси бўлиши керак.

Кишлоқ хўжалигининг у ёки бу соҳасидаги раҳбар ва мутахассис бевосита ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уни бошқариш бўйича тобора кўпроқ ҳажмдаги ишларни бажариши лозим. Агар бунда бир вақтнинг ўзида ишлаб

чиқариш ва сотиш масалаларини ҳал қилишга тўғри келса, кўпинча раҳбар қай бирини афзал кўриш керак, деган саволга (тандовга) дуч келади. Чунки айнан шу ерда ишлаб чиқариб бўлинган маҳсулотнинг бузилиши ва нобуд бўлиши рўй беради ва бу босқичда у (сотиш) мураккаброқ (қийинроқ, чигалроқ) бўлади. Бу эса ишлаб чиқаришнинг кўп томонлари бой берилишига олиб келади. Қишлоқ хўжалигидан тармоқларнинг ажralиб чиқиши унинг ривожланиш даражаси билан доим мос ҳолда рўй берган. Қишлоқ хўжалиги ўз ривожида янги поғонага кўтарилиши биланоқ, аввал у учун мажбурий ҳисобланмаган баъзи вазифалар билан шуғулланиш қийин бўлиб борди.

Бундай тизимда ихтисослашган технологик ва функционал хизматлар яратилади. Агрономик, зоотехник ва бошқа хизмат турлари мустақил хизматларга бўлинади. Бу хизматларни бош мутахассислар бошқаради. Аммо бу нарса маҳсус таъминот ва сотиш хизматларини яратишни тақозо этади. Қисқача айтганда, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш масалаларини тубдан ҳал қилишда қайта куриш ва бошқа хизматларнинг, шу жумладан, сотиш ва таъминот хизматларининг ажralиб чиқиши талаб этилади.

Ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятларини ажратиш зарурати ялпи ва товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиши ва уни реализация қилишнинг бир қатор ташкилий ва иқтисодий шароитлари ўзгариши фактидан келиб чиқади. Аввало, баъзи маҳсулот турларини етказиш масофаси ўзгариади, бу эса дифференциал рента I нинг шаклланишига тудбан катта таъсир кўрсатади. Хўжаликнинг йўллар, магистраллар, қайта ишловчи корхоналар ва тайёрлов базаларига нисбатан жойлашуви омили маҳсулот реализацияси бўйича транспорт ва бошқа харажатларнинг даражасини белгилайди.

2 - савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва марказлаштиришнинг тайёрлов тизимида таъсири ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Тайёрлов тизимининг ишлаб чиқариш инфратузилмасидаги қрнини ёрита олади.

2.2. Тайёрлов тизимини ривожлантиришнинг шарт-шароитларини тушунтира олади.

2-савол баёни: У ёки бу хўжаликнинг жойлашуви хўжалик юритиши шароитларига сезиларли таъсир кўрсатади. Ҳозирда сотиш жойидан узоқда жойлашган хўжаликлар реализация бўйича катта транспорт харажатлар қилмоқдалар. Аксинча, яқин жойлашган хўжаликлар асосланган устунликка эга. Кўрсатиб ўтилган ҳолат рақобатга тенг шароитлар яратиш (бизнинг фикримизча) муаммоси ичida долзарбларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш жараёнлари ажralиши билан алоҳида хўжаликларнинг жойлашуви бўйича дифференциал рента олиш шароитлари бекор қилинади (йўқолади), ягона тайёрлов ташкилоти ташкил этилиши билан эса уни жамият манфаати йўлида

ишлатиш имкони туғилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг баъзи соҳаларидаги ихтисослашув ва концентрация даражаси пастлиги тайёрлов идоралари ишини қийинлаштирмоқда. Бу эса бевосита алоқаларнинг ривожини қийинлаштиради, хўжаликларнинг сезиларли қисмида маҳсулот заготовкасини мураккаблаштиради ва ҳатто, амалда бу мумкин бўлмай қолади, бу эса корхоналар ва ҳалқ хўжалиги иқтисодиётига оғир юк бўлиб тушади. Шундай қилиб, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва концентрацияси аҳамияти тор бир тармоқ (соҳа) доирасидан чиқади. Бу омиллар заготовкаларни оқилона ташкил қилишнинг энг муҳим шароити ва охир-оқибат маҳсулот ишлаб чиқаришдан пиравард истеъмолчигача ҳаракатланишининг барча технологик ва ташкилий занжирини самарали бошқариш шарти сифатида намоён бўлади. Ишлаб чиқаришнинг концентрацияси ва ихтисослашув даражасини ошириш нафақат заготовкани тартибли амалга оширишга, балки арzonроқ маҳсулотни сотиб олишга ҳам имкон беради.

Эслатиб ўтамиз, ерни ишлашда ишлаб чиқариш концентрациясининг кўпгина масалаларини хўжаликлар ичидағи экиш айланмаси майдонлари ўлчами чекланганлиги туфайли ҳал қилиш иложи йўқ. Янги технологияларни ва ишлаб чиқаришнинг прогрессив шаклларини татбиқ қилиш учун бундай экиш айланмаларининг торлиги тобора сезиларли бўлмоқда. Концентрация нафақат машиналарни татбиқ қилиш ва соҳани индустрiali асосга ўтказиш учун мақбул шароит яратади, балки тайёрлов ташкилотлари билан мустаҳкамроқ ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатлар ўрнатишга ҳам имкон беради. Биринчидан, концентрация – аввало, арzonроқ, шу билан бирга йирик партиядаги маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Бундан эса тайёрловчи ва қайта ишловчи корхоналар манфаатдор. Иккинчидан, концентрациялашган ишлаб чиқариш учун маҳсулот сотиш ташкилий-технологик жараённинг ажralmas қисми бўлиб қолади. Ихтисослашган ишлаб чиқариш сотиш бўғинига катта талаблар қўяди. Бу, тайёрлов идораларини ўз-ўзини тезроқ қайта тузишга ва янги талабларга мувофиқ ўз фаолиятини такомиллаштиришга мажбур қиласди.

Шундай қилиб, тайёрлов тизимининг аҳамияти дехқон ва фермер хўжаликлири тармоқланиши билан ошиб боради. Шу жиҳатдан бу тизим замонавий, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги, прогрессив шакллари томонидан қўйилаётган келажақдаги талабларга ҳам жавоб бериши жуда муҳим. Замонавий шароитларда бундай талабларнинг кучайиши агросаноат кооперацияси (ҳамкорлиги) жараёни ишлаб чиқаришни янги ташкилий шакли сифатида намоён бўлиши билан боғлиқ ҳолда кузатилмоқда.

Агросаноат кооперацияси ва ишлаб чиқариш саноат асосида ташкил қилинадиган шароитда сотишнинг технологик жараёндаги роли таққослаб бўлмас даражада ортади. Ишлаб чиқаришнинг хўжаликлараро ва агросаноат корхоналари, комбинатлар ва бирлашмалар шаклида ташкил қилиниши маҳсус сотиш бўғинларини ташкил этиш (яратиш) заруратини туғдиради (Молдавиядагидек).

Сабзавотчиликда концентрациянинг умумий якуни маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишида намоён бўлди. Бу нафақат ишлаб чиқариш жараёнининг ўзини, балки маҳсулотни истеъмолчига етказиш ҳаракатининг барча кейинги босқичларини ҳам аниқ ташкил этишини талаб қилди. Айнан шу ҳол хўжаликлараро кооперацияга асосланган ихтисослашган ишлаб чиқаришдаги устунликлар қай даражада амал қилишини белгилайди.

Катта масштабдаги ихтисослашган ишлаб чиқариш максимал пировард натижани таъминлайдиган барча хизматлар иши аниқ ташкил этилишини талаб қилади. Маҳсулот сотиш бўйича хўжаликлараро хизмат умумий озиқовқат конвейери – ширкат, дехқон ва фермер хўжаликлари, транспорт ва қайта ишловчи корхоналар тизимида муҳим бўғинлардан бўлиб боради.

Транспортнинг бир жойда концентрацияси маҳсулот сотиш (биринчи навбатда мева ва сабзавотлар) ташкил қилишни сезиларли даражада яхшилашга имкон беради. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрловчиларига фақат хўжалик транспортларида етказиб берилса, улар кичик партияларда ва чўзилган муддатларда сотилади. Шу боис маҳсулот ишлаб чиқилган графикка асосан чиқарилади. Бу график бўйича хўжаликлар йиғим-теримни ўтказиш ва ҳосилни сотишга тайёрлаш ишларини режалаштирадилар.

Янги шаоитларда маҳсулотлар қайта ишловчи корхоналарга тезроқ етказиб берила бошлади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳсулот сотишнинг аникроқ тизимига, қайта ишловчи корхоналар эса - қувватларнинг хом ашё билан ўз вактида таъминланиш ва тўлиқ бандлигига эришиш имкониятига эга бўлдилар.

Фикримизча, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг маҳсулот сотишни ташкил этиш вазифаларидан озод этилиши, маъмурий қишлоқ ҳудуди доирасида янги сотиш бўғинининг ташкил қилиниши мантиқан асослидек кўринади. Сотиш бўғинининг вазифаси, қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқарадиган барча турдаги маҳсулотларни сотиш ҳисобланади.

Табиийки, бу таклифни амалга ошириш осон эмас. Ҳозирда туман сотиш бўғинини ташкил этишини қийинлаштирувчи қатор сабаблар мавжуд. Улардан бири шуки, бундай тизимни ташкил қилишни, моҳиятан, янги жойда бошлаш керак. Туманда ҳозир янги тизимни яратишни бошлаш мумкин бўлган зарурий моддий-техник базага эга бўлган бирорта ташкилот йўқ. Бунга фақатгина истеъмолчи кооперацияси маълум даражада жавоб бериши мумкин. Аммо истеъмолчи кооперациясининг ўзига хос хусусиятлари ва у қишлоқда бажарадиган вазифаларни қўплигини ҳисобга олсак, бу кооперация реализация хизматини ташкил қилиш учун асос бўла олмайди.

Бошқаришнинг ҳудудий принципи (тамойили) ҳақидаги масалани ҳаётнинг ўзи кўтармоқда. Бунда аниқ бир ҳудуд (минтақа) чегарасида қишлоқ хўжалигининг ривожланиши билан боғлиқ масалаларнинг бутун мажмуасини ечишда бирликни таъминлаш мумкин бўлади. Бу ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва хўжаликлараро кооперациянинг ривожи учун муҳим аҳамиятга эга. Маҳсулот имишлаб чиқариш даражасига унинг реализацияси ва истеъмолчига етказиб бериш ташкилий шаклининг мос келиши жуда муҳим.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг маҳсулот сотишни ташкил қилиш вазифаларидан озод қилиниши, бу вазифаларнинг ихтисослашган хизмат томонидан бажарилиши мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир қилади, дехқон, фермер ва ширкат хўжаликларига ўз қувватларини фақат ишлаб чиқаришда жамлашга имкон беради, бу эса хўжаликларнинг ривожланиш суръатини оширади. Натижада фонdlар таркибининг ишлаб чиқаришдаги улуши кўпаяди. Қишлоқ хўжалигидаги транспорт воситалари сони фақатгина ишлаб чиқариш эҳтиёжлари талаб этадиган миқдор билан чекланади.

Хозирда қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳсулотларни етказиб учун зарур бўлган автомашиналар ўрнига ишлоқ хўжалиги корхоналари кўпроқ ишлаб чиқариши кенгайтириш билан боғлиқ бўлган тракторлар, комбайнлар, ўғитлар ва бошқа воситаларни сотиб олишлари мумкин. Танспорт воситаларининг ягоналигини ихтисослашган ташкилотларда концентрациялашуви улардан юқори унум билан фойдаланишини таъминлайди, маҳсулот ўз хисобидан ташилиши хисобига аграр давлат жойлашуви бўйича дифференциал рентани ўзлаштиради. Натижада қишлоқ хўжалиги корхоналарининг хўжалик юритиш шароитлари тенглашади қолаверса, сотиш бўйича ихтисослашган ташкилотларда реализацияни яхшироқ ташкил қилиш имконияти туғилади. Бу маҳсулот исрофгарчилигини, сотиш харажатларини камайтиради. Пировард натижада бундай тизимда бевосита алоқаларнинг аҳамияти ортади.

З - савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда тайёрлов тизимининг режали-иктисодий ва ташкилий амал қилишини такомиллаштириш масалалари хақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1. Тайёрлов тизимининг режали-иктисодий амал қилишини такомиллаштириш масалалари ёрита олади.

3.2. Тайёрлов тизимининг ташкилий амал қилишини такомиллаштириш масалалари тушунтира олади.

З-савол баёни: Кейинги пайтларда тайёрлов тизимини такомиллаштириш муаммоси тубдан қайта кўриб чиқилди. Лекин маҳсулотлар сотиш билан боғлиқ камчиликлар ҳам тўлиқ бартараф этилгани йўқ. Иқтисодий адабиётларда улар фақат режалаштиришдаги нотўғри хисоб-китоб билан боғлиқ тарзда изоҳланади. Тўғри маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ нўқсонлар содир бўлишига нотўғри хисоб-китоблар ҳам муайян даражада таъсир кўрсатаяпти, аммо улар асосий сабаб эмас. Мавжуд узилишлар, агар айтиш жоиз бўлса, ўсиш ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиш жараёнидаги қийинчиликлар ҳисобланади. Ривожланаётган ишлаб чиқариш кўпгина янги масалаларни (жумладан, маҳсулот сотиш соҳасида ҳам) илгари суради. Бутун ишлаб чиқариш жараёни барча босқичларда бир текис ривожланишини тақозо қилганда, ҳам оралиқ, ҳам пировард маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича тузилмавий бўғинлар орасидаги иқтисодий муносабат ва алоқалар юксакроқ даражага кўтарилиганда бу масалаларнинг долзарблиги ортади.

Янги алоқалар нафақат маҳсулот яратганда, балки уни истеъмолчигача харакатлантиришда ҳам вужудга келади. Бу эса уларнинг амалий

реализациясини назарда тутади. Бундай реализация алмашув муносабатларини такомиллаштиришда намоён бўлади. Тайёрлов тизимининг амалдаги янги сифат даражаси реализация қилинадиган маҳсулотни ҳисоблаш тизими билан ҳам боғланган. Анъанавий жиҳатдан қишлоқ хўжалиги корхоналаридан давлат тайёрлаш тизимига келтирилган ва одатда, натурал кўринишда бўлган маҳсулот тайёрланадиган маҳсулот ҳисобланади.

Бундай ёндашувга кўра, қисқа куз даврида барча ўсимликчилик маҳсулотларини бир вақтнинг ўзида йиғишишириш ва ташиш лозим. Бу иш кунидан фойдаланишда тифизликка, **барча тўрдаги транспорт воситаларни транспортнинг барча турларини меъёрдан ортиқ ишлатилишига олиб келади**. Тайёрлов тизими эса бу даврда узлуксиз келтирилаётган кўп микдордаги маҳсулотни доим ҳам қайта ишлай олмайди. Оқибатда маҳсулот нобуд бўлади, сифати пасаяди.

Кишлоқ хўжалиги корхоналарида омборлар қурилса, баъзи турдаги маҳсулотларни йиғишириб олиб, шаҳарларга – тайёрлов ташкилотларига жўнатиш зарурати йўқолади. Муайян маҳсулот (дон, сабзавот, мева ва х.)ларнинг бир қисми хўжаликларнинг ўзида сақланиши ва зарур ҳолда истеъмол жойига жўнатилиши мумкин. Таъкидлаб ўтамизки, тайёрлов ишларини ташкил этишнинг бундай шакли анча катта фойда келтиради. Чунончи: биринчидан, тайёрлов жараёнидаги тифизликни камайтиради, транспортга эҳтиёжни пасайтиради, маҳсулотнинг оқилона ишлатилишини таъминлайди, пировард натижада хомашё ва истеъмол фондлари ҳажмини оширади; иккинчидан, агросаноат интеграцияси, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бевосита ўзида қайта ишлаш қуваатлари ривожи баъзи турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нафақат натурал холида, балки қайта ишланган кўринишда ҳам сотиш масалаларини ҳал этади. Бу пировард мақсадларга мувофиқ келади.

Бевосита алоқаларнинг асосий устунликларидан бири шундаки, бунда маҳсулотнинг ишлаб чиқаришдан истеъмолчига ўтиб бориши тезлашади. Бунда айланма тезлиги жадаллашишига, муомала харажатлари қисқаришига эришилади. Бевосита алоқалар маҳсулот харакатининг барча босқичлари устидан муайён даражада назорат ўрнатишга имкон беради.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожининг замонавий босқичи учун бевосита алоқалар ривожини эътиборга олувчи бир қатор тенденция (йўналиш)лар хос. Бевосита алоқалар талабларига ихтисослашган ва концентрланган ишлаб чиқариш тўлароқ жавоб беради. Тайёрловчи у ёки бу маҳсулотни етказиб беришини битта ишлаб чиқарувчи амалга оширишидан манфаатдор. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги корхонаси учун битта ёки камида минимал сондаги тайёрловчига эга бўлиш фойдали. Бу маҳсулотни яхшироқ ва камроқ харажат билан сотишга имкон беради. Демак, бевосита алоқалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ихтисослашув ва концентрация йўлидан ривожланишининг муҳим шартлари ҳисобланади.

Хўжаликлараро кооперация асосида ихтисослашув кўп тармоқли хўжаликлар тугатилишига олиб келади. Тор ихтисосдаги хўжаликлар эндиликда маҳсулот сотиш масалаларини ҳал қиласиган бирлашмага

кирадилар. Бундай ташкилотда вазифанинг бўлиниши каби ҳолат юз беради. Корхоналар – маҳсулотни ишлаб чиқариш, бирлашма – уни сотиш ҳақида бош қотирадилар. Бу узоқ муддатли алоқаларни ўрнатишга ўтиш учун имкон беради, у эса тайёрлов жараёнларини ташкил қилишнинг бутун тизимини тубдан яхшилайди.

Маҳсулотнинг бевосита ишлаб чиқарувчилардан олиниши савдо ташкилотларини маҳсулот заготовкаси билан боғлиқ қўшимча чиқимлардан озод қиласди, чунки улар тайёрлов ташкилотларидан маҳсулот олганларида маълум бир суммани уларга тўлайдилар. Бу эса, бевосита алоқаларни татбиқ қилиш рағбатларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодиётининг мустаҳкамланиши, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва концентрациялари яратилиши билан хўжаликларда музлатгичлар ва сабзавот омборлари барпо этиш имкони туғилди.

Тайёрлов ташкилотлари моддий-техника асосининг мустаҳкамланиши билан бевосита алоқаларнинг ривожланишига ҳам объектив шароитлар вужудга келади. Чунки маҳсулотни етказиб бериш шартларидан бири тайёрловчи унинг нафақат режадаги миқдори, балки барча ортиқча қисмини ҳам қабул қилишга тайёрлиги ҳисобланади. Бунга эса, тайёрловчи фақатгина сақлаш иншоотлари мавжуд ҳоллардагина мувофиқ бўлади.

Бевосита алоқаларни ташкил этишни яхшилашда тайёрлов ташкилотлари томонидан ҳеч бўлмаганда баъзи турдаги ўсимликчилик маҳсулотларининг бевосита даланинг ўзида қабул қилиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Булар дала ишлари тезлигини пасайтиради. Маълумки, йиғим-терим ва топшириш ишлари ҳажми ортганда ёз-куз ойларида маҳсулотни жойида қабул қилиш билан қишлоқ хўжалиги корхоналарини сотиш ташвишидан ҳатто қисман озод қилинганда ҳам, уларда кучларни бошқа ишларни тугатиш учун сафарбар қилиш имкони кенгаяди. Аммо кўпинча «маҳсулотни далада қабул қилиш» тушунчаси тайёрлов ташкилотлари ўз транспортида маҳсулотни тўғридан-тўғри даладан олиб чиқиб кетади, деган маънода тушунилади. Бу ерда фақат ишнинг ташкилий шакли устида гап кетмоқда. Бундай соддалашган ёндашув шунга олиб келмоқдаги, маҳсулот сотишни ташкил этишнинг бу шакли ҳозирча кенг тарқалмаяпти.

Бевосита алоқаларнинг иқтисодий моҳияти шунда кўринадики, улар маҳсулот сотишнинг катта кафолатини яратиш билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархига киритилган барча потенциал имкониятларни юзага чиқаришнинг холисона белгилари ҳисобланади, шу тариқа ишлаб чиқариш унумдорлиги ошишининг энг муҳим омили сифатида иштирок этади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТ
«УМУМИЙ ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ**

**«ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ
ИҚТИСОДИЁТИ » ФАНИДАН АМАЛИЙ
МАШГУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ КЎРСАТМА**

Тузувчи: Аллаярова М.Қ.

ГУЛИСТОН - 2011

Аллаёрова М.Қ. «Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти» фанидан мустақил иш топширикларини ташкил этиш бўйича услугбий кўрсатма. – Гулистан, 2011 - 27 б.

Ушбу услугбий кўрсатма 5340100 – «Иқтисодиёт» бакалаврият таълим йўналиши учун мўлжалланган. Унда талабаларга мавзуларни мустақил ўзлаштириш бўйича тавсиялар берилган. Услубий кўрсатма иқтисодиёт факультети Ўқув Методик Кенгashi йигилишида (3-баённома, 23 ноябр – 2010 йил) тасдиқланган.

Такризчилар: доцент Сатторқулов О.Т.
к.ў. Абдувоҳидов А.А.

1-мавзу: Ўзбекистонда агросаноат мажмуасининг ривожланиши ва инфратузилма

Агросаноат ишлаб чиқаришининг пировард натижалари фақат қишлоқ хўжалиги ривожланиш даражасига эмас, балки унинг хизмат қўрсатиш тармоқларига ҳам боғлиқдир. Ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши билан қишлоқ хўжалигига моддий-техника ресурслари, керакли хомашё ва ёрдамчи материаллардан фойдаланиш ҳажми ҳам ошади. Хўжаликларнинг электроэнергияси, транспорт, алоқа воситаларига, маҳсулотни сақлаш жойларига талаб ошади. Қишлоқ хўжалигининг таъмирлаш-техник хизматига, моддий-техника таъминоти ташкилотларига, муҳандислик, зооветеринария, агрокимё хизмати ва бошқа хизматларга боғлиқлик даражаси ўсади. Бу жараёнда самарали фойдаланиш ва истеъмолчига етказиб беришни таъминлайдиган ташкилот ва тармоқларнинг ривожланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундай тармоқлар ва хизматларни иқтисодиётда инфратузилма дейилади.

«Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти» фан сифатида объектив иқтисодий қонунларни ҳамда уларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида амал қилиш шаклларини ўрганади. Қишлоқ хўжалиги бўйсунадиган иқтисодий қонунлар объектив характерга эга ва инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда амал қиласди. Умумий иқтисодий қонунлар томонидан бошқарилган ҳолда қишлоқ хўжалиги иқтисоди ушбу қонунларнинг аниқ бир шароитларда амал қилиш хусусиятларини очиб беради, улардан хўжаликлар амалиётида фойдаланиш услубларини ишлаб чиқади.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. АСМ нинг соҳаларини тушунтира олади.
2. Инфратузилманинг қисм ва уларнинг вазифалари айта олади.

Асосий тушунчалар ва иборалар:

1. Рентабеллик даражаси
2. Ялпи даромад
3. ялпи маҳсулот
4. АСМ
5. соф даромад

А) қишлоқ хўжалигининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб беришда иштирок этадиган тармоқлари мажмуудан иборат.

Б) маълум давр мобайнида яратилган барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг пулдаги ифодаси, товар маҳсулот эса, сотилган маҳсулотдир.

В) ялпи маҳсулот қиймати билан ундаги моддий сарфлар орасидаги фарқдир.

- Г) ялпи маҳсулот қийматидан ишлаб чиқариш харжатлари ёки унинг таннархини айриб ташлаш йўли билан аниқланади.
- Д) фойданинг маҳсулотнинг тўлиқ (тижорат) таннархига нисбатан фоиздаги қиймати сифатида ҳисобланади.

Тестлар

1. «Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисоди» фанининг предмети нимадан иборат?

- А. Ташкилий-сиёсий ва ижтимоий муносабатларни ўрганиш
- Б. Иқтисодий қонунлар, категориялар асосида ҳозирги даврдаги иқтисодий муносабатларни ишлаб чиқариш кучлари билан боғланган ҳолда ўрганиш
- С. Қишлоқ хўжалигида инфратузилма иқтисодини ўрганиш, уни ривожлантириш йўналишлари, асосларини ўрганиш
- Д. Маҳсулот ишлаб чиқаришни ўрганиш

2. Тушириб қолдирилган сўзларни тўлдиринг:

Қишлоқ хўжалигини билан таъминлаш хизмат кўрсатиш натижасида маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, ўз вақтида тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва истеъмолчини талабини доим қондиришdir

- А) техника
- Б) ишчи кучи
- В) хом ашё
- Г) ишлаб чиқариш воситалари
- Д) ишлаб чиқариш кучлари

3. Мосликни ўрнатинг:

- А) қишлоқ хўжалигининг хусусиятлари
- Б) инфратузилманинг хусусиятлари
1. Турли хилдаги техникаларни, чорва ҳайвонларини, шахсларни қатнашиши
 2. Бир жойдан иккинчи жойга кўчиш имконининг борлиги
 3. Бозорнинг барча агентларига тегишлилиги
 4. Ер, сув ресурсларининг асосий воситалиги, табиатни таъсири, ишлаб чиқаришнинг кенг территорияда амалга оширилиши, иш даври билан ишлаб чиқариш даврини номутаносиблиги, меҳнат тақсимотини ўзгарувчанлиги
 5. Эгилувчанлик
 6. Турли мулкчиликка асосланган корхоналарнинг мавжудлиги, маҳсулотларни ишлаб чиқарилиши, уларни тақсимланиши
 7. Мавсумийлик

Түгри / нотүгри

1. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси инсон учун шарт шароитлар яратиб беради.
2. АСМ моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган корхоналарни мажмуидан иборатдир.
3. Инфратузилма тармоқлари ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги узлуксизликни таъминлаб турувчи тармоқлар йифиндисидан иборатдир.
4. АСМ нинг тўртинчи тармоғи қишлоқ хўжалигининг ўзи бўлиб, у ўз ичига дехқончилик ва чорвачиликни қамраб олади.
5. АСМ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етишириш, қайта ишлаш, сақлаш ва истеъмолчига етказиб берувчи тармоқлар йифиндисидан иборатдир.
6. ижтимоий инфратузилма – кишиларнинг ҳаёт фаолиятлари шароитини таъминловчи тураг жой, маданий-маиший хизмат тармоқлари, савдо, умумий овқатланиш каби соҳалардан иборатдир.
7. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари натурал ва қиймат кўринишига эга.

2-мавзу. Инфратузилманинг моҳияти, таркиби ва туркумланиши

Инфратузилма – ижтимоий ва иқтисодий ишлаб чиқариш учун нормал шарт-шароитларни таъминловчи тармоқ ва саноат мажмуидир. У ишлаб чиқариш, технологик, иқтисодий ва ташкилий алоқалар жараёнида вужудга келадиган реализация орқали АСМнинг самарали ишлашини таъминлайди. Инфратузилма жамият ишлаб чиқариш кучларининг бўлинмас қисми хисобланади. У корхонанинг самарали фаолиятини таъминлайди ва АСМнинг пировард маҳсулоти миқдоран кўп ва сифатан юқори бўлишига йўналтирилган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ялпи ишлаб чиқарилиши провард натижада тармоқнинг ишлаб чиқариш фондлари, айланма маблағлари, меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси билан бирга хизмат қилувчи ишлаб чиқаришнинг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Улар орасида агрокимё, зооветеринария, консультация хизматларига катта эътибор берилади.

Моддий ишлаб чиқариш инфратузилмасининг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги корхоналарини ишлаб чиқаришига хизмат қилиш вазифасидан босқичма-босқич озод этишдан иборат. Инфратузилма ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотлари сифатан юқори бўлиши учун шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган.

Ижтимоий инфратузилма ўзида меҳнат жараёнида ишчиларни самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган жамият ишлаб чиқариш кучларининг бир қисмини акс эттиради. Ижтимоий инфратузилманинг асосий вазифаси қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-маиший шароитларини келгусида яхшилаш ҳисобланади. Ижтимоий инфратузилма соҳалари якуний маҳсулот яратишда бевосита иштирок этмайди, лекин улар ишлаб чиқариш жараёнининг нормал ривожланиши учун шарт-шароитларни таъминлайдилар.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. АСМда инфратузилманинг аҳамиятини акс эттира олади.
- 2.2. Ижтимоий инфратузилманинг асосий мақсад ва вазифалари айта олади.

Асосий тушунчалар ва иборалар:

1. Тармоқ ичи инфратузилмаси
 2. Тармоқлараро инфратузилма
 3. Ҳудудий инфратузилма
 4. Локал ёки ишлаб чиқариш инфратузилмаси
 5. Инфратузилма
 6. Моддий ишлаб чиқариш инфратузилмасини мақсади
- А) ижтимоий ва иқтисодий ишлаб чиқариш учун нормал шарт-шароитларни таъминловчи тармоқ ва саноат мажмуидир.
- Б) моддий ишлаб чиқариш инфратузилмасининг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги корхоналарини ишлаб чиқаришига хизмат қилиш вазифасидан босқичма-босқич озод этишдан иборат.
- В) бутун халқ хўжалигининг самарали ишлашига хизмат қиласиган тармоқ ва хизматлардан иборат.
- Г) алоҳида иқтисодий районларнинг ривожланиш ва ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуилари шаклланиши билан боғлиқ.
- Д) алоҳида корхоналарнинг фаолиятини таъминлайдиган элемент ва ишлаб чиқаришдан иборат.
- Е) тармоқ хусусиятлари бўйича инфратузилма тармоқлараро инфратузилма ва тармоқ ички инфратузилмасига бўлинади.
- К) халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларига хизмат қилишга йўналтирилган.
- Л) конкрет тармоқнинг ишлашига ёрдам беради.

Тестлар

- 1. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги такорор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминловчи тармоқ**
А) бозор инфратузилмаси

- Б) ишлаб чиқариш инфратузилмаси
- В) ижтимоий инфратузилма
- Г) институционал инфратузилма
- Д) инфратузилма

2. Тушириб қолдирилган сўзларни тўлдиринг:

«Инфратузилманинг мақсадичекланган шароитда унинг иштирокчиларини фойдасини юқорилаштиришдан иборатдир».

- А) тўловга қобилиятли талаб чекланганда
- Б) тўловга қобилиятли талаб чекланмаганда
- В) талаб ва таклиф мувозанати юз берганди
- Г) талаб таклифга нисбатан ошганда
- Д) таклиф талабга нисбатан камайганда

3. Мосликни ўрнатинг:

- А) АСМ тармоқлари
- Б) Инфратузилма тармоқлари
 - 1. энергетика
 - 2. қишлоқ хўжалиги
 - 3. биржалар
 - 4. транспорт
 - 5. қишлоқ хўжалигига техника етказиб берадиган саноат тармоқлари
 - 6. коммуникация
 - 7. қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари
 - 8. банклар
 - 9. консигнацион омборлар
 - 10. улгуржи базалар

Тўғри / нотўғри

1. Инфратузилма ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотлари сифатан юқори бўлиши учун шартшароитлар яратишга йўналтирилган.
2. Моддий ишлаб чиқариш инфратузилмасининг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги корхоналарини ишлаб чиқариш вазифасини бажаришдан иборатдир.
3. Инфратузилма элементларининг характеристини кўп томонлама ҳисобга олган ҳолда уни конкрет хусусияти бўйича туркумлаш мумкин.
4. АСМ инфратузилмасини ишлаб чиқариш жараёнига таъсири даражаси бўйича қуидаги икки гурухга бўлиш мумкин: ишлаб чиқариш ва ижтимоий.
5. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичи обьектлар ишлаб чиқариши харажатларининг ўз-ўзини қоплаши ҳисобланади.

6. Худудий хусусияти бўйича инфратузилма ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларга бўлинади.
7. Ишлаб чиқариш жараёнига таъсир даражаси бўйича халқ хўжалиги, худудий ва маҳаллий инфратузилмаларга бўлинади.

3-мавзу. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўргасидаги алоқаларнинг хуқуқий ва иқтисодий шароитлари

Бозор муносабатларининг ҳозирги босқичида, аввало, барча мавжуд маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари инсоннинг ўй-фикрлари, фаолияти, унга баҳтиёр ҳаётни инъом этишга бўйсундирилган бўлмоғи лозим. Қишлоқда хизмат кўрсатиш маданиятига алоҳида эътибор бериш тақозо этилади. Биринчидан, қишлоқда ижтимоий инфратузилма ва унинг ажралмас қисми – хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали аҳолининг турли хизматларга бўлган эҳтиёжи қондирилса, иккинчидан, ортиқча меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммоси ҳал қилинишига ёрдам беради. Бундан ташқари, шу соҳада банд аҳоли даромадлари ҳамда давлат хазинаси маблағларининг (солиқлар орқали) шаклланиш даражаси ортади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда меҳнат жамоасини назорат қилиш, улар меҳнатининг унумдорлигини техника ёрдамида ошириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Шунингдек, бозор талабидан келиб чиқсан ҳолда янги мутахассисликлар юзага келади, эски мутахассисликларга эса улар – маънавий жиҳатдан ҳаётдан орқада қолганлиги туфайли талаб камайиб боради, замонавий техника, технология тараққиёти ишлаб чиқариш корхоналаридан ишловчиларни янги соҳаларни эгаллашга ҳар томонлама сафарбар этади.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 3.1. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини таҳлилидаги усулларни изоҳлай олади.
- 3.2. Бозор шароитида корхоналарнинг хуқуқий иқтисодий имкониятларини кўрсата олади.

Асосий тушунчалар ва иборалар:

1. Статистик гурухлаш усули
 2. Таққаслаш усули
 3. Корхоналарни қишлоқ жойларда ташкил этиш
 4. Ижара шаклидаги ишлаб чиқариш ва бошқарув тизими
 5. Ижара
- А) Таққослаш усули ёрдамида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ўзаро узвий боғлиқ кўп кўрсаткичлар бир-бирига солиштирилади.
- Б) Статистик гурухлаш услуби қишлоқ хўжалигини ривожлантириш имкониятларини аниклаб беришнинг муҳим воситасидир.

В) Ижара шаклидаги ишлаб чиқариш ва бошқарув тизими қишлоқ хўжалиги ходимларининг ижтимоий шароитларини яхшилайди, шунингдек, эркинлик, тадбиркорлик ва мулкка эгалик туйғуларини шакллантиради. Ижара факат маълум мулкнинг субъектлари орасида хўжалик вазифаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш имконини берибина қолмай, балки уларнинг иқтисодий эркинлиги ва ўзаро боғлиқлигини таъминлайди.

Г) Корхоналарни қишлоқ жойларда ташкил этиш, аввало, меҳнат ресурсларини жалб этишга қулай имкониятлар мавжудлиги билан алоҳида аҳамиятга эга, чунки қишлоқларда ишчи кучининг ортиқлик даражаси шаҳарлардагига нисбатан анча юқори.

Д) Бошқаришнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у бевосита кишилар меҳнатини ташкил этиш ва улар фаолиятини мақсадга мувоғик амалга оширишга йўналтирилган кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривож топиши билан раҳбар ходимлар вазифаси, масъулият даражаси ўзгариб, вазиятли ёндашишга бўлган талаб ўсиб бормоқда.

Тестлар

1. Бозор иқтисодиётига ўтаётган даврда янгитдан барпо этилган хўжаликлар?

- А) Ижара, дехқон хўжаликлари, майда, кўшма корхоналар
- Б) Совхозлар, бирлашмалар, заводлар
- В) Колхозлар
- Г) АгроФирмалар
- Д) Уюшмалар

2. Тушириб қолдирилган сўзларни тўлдиринг:

.....шартнома асосида хўжаликни мустақил юритиш мақсадида асосий воситаларни ижарачига зарур бўлган миқдорда ҳақ тўлаш эвазига муддатли эгалик қилиш, ундан фойдаланиш

- А) фермерлик
- Б) ижара
- В) лизинг
- Г) банклар
- Д) кредит

3. Мосликни ўрнатинг

- А) Ишлаб чиқариш инфратузилмаси
- Б) ижтимоий инфратузилма
 - 1. транспорт
 - 2. алоқа
 - 3. энергетика
 - 4. уй жой ва коммунал хўжалик
 - 5. савдо ва умумий лўқатланиш
 - 6. моддий техника таъминоти

7. тайёрлов
8. таълим ва маданият
9. элеватор
- 10.тиббий пунктлар

Тўғри / нотўғри

1. Гуруҳларга ажратилган услугуб ёрдамида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ўзаро узвий боғлиқ қўп кўрсаткичлар бир-бирига солиштирилади.
2. Таққаслаш усули гуруҳлаш маълумотларини маълум белгиларга кўра, гуруҳларга бўлиш, демакдир.
3. Статистик гуруҳлаш услуби қишлоқ хўжалигини ривожлантириш имкониятларини аниқлаб беришнинг муҳим воситасидир. Унинг ёрдамида сифати бир хил бўлган кўрсаткичлар бир гурухга бирлаштирилади.
4. Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий шароити таҳлил этилаётганида унинг жойлашган ери, туман ва вилоят марказига, темир йўл станциясига, маҳсулот топшириладиган ва сотадиган омборга яқин-узоқлиги эътиборга олинади.
5. Ишлаб чиқариш самарадорлиги корхоналарнинг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, ишчи ўринларининг таркиби ва хусусиятини белгилаш, қишлоқларда яшовчилар муаммосини ҳал қилишга ёрдам беради, бир сўз билан айтганда, ижара шакли аграр секторнинг ижтимоий-иқтисодий йўналишига ижобий таъсир кўрсатади.
6. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда меҳнат жамоасини назорат қилиш, улар меҳнатининг унумдорлигини техника ёрдамида ошириш муаммо ҳисобланади.
7. Моддий, молия ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишини таъминлаш мақсадида бошқаришнинг барча босқичларида индекатив режалаштириш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмасдир.

4-мавзу. АСМда моддий-техника таъминотининг ташкилий ва иқтисодий омиллари

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси – фан-техника янгиликларидан кенг қўламдан фойдаланиладиган, электрлашган йирик машина ишлаб чиқаришидир.

Қишлоқ хўжалигининг моддий базаси таркибига ер ресурслари, тракторлар, машиналар, меҳнат қуроллари ва буюмлари; электр жиҳозлари; ёнилғи ва мойлаш материаллари, таъмир техникаси, ишлаб чиқариш бинолари, меторация ва йўл иншоотлари; алоқа воситалари; маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлар; қўп йиллик дараҳтлар; уруғлиқ; озиқ ва ҳоказолар киради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги "Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги П1 424-сонли қарорининг қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга асосан вазирлик мақомидаги "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси

ташкыл этилди, унинг тузилмаси тасдиқланди, энг мухими, 2001-2007 йиллар мобайнида, тажриба тариқасида "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компанияси заводлари ва қўшма корхонлари томонидан ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги машиналарини (биринчи навбатда тракторлар ва ўрим-йигим техникасини) машина-трактор паркларига, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар)га ва фермер хўжаликларига 7 йил муддатга лизингга беришнинг ташкилий, иқтисодий ҳамда техникавий механизмлари аниқ ва равshan белгилаб қўйилди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий-техника таъминотини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуидагилардир: ҳар бир қишлоқ хўжалиги зонасига мос келадиган ва иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган техника ишлаб чиқариш ва шу асосда ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш; ишлаб чиқаришни автоматлаштириш воситаларидан кенг қўламда фойдаланиш; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кимёлаш дарражасини ошириш ва иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришга уринишdir

Идентив ўкув мақсадлари:

- 4.1. Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника таъминотининг ташкилий ва иқтисодий омилларини тушунтира олади.
- 4.2. Қишлоқ хўжалигига лизинг муносабатларини ёрита олади

Асосий тушунчалар ва иборалар:

1. Лизинг.
2. Техника марказлари
3. Ер
4. Муқобил МТП
5. Қишлоқ хўжалигининг моддий техника маркази
 - А) Моддий бойлик ишлаб чиқариш шароитида бевосита банд бўлган меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари йиғиндиси тушунилади.
 - Б) Қишлоқ хўжалигига асосий ишлаб чиқариш воситасидир.
 - В) Узоқ муддатга қишлоқ хўжалик техникасини ижарага бериш.
 - Г) У ёки бу худудда машина ва ускуналар ишлаб чиқарувчининг вакили сифатида фаолият кўрсатади.
 - Д) Қишлоқ хўжалиги ширкати таркибида муқобиллик асосида ташкил этиладиган хусусий машина-трактор парклари.

Тестлар

1. Қишлоқ хўжалигини моддий-техника ресурслари хақида тушунча.
 - А. Ишлаб чиқаришда қатнашган меҳнат ресурслари
 - Б. Мавжуд бўлган асосий ва айланма воситалар, ер ресурсларининг ҳаммаси
 - В. Темир йўл, ҳаво транспорти, сув ресурслари

Г. Тракторлар сони
Д. Хом ашё

2. Тушириб қолдирилган сўзларни тўлдиринг:

«..... – фан-техника янгиликларидан кенг кўламдан фойдаланиладиган, электрлашган йирик машина ишлаб чиқаришидир».

- А) муқобил МТП
- Б) техника марказлари
- В) қишлоқ хўжалигининг моддий техника базаси
- Г) қишлоқ хўжалиги техникаси
- Д) асосий ишлаб чиқариш фонdlари

3. Мосликни ўрнатинг:

- А) Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника таъминотининг ташкилий омиллари
- Б) Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника таъминотининг иқтисодий омиллари
 - 1. электрлаштириш
 - 2. ер
 - 3. техника
 - 4. ишлаб чиқаришни автоматлаштириш
 - 5. қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши биологик жараёнлар билан чатишиб кетиши
 - 6. қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кимёлаш
 - 7. тупроқ-иклим шароити
 - 8. ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш
 - 9. иш даври билан ишлаб чиқариш вақти бир-бирига мос келмаслиги
 - 10. меҳнат ресурслари

Тўғри / нотўғри

1. Қишлоқ хўжалигининг энергетика ресурсларига хўжалик ихтиёридаги тракторлар, комбайнлар, пахта териш машиналари, стационар двигателлар, автомашиналар, электр генераторлар, пасайтирувчи трансформаторлар, ишчи ҳайвонлар ва бошқа турдаги механизмлар киради.
2. Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасида асосий ролни техника ўйнайди.
3. қишлоқ хўжалигига иш даври билан ишлаб чиқариш вақти бир-бирига мос келмаслиги туфайли ишлаб чиқариш мавсумий характерга эга.
4. лизинг тизими мижозларнинг техникани сотиб олиш ва уни молиялаштиришни очиб беради.
5. моддий-техника таъминотида иқтисодий омилларга иқлим, биологик жараён ва мавсумийлик киради.

6. техник марказлар у ёки бу иш тартибларини бажариш учун машиналар мажмуини етказиб беради, уларни нефть маҳсулотлари билан ўз хисобидан таъминлайди, техник сервис хизмати кўрсатади.

5-мавзу. Электр энергиясидан фойдаланишни ташкил этиш қилиш

Халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги каби қишлоқ хўжалигида ҳам электр энергияси билан таъминланганлик ва ундан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалигида электр энергияси асосан ёритиш, иситиш, яъни иссиқхоналар, сув кўтариб берувчи насос станцияларни электрлаштириш, стационар ва кўчма суғориш агрегатларини электрлаштириш, инкубаторияларда ҳамда чорвачилик фермаларида микроиқлим ҳосил қилиш ва бошқалар учун ишлатилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тўла электрлаштириш меҳнат унумдорлигини оширади, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради.

Деҳқончиликда электр энергиясидан фойдаланиш экинларни суғориш ишларини механизациялаш имконини яратиб, меҳнат харажатларини 10-20% га, эксплуатация харажатларини эса 10% га камайтиради. Иссиқхонани иситиш, ёритиш, сув насосларини ишга солиш ишларида электр энергиясидан фойдаланиш фақат меҳнат сарфини камайтирибгина қолмай, балки ҳар га экин майдонидан олинадиган ҳосилни ҳам оширади. Ҳар бир сўмлик электр энергияси хисобига 100-150 сўмлик маҳсулот яратилади.

Чорвачиликда электр энергиясидан фойдаланиш меҳнат сарфини кескин камайтиришга олиб келади. Электр энергиясидан фойдаланиш фермадаги бир қатор ишлар, шу жумладан, сув билан таъминлаш, озиқларни ҳайвонларга бериш, сигирларни соғиши, юкларни ташиш, кўй жунларини қирқиши, сутга дастлабки ишлов бериш, инкубация ва ҳоказо ишларни механизациялар ёрдамида бажариш имконини беради.

Идентив ўқув мақсадлари:

5.1. Электрлаштириш – техник тараққиётнинг муҳим йўналиши эканлигини изоҳлаб бера олади

5.2. Электр энергиясидан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини айта олади.

Асосий тушунчалар ва иборалар:

1. табиий монополия
2. электр энергияси билан таъминланганлик
3. электр узатиш тармоқлари
4. электр тарқатувчи обьектлар

А) ёритиш, иситиш, яъни иссиқхоналар, сув кўтариб берувчи насос станцияларни электрлаштириш, стационар ва кўчма суғориш агрегатларини электрлаштириш, инкубаторияларда ҳамда чорвачилик фермаларида микроиқлим ҳосил қилиш

Б) электр энергияси

В) қорындарни суғориши билан бөлгөн жараёнларда сув күтариш қурилмалари узлуксиз ишлаши, иккинчидан, етиштирилген айрим маҳсулот турларини омборхоналар ва совутгичларда бузилмасдан сақланишини таъминлайди.

Г) чорвачилик соҳаси ёки паррандачилик тармоқларида электр энергиясидан фойдаланиш жараёнида етиштириладиган маҳсулот сифати ва микдорини оширишда ўз таъсирини қўрсатади.

Тестлар

1. Қишлоқ хўжалигини энергетик ресурсларини нималар ташкил этади?

- А. Электростанцияларда ишлаб чиқарилаётган электроэнергиялар
- Б. Трактор ва автомашина, энергетик, механик двигателлар ҳамда ишчи ҳайвонлари қучи
- В. Қуёш энергияси, атом энергияси
- Г. Ўғитлар
- Д). Хом ашё

2. Тушириб қолдирилган сўзларни тўлдиринг:

Қишлоқ хўжалигидаги.....асосан ёритиш, иситиш, яъни иссиқхоналар, сув күтариб берувчи насос станцияларни электрлаштириш, стационар ва кўчма суғориши агрегатларини электрлаштириш, инкубаторияларда ҳамда чорвачилик фермаларида микроклимат ҳосил қилиш ва бошқалар учун ишлатилади.

- А) техника
- Б) технология
- В) электр энергияси
- Г) двигателлар
- Д) ёриткичлар

3. Мосликни ўрнатинг

- А) электр энергияси тармоқлари
 - Б) электрлаштириш кўрсаткичлари
1. ер майдони ва шудгор қилинган ерларда: натурал ва пул ҳисобида экинлар бўйича дехқончилик маҳсулотлари етиштириш;
 2. ёритиш
 3. ҳайвонлар тури бўйича уларнинг сони натурал ва пул ҳисобида чорвачилик маҳсулотларини етиштириш;
 4. иситиш
 5. электрлаштириш
 6. микроклимат ҳосил қилиш
 7. соҳалар ва жараёнлар бўйича электр двигателлари, электр аппаратлари, қурилмалар сони ва қуввати, электрлаштириш воситалари нинг қиймати

Тұғри / нотұғри

1. Қишлоқ хұжалигіда етиштирилаётган ялпи маҳсулотнинг 67 % и нодавлат сектори ҳиссасыга тұғри келмоқда.
2. Қишлоқ хұжалигига хизмат күрсатувчи ишлаб чиқариш инфратузилмалари объектларыда бир қанча йирик тармоқтар давлат тасарруфида қолган бўлиб, булар қаторига электр узатиш, йўл хұжалиги, асосий транспорт хұжалиги ва бошқа шу каби тармоқлар киради.
3. Энергетика ресурслари таркибида иситиш асосий ўринни эгаллайди.
4. Қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришини тўла электрлаштириш меҳнат унумдорлигини оширади, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради.
5. Дехқончиликда электр энергиясидан фойдаланиш экинларни суғориш ишларини механизациялаш имконини яратиб, меҳнат харажатларини 10-20% га, эксплуатация харажатларини эса 10% га камайтиради.

6 – мавзу. АСМ да транспорт хизматини ташкил қилиш

Моддий ишлаб чиқариш тўрт соҳадан: қазиб олувчи; ишлаб берувчи; саноат; дехқончилик ва транспортдан ташкил топган. Транспортнинг бошқа ишлаб чиқарувчи соҳалардан фарқи шундаки, у янги маҳсулот яратмайди, балки ишлаб чиқарилган моддий бойликни истеъмолга етказади.

Транспорт ёрдамида соҳалар, соҳа ичидаги тармоқлар, тармоқ ичидаги корхоналар бир-бири билан боғланиб, ишлаб чиқариш жараёни маромида бориши учун барча шароитлар яратилади. Транспорт ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги алоқани таъминлайди. Иш кучи, меҳнат қуроллари ва меҳнат буюмларини бир жойдан иккинчи жойга кўчириб, жами истеъмол маҳсулоти кўламига таъсир кўрсатади.

Транспорт ёрдамида соҳалар, соҳа ичидаги тармоқлар, тармоқ ичидаги корхоналар бир-бири билан боғланиб, ишлаб чиқариш жараёни маромида бориши учун барча шароитлар яратилади. Транспорт ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги алоқани таъминлайди. Иш кучи, меҳнат қуроллари ва меҳнат буюмларини бир жойдан иккинчи жойга кўчириб, жами истеъмол маҳсулоти кўламига таъсир кўрсатади.

Транспорт воситалари ёрдамида моддий бойликлар бир жойдан иккинчи жойга кўчирилиши натижасида истеъмолгача яқинлашади, истеъмол қийматининг ташкил топиши тезлашади.

Идентив ўқув мақсадлари:

АСМда транспортнинг аҳамиятини очиб бера олади.

Транспортдан фойдаланишини ташкил қилишни ёрита олади

Асосий тушунчалар ва иборалар:

1. Транспорт
2. бир тонна километр юк таннархи кўрсаткичи
3. транспорт воситларининг соатлик ёки сменалик иш унуми кўрсаткичи

4. машинанинг юк күтариш коэффициенти күрсаткич
5. машинанинг ишда бўлиш коэффициенти күрсаткичи

А) ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги алоқани таъминлайди.
Б) умумий ташилган юкнинг юк билан босилган йўлга нисбати билан аниқланади.
В) ишда бўлган машина-куnlари сонини машинанинг хўжаликда бўлган машина кунлари сонига бўлиш билан аниқланади.
Г) қилинган харажатларни ташилган тонна. километрга бўлиш йўли билан;
Д) ташилган тонна километр юкнинг сарфланган вақтга нисбати билан;

Тестлар

1. Транспортнинг қандай турлари мавжуд?

- А) автомобиль
 - Б) темир йўл
 - В) денгиз
 - Г) ҳаво
 - Д) ҳамма жавоблар тўғри

2. Тушириб қолдирилган сўзларни тўлдиринг:

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳисоби ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг калькуляцияси тўғри ташкил қилинмаса ва йўлга қўйилмаса, корхона мукаррар равишда инқирозга учрайди.

- А) мұомала харажатлари
 - Б) ишлаб чиқариш харажатлари
 - В) домий харажатлар
 - Г) ўзгарувчан харажатлар
 - Д) хамма жавоблар нотүғри

3. Мосликни ўрнатинг

- А) АСМда транспортнинг хусусиятлари
 - Б) Транспорт хизматлари нархини белгилаш
 - 1. корхоналарда тарифларни ишлаб чиқиш ва белгилаш
 - 2. қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кенг худудда етиштирилиши туфайли уларни ташиш бир қатор қийинчилликларни келтириб чиқаради;
 - 3. Таннарх асосида ишлаб чиқаришни бошқариш
 - 4. бошқарув қарорларини қабул қилиш
 - 5. ташиладиган юклар тури, ҳажми, хусусиятига кўра хар хилдир;
 - 6. транспорт воситалари ширкат хўжаликларига кам боради.
 - 7. асосий хўжалик фаолияти (тушум)дан олинган даромадлар

Түгри / нотүгри

1. Транспорт ёрдамида соҳалар, соҳа ичидаги тармоқлар, тармоқ ичидаги корхоналар бир-бiri билан боғланиб, ишлаб чиқариш жараёни маромида бориши учун барча шароитлар яратилади.

2. Транспорт бозор билан истеъмол ўртасидаги алоқани таъминлайди.
3. Автомобиль ташувлари, бошқа ишлар ва хизматларга тарифларни белгилаш кўп омилларни ҳисобга олувчи мураккаб жараёндир.
4. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг калькуляцияси тўғри ташкил қилинмаса ва йўлга қўйилмаса, корхона муқаррар равишда инқирозга учрайди.
5. Даромадларни ҳисобга олиш асосий вазифалардан бири бўлиб, асосий хўжалик фаолияти (тушум)дан олинган даромадларни тан олиш ҳисобланади.

7-мавзу. Ижтимоий инфратузилманинг мазмуни ва тушунчаси

Ижтимоий инфратузилма аҳолининг фаровонлигини ошириш, кишилар меҳнат шароити ва турмуш тарзини яхшилаш билан боғлиқ муҳим ижтимоий вазифаларни ҳал этар экан, жамият аъзоларининг эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайди, мамлакат иқтисодий юксалиши учун шароит яратади.

Ҳозирги вақтгача ижтимоий инфратузилманинг комплекс ривожлантириш даражаларини белгиловчи нормативлар тизими ишлаб чиқилмаган. Амалдаги идоравий меъёрлар ва нормативлар одатда, ижтимоий мақсадларга йўналтириладиган ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги тизимига асосланади.

Ҳозирги вақтгача ижтимоий инфратузилманинг комплекс ривожлантириш даражаларини белгиловчи нормативлар тизими ишлаб чиқилмаган. Амалдаги идоравий меъёрлар ва нормативлар одатда, ижтимоий мақсадларга йўналтириладиган ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги тизимига асосланади.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 7.1. Ижтимоий инфратузилманинг моҳияти ва тузилмасини айтиб бера олади.
- 7.2. Ижтимоий инфратузилмани бошқариш муаммоларини еча олади

Асосий тушунчалар ва иборалар:

1. Ижтимоий инфратузилманинг меъёрий базаси.
 2. Ижтимоий инфратузилма
 3. Ижтимоий нормативларни белгиловчи демокрафик омиллар
 4. Ижтимоий нормативларни белгиловчи жўғрофий омиллар
 5. Ижтимоий нормативларни белгиловчи ижтимоий омиллар
- А). жамият аъзоларининг эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайди, мамлакат иқтисодий юксалиши учун шароит яратади.

Б). мақсадлы нормативлар, комплекс ижтимоий андозалари; иқтисодий нормативлар (қиёсий сарфлар нормативлари, фойдаланилаётган ресурслар учун тұловлар).

В). ақоли жойлашув таркиби, шаҳарлашув (урбанизация) даражаси; биологик иқлим хусусиятлари, табиий иқлим шароитининг меҳнат туси ва режимига, халқ хўжалигининг ихтисослашуви, меъморчиликка таъсири

Г). ахолининг кўпайиш режими, унинг сони, таркиби ва табиий кўчиб юриш таъсирида жойлашувнинг ўзгариши, ақоли миграцияси ва сафарбарлиги; ақоли ва меҳнат ресурсларининг жинсий ва ёш таркиби; оиласарнинг шаклланиши, ўсиш ва ажратиш шароити,

Д). ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш даражаси ва ўсиш истиқболи, минтақанинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги улуши; ҳозирги босқичда ва истиқболда халқ хўжалигининг таркиби, бошқарув тизими, минтақада илмий-техник тараққиёти туси

Тестлар

1. Ижтимоий инфратузилма таркиби.

- А) Жисмоний тарбия, маориф, маданият
- Б) Уй-жой, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт, маориф, маданият, савдо, транспорт
- В) Уй-жой, қурилиш, транспорт
- Г) Савдо ва транспорт
- Д) Умумий овқатланиш

2. Тушириб қолдирилган сўзларни тўлдиринг:

..... ишлаб чиқища минтақавий хусусиятлар, шаҳар ва қишлоқ жойларда, ақоли турмуш тарзи ва бошқа кўп жиҳатлар ўртасидаги тафовфутларни ҳисобга олмоқ лозим.

- А) нархларни
- Б) солиқ миқдорини
- В) ижтимоий нормативларни
- Г) ишлаб чиқариш нормативларини
- Д) таннархни

3. Мосликни ўрнатинг

- А) ижтимоий нормативларни белгиловчи ижтимоий омиллар
- Б) ижтимоий нормативларни белгиловчи демографик омиллар
- 1. ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш даражаси ва ўсиш истиқболи
- 2. ахолининг кўпайиш режими
- 3. ақоли миграцияси ва сафарбарлиги
- 4. минтақада илмий-техник тараққиёти туси
- 5. ахолининг миллий таркиби
- 6. миграция оқимлари таркиби
- 7. шаҳар ва қишлоқ ахолисининг турмуш тарзи

Тўғри / нотўғри

1. Ижтимоий нормативларни белгиловчи демографик омиллар – аҳоли жойлашув таркиби, шаҳарлашув (урбанизация) даражаси; биологик иқлим хусусиятлари.
2. Ижтимоий инфратузилма мураккаб вазифалар тизимидан иборат бўлиб, унда барча унсурлар ўзаро боғланганки, улардан бирининг ривожланишдан орта қолиши бошқаларидан самарасиз фойдаланилишига сабаб бўлади.
3. Ижтимоий нормативларни белгиловчи жуғрофий омиллар – аҳолининг кўпайиш режими, унинг сони, аҳоли миграцияси ва сафарбарлиги;
4. Инфратузилманинг ривожланиши иқтисодиёт реал сектори билан бевосита боғланганки, у мазкур тузилманинг ҳолати ва ўсиш суръатларини шакллантиради.
5. Ижтимоий нормативларни белгиловчи ижтимоий омиллар – ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш даражаси ва ўсиш истиқболи, минтақанинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги улуши;

8-мавзу. Қишлоқларда аҳолига маданий - майший хизмат кўрсатиши ривожлантириш

Қишлоқда хизмат кўрсатиши соҳасини ривожлантириш тартиби, уни ташкил этиш тизими ва йўналишлари турли хил.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиши тармоқлари асосан шаҳар ва туман марказларида кўпроқ жойлашган бўлса, энди уни шаҳар атрофидаги посёлка, қишлоқларда ташкил этиш зарурати ортмоқда. Шуни доимо назарда тутмоғимиз керакки, хизмат кўрсатиши тармоқлари даражаси мамлакатнинг тараққий этаётганлиги, жамиятнинг ривожланаётганлигини кўрсатувчи мухим мезондир.

Маданий-майший хизмат кўрсатиши таркибига қўйидаги хизматлар киради: пойабзал таъмирлаш ва тикиш; кийим-бош ва трикотаж молларини тикиш, тўқиши ва таъмирлаш; телерадио, видео, аудио аппаратларини таъмирлаш; металл буюмларини тайёрлаш ва таъмирлаш; автомобилларга техник хизмат кўрсатиши; мебель ясаш ва таъмирлаш; кимиёвий тозалаш ва бўяш; кир ювиш хизмати; уй-жойларни таъмирлаш ва куриш;

Қишлоқда ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига давлат тасарруфидан чиқариш ва қўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 8.1. Ўзбекистон Республикасида аҳолига маданий-майший хизмат кўрсатиши турлари ва улар фаолиятини янгича ташкил қилишни тушунтира олади.
- 8.2. Қишлоқда маданий-майший хизмат кўрсатиши корхоналарини ташкил қилишда мулкчиликни ёрита олади

Асосий тушунчалар ва иборалар:

1. Хизмат күрсатиши соҳаси
2. Ахолини иш билан таъминлаш
3. Маданий-маиший хизмат
4. Маиший хизмат күрсатиши уюшмаси
5. Ижтимоий муҳофаза

А) саноат, хизмат күрсатиши соҳаларини қишлоқقا олиб келиш, маҳсулотларни қайта ишлайдиган саноат корхоналарини қишлоқقا жойлаштириш.

Б) ишлаб чиқаришга хизмат қилиш; маҳсулотни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган хизмат күрсатиши; маҳсулотни сотиб олиш ва аҳолига етказиб бериш бўйича хизмат күрсатиши, техник-транспорт хизматини яхшилаш;

В) миший хизмат күрсатувчи корхоналарни «Истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга, «Миший хизмат күрсатиш корхоналари қоидалари»га тўла риоя этиш бўйича назорат қиласи.

Г) пойабзал таъмирлаш ва тикиш; кийим-бош ва трикотаж молларини тикиш, тўкиш ва таъмирлаш; телерадио, видео, аудио аппаратларини таъмирлаш;

Д) Давлат мулк кўмитаси, вилоятлар ва шаҳар савдо, аҳолига миший хизмат күрсатиши ва халқ истеъмоли ишлаб чиқарувчилари департаменти, инвестиция бошқармалари, «Бизнес-фонд», Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси

Тестлар

1. Маданий-маиший хизмат күрсатиши турлари

- А) металл буюмларини тайёрлаш ва таъмирлаш;
- Б) автомобилларга техник хизмат күрсатиши;
- В) мебель ясаш ва таъмирлаш;
- Г) кимиёвий тозалаш ва бўяш;
- Д) ҳамма жавоблар тўғри

2. Тушириб қолдирилган сўзларни тўлдиринг:

Бугунги кундатармоқлари асосан шаҳар ва туман марказларида қўпроқ жойлашган бўлса, энди уни шаҳар атрофидаги посёлка, қишлоқларда ташкил этиш зарурати ортмоқда.

- А) ишлаб чиқариш
- Б) хизмат күрсатиши
- В) етказиб бериш
- Г) истеъмол
- Д) қайта ишлаш

3. Мосликни ўрнатинг

- А) Хизмат нўрсатиши тармоқлари
- Б) Маданий-маиший хизмат күрсатиши тармоқлари
1. миший хизмат күрсатиши;

2. сартарошлиқ ва косметолог хизмат;
3. йўловчи ташиш хизмати;
4. алоқа хизмати;
5. ҳаммом ва душ хизмати;
6. уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш;
7. сурат ва ва сурат кинолаборатория хизмати;
8. ҳаммом ва душ хизмати;

Тўғри / нотўғри

1. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналаридан тушган соликлар аҳолига майший хизмат кўрсатиш обьектларини қуриш, реконструкция қилиш жараёнидаги харажатларни оширилади.
2. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантиришда мухим ўрин тутиши керак.
3. Қишлоқда ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида давлат тасарруфидан чиқариш ва кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.
4. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасида кадрлар тайёрлаш ўтиш даврининг талаби бўлган узлуксиз таълим асосида бажарилади.
5. Маиший хизмат кўрсатиш ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳозирда ташкил қилинаётган ўқув марказлари, ойлик курсларда, чет элнинг Ўзбекистондаги ўқув фондлари, фирмалар ёки жисмоний шахслар буюртмалари бўйича пулсиз амалга оширилади.

9-мавзу. Соғлиқни сақлашни ташкил қилиш

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни ривожлантириш тамойиллари ишлаб чиқилган бўлиб, у соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг узоқ даврга мўлжалланган истиқболларини назарда тутади: ривожланишнинг экстенсив йўлидан тиббий-санитария муассасаларини интенсификациялашга ўтиш; ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича янги иқтисодий механизmlарни шакллантириш; соғлиқни сақлаш бошқарувини марказлаштиришдан воз кечиш; соғлиқни сақлашда янги молиявий механизmlарни яратиш; аҳоли соғлиғини муҳофаза этишда устувор йўналишларни белгилаш; олий тиббий таълим ва тиббий кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш; юқумли касалликларнинг олдини олиш чораларини кўриш.

Шунинг ўзиёқ аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг тиббиёт техникаси ва жиҳозларига бўлган эҳтиёж бозорини қондириш имконини беради. Бундан ташқари, молиялаштиришни марказлаштиришдан воз кечиш соғлиқни сақлаш бюджетининг 80-85 %ини маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан шакллантиш ва 12-20 %ини республика миқёсида сақлаб қолиш имконини яратди. Яқин йилларда соғлиқни сақлаш бюджети маблағлари 60

%ини давлат ҳисобидан, 30 %ини тиббий суғуртани ривожлантириш ҳисобидан ва 10 %ини пуллик хизмат ҳисобидан қоплаш мўлжалланмоқда.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 9.1. Соғлиқни сақлаш муассаларининг таъминотини тушунтира олади.
- 9.2. Соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотларни ёрита олади.

Асосий тушунчалар ва иборалар:

1. Соғлиқни сақлаш тизими
2. Соғлиқни сақлашни молиялаштириш
3. Соғлиқни сақлашни ривожлантириш тамойиллари
4. Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш
5. Пуллик тиббий хизматлар

- А) камбағалликни қисқартириш ва хизмат учун эса ўзи ҳақ тўлай олмайдиганларни тиббий ёрдам билан таъминлашнинг зарурати
Б) амбулатория, молиявий режалаштириш, бюджет-суғурта модели
В) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги
Г) соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришни интенсификациялаш ва заҳиралардан самарали фойдаланиш бўйича янги иқтисодий механизmlарни шакллантириш
Д) юқори малакали, ихтисослаштирилган, тиббий ёрдамга муҳтоҷjem беморларни қабул қилувчи ҳамда замонавий ташхис ва даволаш тиббий ускуналаридан фойдаланиб даволайдиган маҳсус клиникалар ва тиббий марказлар

Тестлар

1. Соғлиқни сақлаш истиқболлари

- А) ривожланишнинг экстенсив йўлидан тиббий-санитария муассасаларини интенсификациялашга ўтиш;
Б) ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича янги иқтисодий механизmlарни шакллантириш;
В) соғлиқни сақлаш бошқарувини марказлаштиришдан воз кечиш;
Г) соғлиқни сақлашда янги молиявий механизmlарни яратиш;
Д) ҳамма жавоблар тўғри

2. Тушириб қолдирилган сўзларни тўлдиринг:

Соғлиқни сақлашнинг қайта қуриш тиббий хизматлар бозорини яратишда, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва унинг турли шаклларини вужудга келтиришда намоён бўлади.

- А) давлат тизимини
Б) хусусий тизимни
В) аралаш тизимни
Г) тоталитар тизимни
Д) давлатлаштирилган тизимни

3. Соғлиқни ўрнатинг

- А) Соғлиқни сақлашни ривожлантириш тамойиллари
- Б) Соғлиқни сақлашдаги ислоҳотларнинг асосий қоидалари
 1. тиббиёт хизматини қайта тузиш
 2. ривожланишнинг экстенсив йўлидан тиббий-санитария муассасаларини
 3. интенсификациялашга ўтиш;
 4. амбулатория-ёрдам маркази
 5. тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарали, янги шаклларини жорий қилиш
 6. уйда даволаш
 7. ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича янги иқтисодий механизmlарни шакллантириш;
 8. соғлиқни сақлаш бошқарувини марказлаштиришдан воз кечиш;
 9. соғлиқни сақлашда янги молиявий механизmlарни яратиш;

Тўғри / нотўғри

1. Кўплаб ривожланган мамлакатларда bemорларнинг даволаниши учун қилинадиган сарфлар ҳиссаси умумий харажатлар миқдорининг 20-40 %и чегарасида тебраниб туради.
2. Амбулатория-поликлиника муассасаларини молиялаштириш хизмат кўрсатилган аҳоли сонига, доимий даволаш муассасаларида даволанган bemорлар сонига қараб белгилана бошлади.
3. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг молиявий асосларини шакллантириш негизида молиявий режалаштириш ётади.
4. Соғлиқни сақлаш муассасалари фаолият кўрсатишлари учун йўналтирилаётган молиявий маблағларнинг миқдори бевосита бажарилган ишлар ҳажми ва унинг самарадорлиги даражасига боғлиқ бўлмаслиги керак.
5. Тармоқни молиялаштиришнинг бюджет-суғурта модели шаклида тиббий муассасалар эҳтиёжи учун сарфларни қоплаш масаласини ҳал этишга энг мақбул ёндашувларни излашда соғлиқни сақлаш тизимини молиявий режалаштиришнинг ҳозирги амалиётини таҳлил этиш ёрдам беради.

10 – мавзу. Тайёрлов тизими ва унинг ташкилий – иқтисодий асослари

Тайёрлов тизимининг аҳамияти дехқон ва фермер хўжаликлари тармоқланиши билан ошиб боради. Шу жихатдан бу тизим замонавий, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги, прогрессив шакллари томонидан кўйилаётган келажакдаги талабларга ҳам жавоб бериши жуда муҳим. Замонавий шароитларда бундай талабларнинг кучайиши агросаноат кооперацияси (ҳамкорлиги) жараёни ишлаб чиқаришни янги ташкилий шакли сифатида намоён бўлиши билан боғлиқ ҳолда кузатилмоқда.

Агросаноат кооперацияси ва ишлаб чиқариш саноат асосида ташкил қилинадиган шароитда сотишнинг технологик жараёндаги роли таққослаб бўлмас даражада ортади. Ишлаб чиқаришнинг хўжаликларро ва агросаноат

корхоналари, комбинатлар ва бирлашмалар шаклида ташкил қилиниши маҳсус сотиши бўғинларини ташкил этиш (яратиш) заруратини туғдиради

Янги шароитларда маҳсулотлар қайта ишловчи корхоналарга тезроқ етказиб берила бошлади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳсулот сотишининг аникроқ тизимиға, қайта ишловчи корхоналар эса - кувватларнинг хом ашё билан ўз вақтида таъминланиш ва тўлиқ бандлигига эришиш имкониятига эга бўлдилар.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг маҳсулот сотишини ташкил этиш вазифаларидан озод этилиши, маъмурий қишлоқ ҳудуди доирасида янги сотиши бўғинининг ташкил қилиниши мантиқан асослидек кўринади. Сотиши бўғинининг вазифаси, қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқарадиган барча турдаги маҳсулотларни сотиши ҳисобланади.

Идентив ўқув мақсадлари:

Тайёрлов тизимини такомиллаштиришнинг объектив шарт-шароитлари ва унинг инфратузилма тармоғи сифатида шаклланишини тушунтира олади

Тайёрлов тизимининг режали-иқтисодий ва ташкилий амал қилишини такомиллаштириш масалаларини ёрита олади

Асосий тушунчалар ва иборалар:

1. Тайёрлов тизими
2. Технологик ва функционал хизматлар
3. Агросаноат кооперацияси
4. Маҳсулот сотиши тизими
5. Хўжаликлар аро кооперация

А) Агрономик, зоотехник ва бошқа хизмат турлари

Б) аниқ бир ҳудуд (минтақа) чегарасида қишлоқ хўжалигининг ривожланиши билан боғлиқ масалаларнинг бутун мажмуасини ечиши

В) Таъминот ва сотиши хизматларни мустақил бўлимларга ажратиш, ишлаб чиқариш омилларини бошқариш фойдасига қишлоқ хўжалигини бошқариш усули

Г) хўжаликларо хизмат умумий озиқ-овқат конвейери – ширкат, дехқон ва фермер хўжаликлари, транспорт ва қайта ишловчи корхоналар

Д) Ишлаб чиқаришнинг хўжаликларо ва агросаноат корхоналари, комбинатлар ва бирлашмалар шаклида ташкил қилиниши

Тестлар

1. Ихтисослашган технологик ва функционал хизматлар

- А) агрономик
- Б) зоотехник
- В) агрономик ва зоотехник
- Г) сотиши
- Д) қайта ишлаш

2. Тушириб қолдирилган сўзларни тўлдиринг:

..... – аввало, арzonроқ, шу билан бирга йирик партиядаги маҳсулот ишлаб чиқаришдир.

- А) марказлашув
- Б) концентрациялаш
- В) реализация қилиш
- Г) етказиб бериш
- Д) реклама қилиш

3. Мосликни ўрнатинг

- А) Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва марказлаштиришнинг тайёрлов тизимиға таъсири
- Б) Тайёрлов тизимининг режали-иқтисодий ва ташкилий амал қилишини такомиллаштириш масалалари
 - 1. дифференциал рента
 - 2. реализация қилинадиган маҳсулотни ҳисоблаш тизими
 - 3. ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви концентрацияси агросаноат интеграцияси
 - 4. ишлаб чиқаришнинг концентрацияси транспорт воситалари
 - 5. экиш айланмаси майдонлари ўлчами чекланганлиги

Тўғри / нотўғри

1. Мавжуд тайёрлов тизимининг йириклиги ва кўп қирралилиги қўшимча харажатларни юзага келтиради, бу эса маҳсулот баҳосини камайтиради.
2. Маҳсулот реализацияси жараёнининг кўп поғоналилигига барҳам бериш имконини яратувчи асосий йўналиш – бевосита (тўғридан-тўғри) алоқаларни ривожлантиришдир.
3. Бевосита алоқаларнинг самарадорлиги ва амал қилиши даражаси контрагентларнинг давомий ва доимий ўзаро муносабатлари жараёнида ортиб боради.
4. Тайёрлов ташкилотлари моддий-техника асосининг мустаҳкамланиши билан бевосита алоқаларнинг ривожланишига ҳам объектив шароитлар вужудга келмайди.
5. Қишлоқ хўжалиги корхонасининг бир вақтнинг ўзида ҳам ишлаб чиқариш, ҳам сотиш билан шуғулланалиши эндиликда асосланган ҳисобланади.
6. Қишлоқ хўжалигининг у ёки бу соҳасидаги раҳбар ва мутахассис бевосита ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уни бошқариш бўйича тобора кўпроқ ҳажмдаги ишларни бажариши лозим.

Асосий адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш. Агар муносабатларнинг янги турларини шакллантириш. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Абдуганиев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисоди. Дарслик. -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси қошидаги Адабиёт жамғармаси, 2004.
4. Абдуганиев А. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди». Маъruzалар матни. -Т., 2001.
5. Зокиров О. Қишлоқ хўжалиги иқтисоди. Дарслик. -Т.: ЎЗАЖБНТ, 2003.
6. Пассута В.И. Организация и нормирование труда на предприятиях. Минск: Новое знание, 2001.
7. Кузнецова В.В. Экономика сельского хозяйства. Ростов на Дону, 2003.
8. Бороздин. Земельные отношения и аграрная реформа. М.: Изд. Единства, 2002.
9. Тургаев А.К. Охрана труда в сельском хозяйстве. М.: Академия, 2003.
10. Дадабоев и другие. Организация фермерного хозяйства в Республике Узбекистан с учётом опыта США. Т.; 2003.
11. Петранева Г.А. Экономика и управление в сельском хозяйстве. М.: Академия, 2003.
12. Ильини З.М. Рынок сельскохозяйственного сырья и продовольствия. Минск: БГЕУ, 2000.
13. Николаев В.С. Основы технологии сельскохозяйственного производства. Земледелие и растениеводство. М.: Бўлина, 2000.
14. Цынкин Ю.А. Агромаркетинг и консалтинг. М.: Юнити, 2002.
15. Дадабоев Ю.Т. Экономика АПК. Часть-1, Т.; 2000.
16. Иванова В.Н. Основы социального управления. М.: Вўышая школа, 2001.
17. Петров М.Н. Основы экономики и предпринимательства. СПб.: Герда, 2001.
18. Голованов М.Д. Технологический основа развити экономики. Учебное пособие. М.: Российское Экономическое Академия, 2001.
19. Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства. Учебник. М.: Дело и Сервис, 2000.
20. Морозовой Т.Г., Пикулкин А.В. Прогназирование и планирование в условиях рўнка. Учебное пособие дял вузов. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000.
21. Салимов Б.Т., Ўроқов Н.И. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2004.

Қўшимча адабиётлар:

1. Основных показатели деятельности малых предприятий и микрофирм за 2003 год. Статистический бюллетень. Государственный комитет Республики Узбекистана по статистике, Т.; 2003.
2. Реализация бытовых услуг населения за 2002 год. Статистический бюллетень. Государственный комитет Республики Узбекистана по статистике, Т.; 2002.
3. Сеть предприятий бытовых обслуживания населения. Статистический бюллетень. Государственный комитет Республики Узбекистана по статистике, Т.; 2002.
4. Здравоохранения Узбекистана за 2001. Статистический сборник. МинМакроЭкономСтатистика Республики Узбекистана, Т.; 2002.

Информацион-техник воситалар

Интернет сайлари:

1. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети. www.tsue.uz
2. University of Hawaii at Hilo – Agroecology and Environmental Qulaity Program www.uhh.hawaii.edu
3. Московская сельскохозяйственная академия www.ecfak.timacad.ru
4. Институт АгроЭкономики и Бизнеса Приамурский www.admin.ru
5. Саратовская сельскохозяйственная академия. www.tstu.ru
6. Rozvoj integrace a infrastruktura. www.deloitte.com
7. Ikkinchis asossiy faktor esa infrastruktura va soliq yuki. www.forum.uz
8. ЛБР – сельскохозяйственная техника, комбайнў, косилки, сеялки, запчасти к сельхозтехники www.lbr.ru
9. Radio Tashkent International. http://info.uzpak.uz/uzb/econom_uzb/
10. Recently Published Books. www.eastview.com
11. Мардонова А.Т., Исҳоқова С.А. Аграр соҳада мулкий муносабатларни рўёбга чиқаришнинг долзарб услублари. www.skiilm.uz

Хорижий адабиётлар

1. Хаймон Д.Н. Современная микроэкономика: анализ и применение. Москва, Финансы и статистика, 2011 г.
2. Пассута В.И. Организация и нормирование труда на предприятиях.- Минск.: Новое знание, 2010.
3. Кузнецова В.В. Экономика сельского хозяйства. Ростов на Дону, 2008.
4. Бороздин. Земельные отношения и аграрная реформа. М.: Изд. Единства, 2011.
5. Тургаев А.К. Охрана труда в сельском хозяйстве. - М.: Академия, 2010.
6. Петранева Г.А. Экономика и управление в сельском хозяйстве. М.: Академия, 2009.

7. Илвини З.М. Рынок сельскохозяйственного сырья и продовольствия. Минск: БГЕУ, 2010.
8. Николаев В.С. Основы технологии сельскохозяйственного производства. Земледелие и растениеводство. М.: Былина, 2009.
9. Цынкин Ю.А. Агромаркетинг и консалтинг. М.: Юнити, 2008.
10. Осипов М.Ю. Основы предпринимательского дела. Москва, 2011 г.

“Қишлоқ хұжалиғи инфратузилмаси іқтисодиёти” фанидан курс иши мавжуд әмас.

Мундарижа

Аннотация	3
Муаллифлар ҳақида маълумот	4
Маслаҳат ва тавсиялар.....	5
Талабаларнинг фанлардан қолдирган дарсларини қайта ўзлаштириши тўғрисида НИЗОМ.....	7
Талабаларнинг фанлардан мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида НИЗОМ.....	11
Фан бўйича талабалар билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезони ва рейтинг ишланмаси	16
Фан ишчи ўқув дастури	24
Фан дастури бажарилишининг календарь режаси	42
Фаннинг технологик харитаси	46
Фан бўйича мавзуларга оид амалий машғулотлар тўплами	57
Фан бўйича оралиқ ва якуний назорат бўйича саволлар варианtlари	62
Фан бўйича тест саволлари	66
Фан бўйича умумий назорат саволлари	95
Фан бўйича ишлаб чиқилган тақдимотлар	99
Глоссарий	115
Фан бўйича талаба мустақил ишлари мавзулари.....	119
Фан бўйича фойдаланилган адабиётлар рўйхати	120
Фан бўйича таянч конспект.....	121
Фан бўйича ўқув материаллари (маъруза матни, услубий кўлланма)	179
Хорижий адабиётлар.....	204
Фан бўйича курс иши мавзулари.....	206

**КИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ИҚТИСОДИЁТИ
ФАНИДАН ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

М. АЛЛАЯРОВА

Гулистан - 2013

Масъул мұхаррір:

Тақризчилар: иқтисод фанлари номзоди, доцент О.Сатторқұлов
иқтисод фанлари номзоди, доцент О.Райимбердиева
компьютерда саҳифаловчи: М.Аллаярова

Босишга рухсат этилди ____ 2013. Қоғоз бичими 60x84.
Times New Roman гарнитураси. Нашр б.т. 13,0.

707000, Гулистан шахри, 4 – мавзе,
Гулистан давлат университети,
Гулистан Давлат Университети босмахонасида чоп этилди